

ISSN 2181-8738

ВОДИЙНОМА

ЯНВАРЬ-МАРТ

2018 ЙИЛ

№1 (8)



МУНДАРИЖА

«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

2018 йил №1 (8)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди

Ҳамкорларимиз: Андижон давлат университети,

Андижон вилоят телерадиокомпанияси

«Андижоннома» газетаси таҳририяти

Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир уринбосари:

Абдулла Шаропов

Таҳрир ҳайъати:

Абдулҳамид Анорбоев

Екатерина Смесова

Маъмуржон Саидхонов

Мамбет Койгелдиев

Махбуба Темирова

Мирсодиқ Исҳоқов

Мухаммаджон Исомиддинов

Наим Каримов

Поён Равшанов

Ташманбет Кененсариев

Шамсиддин Камолитдин

Шухрат Ризаев

Мусахҳиҳ:

Шухратбек Қаҳҳоров

Техник муҳаррир:

Беҳзодбек Қаҳҳоров

Жамоатчилик кенгаши:

Абдумухтар Исроилов

Абдинаби Кадыров

А.Расулов

Бахтиёр Аминов

Б.Абытов

Бахтиёр Ҳасанов

Дилмурод Қуранов

Маҳмуд Ҳасанов

Мансур Хўжаев

Р.Арслонзода

Сойибжон Ҳошимов

Х.Х.Холджураев

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот

бошқармаси томонидан 2016 йил 18 майда

№ 04-049 рақам билан рўйхатга олинган

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри
Университет кўчаси 129-уй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@inbox.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ Босма тобоғи: 13,5

Офсет босма. Офсет қоғози.

Адади: 2 000 дона.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган

фикр-мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига

мос келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва

рақамларнинг аниқ ва ҳолислиги учун муаллиф

жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr

NNM» МЧЖ томонидан тайёрланган «Akademnashr

NNM» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани

20^а-мавзе 42-уй

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Қардош Озарбайжон диёрида (Абдулҳамид Чўлпон меросини излаб 2

Р.Шамсутдинов, Д.Ҳомидов

Андижонда Қатағон қурбонлари хотираси музейи яратилмоқда 15

БУЮҚ ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

Акмал Саидов, Люсен Керен

Амир Темур – ўзбек ва француз олимлари нигоҳида 20

БУЮҚ БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИ ВА УНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ

Р.Р.Шамсутдинов

Ҳумоюн – тахт вориси ва Бобурийлар салтанатининг халоскори 23

ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

Р.А.Арслонзода, С.Б.Юлдашев

Политическая история Ферганы VII – VIII вв 32

М.М.Исҳоқов

Абу Райҳон Беруний ибратларидан 42

Б.А.Усмонов.

Одилшоҳ жалоийр исёни: сабаб, жараён ва оқибат 50

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

Ж.Ш.Ҳайтов

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон минтақасида боғдорчилик

соҳасидаги ўзгаришлар 54

Наим Каримов

Сайдносир Мирджалилов – казначей правительства Туркестанской автономии 64

Шухратбек Қаҳҳоров, Дилшодбек Ҳомидов

XX аср 20-йилларида Фарғонадаги ижтимоий-сиёсий ҳолат «Дархон»

газетаси кўзгусида 71

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ

Д.Т.Атантаева

Развитие исламского образования в Кыргызстане в 1993 – 2014 гг. 76

Самарқанд давлат университетининг 90 йиллигини нишонлаш олдида 85

Р.Ш.Ҳолиқулов, А.Ж.Ботиров

Ўзбекистон давлат университети биринчи ректори Карим Абдуллаев 86

ҲУЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Рустамбек Шамсутдинов

Советларнинг Ўзбекистондаги миллий сиёсати ўзбек зиёлилари талқинида

(ОГПУ материаллари асосида) 90

МУНОЗАРА МИНБАРИ

Наим Каримов

Чўлпон қачон туғилган? 94

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

О.Бўриев, Г.Равшанова

Темуршуносликка қўшилган салмоқли ҳисса 96

М.Абдуллаев

Қирғизистонлик ўзбек фидойилари ҳақида китоб – «Қирғизистон равнақи

фидокорлари» 101

ХОТИРА

А.Мўминов, А.Ташанов, Н.Т.Полвонов, М.Хўжаев

Тарихнавис Мухаммаджон Абдурахмоновнинг ёди 104

Фанлар академияси сафи кенгаймоқда 106



ОЗАРБАЙЖОН ДИЁРИДА ЧЎЛПОН МЕРОСИНИ ИЗЛАБ

**«Яна бир буюк юртдошимиз
Абдулҳамид Чўлпонни олайлик.
XX аср бошларидаги миллатимиз
тақдирини, унинг бошига
тушган фожиаларини, озодлик
ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу
мумтоз шоиримиз каби юксак
пардаларда куйлаган эмас».
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг
Андижон вилояти сайловчилар
вакиллари билан учрашувидаги
нутқидан¹**

Андижон шаҳридан чиққан улуг сиймо, улкан шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, истиқлол куйчиси, жасур курашчи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 120 йиллиги юртимизда кенг нишонланади. Бу сиймо 22 ёшида бутун Шарқ ва Ғарбнинг нигоҳи қаратилган жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири – қадимий Озарбайжон пойтахти Бокуда ўтказилган Шарқ халқлари биринчи съездида иштирок этган ва анжуман котибияти аъзолигига сайланган эди. Чўлпоннинг съезддаги фаолияти билан боғлиқ ҳужжат ва материалларни излаш мақсадида «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди ҳисобидан 2017 йил 9 – 16 октябрь кунлари илмий хизмат сафарида бўлди. Бу бизнинг Озарбайжонга учинчи марта келишимиз эди. Биринчи бор СССР Фанлар академияси Тарих институтида докторантурадалигимизда Бокуда 1984 йил 23 – 26 майда ўтказилган халқаро конференцияга устозим академик Ю.А.Поляков билан бирга келган

эдик. Анжуман жараёнида устозим шарофати билан озарбайжонлик машҳур академиклар – Али Сойбат Сумбатзода, Пистахонум Азизбекова билан яқиндан танишиш шарафига муяссар бўлганман. 1994 – 1995 йилларда Анқарада кўп жилдлик туркий дунё халқларининг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган тарихини яратиш бўйича халқаро конгресс йиғилишларида Озарбайжон тарихига доир кўплаб тадқиқотлар, монографиялар, Жалолиддин Мангуберди ҳақида капитал асар яратган академик Зиё Бунёдов билан танишиш шарафига эришган эдим. Унинг Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқинига қарши мардонавор кураш олиб борган юртдошимиз Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолиятини катта кўламда ёритиб берганини биз жуда яхши биламиз.



Суратда: Озарбайжон Республикаси давлат архиви директори Э.М.Сардаров ва профессор Р.Т.Шамсутдинов

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.9.



Боку шаҳрида 2016 йил декабрида бўлишга тўғри келди. Озарбайжон Республикаси Ширвон шаҳар ҳокими Мардон Жамолов билан яқиндан таниш эканимиз сабабли унинг ўғли Ҳасаннинг никоҳ тўйида иштирок этиб, дўстлар орттирдик. Боқунинг таҳсинга сазовор тарихий, меъморчилик, санъат, адабиёт обидалари, жумладан, Алишер Навоий ҳайкалини зиёрат қилиб олам-олам таассуротларга эга бўлган эдик.

Бу азим шаҳарга учинчи марта сафаримиздан кутилган асосий мақсад Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 120 йиллиги олдида Озарбайжон диёридаги давлат архивларидан Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган материал – ҳужжатлар, фото ва кинохроникалар топиш, уларни илмий тадқиқ этиб, оммага етказишдан иборат эди. Чунки 22 ёшли Чўлпон 1920 йил 1 – 8 сентябрь кунлари Боку шаҳрида ўтган Шарқ халқларининг биринчи съездида иштирок этган эди. Бундан ташқари, Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий муносабатлари тарихига оид ҳужжат ва материаллар излаб топиш ҳам мақсад қилиб олинган эди.

1930 йилнинг ўзида Ўзбекистондан, асосан, Фаргона водийсидан 517 ўзбек пахтакор оилалари Озарбайжон ҳукумати таклифи ва илтимосига кўра пахтачиликни жорий этиш ва ривожлантириш учун юборилганди. Бу икки қардош республиканинг пахтачилик борасидаги ҳамкорлиги саҳифаларини битиш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш олдимиздаги асосий вазифалардан эди.

2017 йил 9 октябрда Тошкент – Боку рейс билан учиб келиб, «Boulevard Hotel Baku Autograph Collection» меҳмонхонаси 4209-сонли номерга жойлашдик. Тушлик қилгач Озарбайжон Республикаси Миллий архиви жойлашган Боку шаҳрининг Гасанбек Зардобий кўчаси 593-уйга келдик.

Озарбайжон Республикаси Миллий архиви директори тарих фанлари номзоди, журналист Эмин Мамедов ўғли Сардаров бизни жуда илиқ ва самимий кутиб олди. У 1989 – 1990 йилларда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетида уч курс ўқиган экан. Ҳозирда



Отахон Пошоев ҳузуридаги дўстона суҳбат

47 ёшли бу завқ-шавққа тўла архившунос олим университетда таҳсил олган йилларини эслаб, дарс берган устозларини, бирга ўқиган инсонларни тилга олиб ўтди.

Жумладан, ҳозирда ЎЗМУ тарих факультетида хизмат қилаётган профессор Анатолий Сагдуллаев ҳақида кўп яхши фикрларни айтди. Мақсадимиз ва расмий хатимиз билан танишгач шу архивда 45 йилдан бери хизмат қилаётган тарих фанлари номзоди, Озарбайжонда хизмат кўрсатган маданият ходими Сима Бобоевани чақириб, бизнинг хатимизни унга тушунтириб, Шарқ халқларининг биринчи съезди материаллари билан таништириш, улардан ксеро-электрон нусха олишга ёрдам беришга илтимос қилди. Биз С.Бобоева билан ҳужжатлар сақланаётган хонага кирдик. Съезднинг стенографик ҳисоботи бу архивда йўқлиги аниқланди. Бироқ ўша съезд тугагач, съезднинг қарори билан ташкил этилган «Народы Востока – орган Совета пропаганды и действий народов Востока» журналининг 1920 йил октябрь 1-сонини борлиги аниқланди. Шу журналда съезд ҳақида батафсил маълумотлар эълон қилинган экан. Журналнинг электрон ва ксеронусхасини олдик. Архивдан съезд жараёнини акс эттирган «Коммунист»,



Озарбайжон Республикаси кино, фото, хроника архиви директори Бугар Мелим, унинг ўринбосари Аида Хонум ва ходимлар, тадқиқотчилар Р.Шамсутдинов, М.Акбарова

«Беднота» газеталари тахламасидан баъзи хабарларни қўлга киритдик.

Озарбайжон Республикаси Миллий кутубхонаси директори номига «Мерос»нинг илтимос хатини олган эдик. Биз бу ердан энг муҳим манба ҳисобланган мана бу китоблардан ксерокопия олишга эришдик: 1-ый съезд народов Востока. Баку 1 – 8 сентября, 1920 г. (стенографические отчеты). – Петроград, 1920. – 234 с; Первый съезд народов Востока. – М.: Восточная литература, 1961. – 80 с; Материалы по истории Азербайджана. Труды музея истории Азербайджана. Том III. – Баку, 1960. – 130 с.

Шунингдек, 1920 йили Бокуда чиққан газеталар тахламаларини кўриб чиқиб айрим хабарларни олдик. Ўзбекистондан ўзбек пахтакор оилаларини Озарбайжонга келтириш, бу ерда пахтачиликни жорий қилиш билан боглиқ хужжат ва материаллар архивнинг 796-фонди 2-рўйхатида экан, шунингдек, 701-ишни кўриб ундан ксеронусхалар олдик. Улардан бирида Озарбайжон ССР Халқ комиссарлари советининг 1930 йил 8 январдаги йигилиши биринчи баённомаси мавжуд бўлиб, 23-масала «О переселений в АССР в 1929/30 г. хлопкоробов-узбеков (Внес. Упр. Дел. СНК, докл. т. Буният-заде) бўлган (Айримларини оригиналда келтирамыз).

а) Считать необходимым в 1929/30 г. добиться переселения а АССР 500 хозяйств крестьян узбеков, как опытных хлопкоробов;

б) Признать необходимым немедленно командировать уполномоченного в Узбекистан для ведения переговоров о переселении означенных 500 хозяйств.

Сафардан қайтгач Андижон вилояти давлат архивидан Округ ер-сув бўлими 189-сонли фонд материалларини кўриб чиқдик. Ўзбекистон халқ комиссарлигининг кўрсатмасига мувофиқ Андижон округидан 4420 хўжаликни Озарбайжон, Тожикистонга, Сурхондарё, Самарқанд, Зарафшон ва Тошкент округларига кўчириш ҳақидаги кўрсатмани учратдик. Бу кўчириш 1929 йил 25 декабрдан 1930 йил 1 февралгача амалга оширилиши белгиланган.

Андижон округидан 2400 хўжаликни округ доирасида, 2920 хўжаликни ЎзССР округлари бўйича, 1500 хўжаликни Озарбайжон ва Тожикистон АССРга кўчириш белгиланган. Зеленский (Асака) районида Самарқанд округига 700, Сурхондарё округига 885, Озарбайжонга 500 хўжалик кўчириладиган бўлган. Ана шу 500 хўжалик Асака районида бўлган. Бу хўжаликлар Асака станциясидан поездда жўнатилган. Озарбайжонга кўчириладиганлар Красноводск-




Ю.Ю.Варновский, Аида Хонум, Р.Шамсутдинов

кача поездда, бу ердан пароходда Бокуга олиб борилган. Кўчирилаётган хўжаликларни юборилган жойларда жойлаштириш учун кредит ажартилгани ҳужжатда акс этган.

Кўриниб турибдики, ўзбекистонлик пахтакорлар қардош Озарбайжонда пахтачиликни жорий этиш ва ривожлантиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Тарихимизнинг бу саҳифаси алоҳида тадқиққа муҳтож.

Эмин муаллим биз истаган ноёб ҳужжат ва материалларни қўлга киритиш учун самимий маслаҳат берди. У республикада таниқли, обрўли, 50 йилга яқин архив ишларига бошчилик қилиб келаётган катта тарихчи олим, ёши 80 ларга бориб қолган Отахон Пошоевга мурожаат қилишимизни айтди. Эртаси куни Озарбайжон Республикаси Миллий архив идораси раиси Отахон Пошоев ҳузурида бўлдик. У бизни самимий кутиб олди, яқиндан танишдик. Биз айрим китобларни тақдим қилдик. Ўз навбатида, бу ажойиб инсон 1913 – 1916 йилларда нашрдан чиққан «Депортация Азербайджанцев из Армянской ССР (1948 – 1953 гг.)» (782 с), «Геноцид, депортации и территориальные претензии армян к Азербайджанскому народу (XIX – XX вв.)», «Tarixi yaddasimizdin etibarli saxlanc yeri» китобларини бизга тақдим этди.



Ўнгдан биринчи Чўлпон



Ўртада Чўлпон



Биз раис жанобларидан Бокуда 1920 йил сентябрда Шарқ халқларининг биринчи съезди бўлгани, унда Ўрта Осиёдан 100 га яқин вакиллар иштирок этгани, улар орасида шоир, ёзувчи, жадидчи, истиқлол куйчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон борлигини айтиб, бу ҳақида сурат, кинохроника материалларини кўриш ва ундан фойдаланиш истагини билдирдик. Раис жаноблари бу вазифани ўринбосари Расуловга топширди. У бизни бош бинодан олиб чиқиб қўшни бинога олиб борди. Бу бинода Озарбайжон Республикаси кино, фотохроника архиви жойлашган экан. Бу архивнинг директори Бугар Мелим, унинг ўринбосари Аида Хонум экан.

Бизни жуда самимий кутиб олишди. Архивдаги биз истаган фотосуратлар ва киноленталарни кўриш учун тақдим қилишди. Бунда Озарбайжон санъат арбоби, кинооператор Юрий Юрьевич Варновский самимий ёрдам кўрсатди. Биз ана шу съезднинг 5 ўрам кинохроника лентасини кўриб ўзимиз учун керакларини саралаб олдик. Съезд президиуми, йигилиш жараёни, нотиқлар нутқлари, съезддан ташқари ўтказилган тадбирлар туширилган киноленталардан бири «Сартянки-Ўзбеки» деб номланган экан. Уни кўрганимизда бизни беҳад қувонтирган ажойиб, ноёб топилма устидан чиқиб қолдик. У юртдошимиз Чўлпоннинг экрандаги жонли кўриниши эди.

Биз ўша кинохроникани тўлалигича кўчириб беришни, Чўлпон акс эттирилган кадрлар-

ни расмга олишни илтимос қилдик. Бу ишни Аида Хонум ходимлари билан бажариб бизни беҳад қувонтирди.

Хизмат сафаридан қайтгач қўлга киритилган Чўлпоннинг жонли тасвирини Андижонда истиқомат қилаётган яккаю ягона жияни, 90 ёшни қоралаган Ҳотам ҳожи Мирзахўжаевга кўрсатиб бироз далда бериш мақсадида унинг зиёратига бордик. Компьютеримиздан Бокудан олиб келинган кинохроника лентасини кўрсатганимизда Ҳотам ҳожи ака: «Мана-мана менинг тоғам Чўлпоннинг ўзи, ёшлик даври, юз тузилишлари, кўз ва бурунлари, бўй-бастлари айна тоғам», – деб бениҳоя қувонди, анча қувватланди. Ҳожи ота тоғасини 4 – 5 ёшлигида кўргани, шундан бери орадан 80 – 85 йил ўтиб тоғасининг ёшлигидаги жонли ҳолатини кўриб, бунинг ҳозирги ва келажак авлодлар учун жуда қимматли мулк эканидан хурсанд бўлиб шундай деди:

– Биринчи кўрибоқ ҳайрон қолдим. Бундай катта бир нарсани қарийб олтмиш – етмиш йилдан кейин кўриш жуда катта бахт. Мен тўрт-беш ёшимда кўрганман. Узун бўйли, костюм-шимда, галстукда – қора галстукда извошдан тушаётганини кўрганман. Мени қаттиқ қучоқлаб, юзимдан ўпиб битта совға берган, совға билан югуриб кетганман. Уйимиз ҳозирги 24-мактабнинг рўпарасида эди. Тоғам раҳматлига жуда кўп ери ўхшайди. Биринчиси – кўзи билан қулоғи катталиги. Кейин ёнбошдан қараганда бурунларининг узунлиги, кейин ҳалиги гап гапириш мимикалари, 20 – 22 ёшда, 1897 йили тугилган бўлса, 1920 йили олинган бўлса, кинохроника тоғамизнинг жонли ҳолатини бизнинг кўз олдимизга келтиргани учун бениҳоя шодландик, руҳан тетикландик, бунинг учун шу ишни қилган юртдошимиздан беҳад миннатдоримиз, бу тоғамизнинг жонли ҳолати биз учун бебаҳо, ноёб маънавий мулкдир, уни асраб-авайлаб келгуси авлодларимизга ҳам етказамиз.

Истиқлол куйчиси Чўлпон ҳам бошқалар каби ана шу Шарқ халқлари биринчи съездидан халқимиз, миллатимиз, юртимиз манфаатига хизмат қиладиган катта ўзгаришлар юз беришига умид қилган эди. Бокуга кетиш олдидан



«Улуғ йўлда» номли мана бу шеърни битгани бежиз эмас:

*Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,
Бош-учини таниб бўлмаслик излар.
Шу изларни босиб, денгизлар кечиб
Буюк амал билан борамиз бизлар.
Юракдаги сақлаб борган амаллар
Йўллардаги денгизлардан улуғроқ.
Эзилганлар тилак тилар бу йўли
Бурунгидан тўлароқ.
Маҳкам қилиб боғланилган камарлар,
– Тезроқ!
– Қанот!
Қушлар янглиғ учайлик.
Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик,
Шарқнинг эски чигалини ечайлик!*

Аммо бу съезд ва унинг чиқарган қарорлари Ўрта Осиё ва Қозогистон халқларининг тақдиридаги эски чигални еча олмади. Бу съезд Ленин бошлиқ большевикларнинг, III Коммунистик интернационалнинг сиёсий ва мафкуравий ўйинларидан бири бўлиб чиқди (Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз).

Қўлимизда Туркистон Компартияси муваққат марказий комитетининг 1920 йил 27 июлдаги 3-сонли баённомаси. Қатнашганлар: Тўрақулов, Ҳакимов, Билик, Войтеч, Плетнев, Иброҳимов, Қосимхўжаев, Геллер, Асфандиёров, Устабоев, Домбровский. Кун тартибидagi 4-масала «Шарқ халқлари вакилларининг бўлажак съезди тўғрисида Бокудан келган телеграмма» кўрилган. Масала Геллер томонидан шарҳланган. У Боку съездига уюшмаган кишлоқ оммаси вакилларини кўпроқ юбориш керак, Ҳакимов, аксинча, уюшган оммадан, касабаяюшмаси ва партия ташкилотидан вакиллар юбориш лозим, Коган ҳам съездга анча уюшган оммадан вакиллар юбориш даркор дейди, Любимов эса вақт жуда оз қолгани туфайли вакиллар сайлаш учун кенг йигилишлар ўтказишга имкон йўқлигини айтади.

Йигилиш съездга қанча вакил юбориш, уларни йигиш ва жўнатиш, сафар харажатларини аниқлаш вазифаларини ижроия бюро ва тарғибот интернационал бюроси бажаришига

қарор қилди. Қарорни Назир Тўрақулов имзолаган.²

Москвадан Тошкентга, Туркистон Республикаси Марказий ижроия комитети раиси Турор Рискўлов номига Шарқ халқлари коммунистлари бюроси раиси Султон Галиевдан келган телеграммада Бокуда бўлажак Шарқ халқлари биринчи съезди кун тартибида кўриладиган айрим масалалар келтирилган.

Туркистон Компартияси муваққат марказий комитети масъул котиби Назир Тўрақулов имзолаган 4097-сонли гувоҳнома 1920 йил 7 августда Тимофей Мазикович Геллерга берилган. Унда Геллер Туркистон Компартияси муваққат марказий комитети аъзоси, Шарқда интернационал тарғибот кенгаши раиси Бокуга Шарқ халқлари съездига хизмат сафарига жўнатилаётгани, барча партия ва совет муассасалари Геллерга съездга бориши учун ҳар жиҳатдан кўмак беришлари талаб этилгани айтилган.³

Съездга делегатлар юбориш ўлка комиссияси барча уезд сайлов комиссияларига, касабаяюшмаларига хат йўллаб, унда Бокуда 3-коммунистик интернационал томонидан чақирилаётган Шарқ халқлари съездига Туркистон, Бухоро, Хива, Эрон, Туркия, Африка, Хитой, Ҳиндистон мамлакатларидан вакиллар бориши кутилмоқда, съездда Шарқ ва Гарбдан таниқли арбоблар иштирок этиши белгиланмоқда, Бокудаги съездда озод бўлган, озодликка чиқаётган Шарқ халқларининг куч-қудратини, совет ҳокимиятининг мазлум халқларни қўллаб-қувватлаётганини намойиш этиш кўзланмоқда. Съездга юборилаётган вакилларнинг ҳар бири Туркистон Марказий ижроия комитети ҳисобидан жойлардаги ижроия комитетларидан 30 минг рубль олишлари кўрсатилган.⁴

Мунаввар қори Абдурашидхонов съездга боришда йўлдаги ҳолатларни шундай хотирлайди: «Бу қурултойга Тошкандан фирқали ва фирқасиз вакиллар турли ўрганлардан сайланиб, Геллер деган бир кишининг тахти раёсатинда Бокуга жўнодик. Йўлда Геллернинг тўрачилиқ ва баъзи ҳаракатлари вакиллар ила

² ЎзР МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 228-иш. 199-варақ.

³ ЎзР Президенти Девони архиви. 60-фонд. 2-рўйхат. 97-иш. 23-варақ.

⁴ ЎзР Президенти Девони архиви. 60-фонд. 1-рўйхат. 866-иш. 3-варақ.



Геллер орасига анчагина совуқлик солди. Масалан: поездда ўзи ва ёнига олгон Рабинович номли секретаршаси ила уч-тўрт бўлудалик (блюда) таомлар қилдириб берганлиги, йўлларда поездни тўхтатиб қўйиб, Рабинович ила очик далада вакилларнинг кўз олдидарида ўйнашгонлиги каби ҳаракатлари вакилларнинг раисдан кўнгиллари қолишига сабаб бўлди. Икки ора анчагина бузулгон эди. Бокуга боргоч митинглар қилиниб, тантанали мажлислар ўтқарилди».⁵

Аҳмад Заки Валидий Тўғон шундай ёзган: «Бокуда 1 – 5 сентябрдаги Боку Шарқ халқлари съезди ўтказиш гоёсини Москвада Бошқирдистон ваколатхонасида Жалил пошо ва Халил пошо иштирок этган суҳбатда мен ўртага ташлаган бўлсам-да, бу иш Сталиннинг Миллий масалалар комиссарлиги ва Мусулмон коммунистлари марказий бюроси тарафидан ташкил этилди. Мен бу вақтда қочқин эдим. Съездга Зиновьев билан К.Радек раҳбарлик қилди. Мени бу съездга албатта келади деб ҳисоблашиб ушлаш чораларини кўриб қўйишган эди. Мени Боку, Астрахань, Дарбанд, Красноводск ва бошқа жойларда қўлга олиш учун 300 га яқин чекист ҳаракат қилаётганлиги тўғрисида менга хабар беришди. Буларнинг кўпчилиги мени шахсан танийдиганлар экан.

Қозогистон ва Ўзбекистондан келадиган делегатлар кимлардан иборат эканлиги, уларнинг махсус поездда келишларини ҳам хабар беришди. Мен бу поездни 29 августда Ашхабоднинг гарбидаги Баши деган кўримсиз бекатда кутиб олдим. Юк поездидан уларнинг поездига сакраб ўтганимда вагонда Турор Рискүловни ва Иброҳим (аслида, Тўрақул, бу ерда муаллиф адашган – Р.Ш.) Жонузақовни кўрдим. Булар билан Бокуда қандай кўришишимизни ва қандай иш тутишимизни Красноводскдан аввалги Жебел бекатигача суҳбатлашиб пишитиб олдик. Бу ерда Турор менга қизиқ бир мақола берди. Биз Москвадан чиққач тўпланган Коминтерн конгрессида рус хориж ишлари бўйича комиссарлиги ва Яқин Шарқ масалалари билимдони ҳисобланган Павлович Яқин Шарқ

ва Ўрта Осиёда фаолият олиб бораётган сафдошлар учун кўпайтирилган бир мақола тарқалган, лекин уни мусулмон коммунистларига бермаган. Турор Рискүлов ва мени танийдиган бир польшалик коммунист ундан бир нусхани Турорга яширинча берган».⁶

Туркистон вакиллари поездда Красноводска келиб, бу ерда пароходга жойлашиб, Каспий денгизи бўйлаб Бокуга келишган. Вакиллар миллий либосда Боку шаҳрининг Телефонный, Миллионный, Парламентный, Торговый, Ольчинский ва Садовий кўчалари бўйлаб юриб ёзлик клубга боришган.

Боку газеталарида келган вакиллар ҳақида хабарлар бериб турилган. Улардан бирида шундай ёзилган: «... прибывают китайцы, индусы из далекой «жемчужины Англии», туркмены и сарты (узбеки – Р.Ш.) из глухих кишлаков Туркестана...»

1920 йил 30 августда давлат опера театри биносида Шарқ халқлари съезди вакиллари учун концерт – митинг бўлди.

Унда Туркистон, Бухоро ва Хоразм вакиллари, жумладан, Абдулҳамид Чўлпон ҳам қатнашган.

Съезд очилиши арафасида – 31 августда Боку ишчи, қизил аскар ва матрослар депутатлари совети ва Озарбайжон қасаба уюшмаларининг Шарқ халқлари съезди делегатлари иштирокида йигилиш бўлди. Озарбайжон инқилобий комитети раиси Н.Нариманов, Бела Кун (Венгрия), Томас Квелч (Англия), Жон Рид (АҚШ) ва бошқалар Шарқ халқлари вакилларига дил изҳорларини билдирдилар.

Шарқ халқлари биринчи съездида 1891 делегат қатнашган, шундан 1273 нафари коммунист, 266 нафар вакилнинг қайси миллатга мансублиги кўрсатилмаган, 100 нафарга яқин вакил анкета тўлдирмаган, хотин-қизлар 55 нафар бўлган. Миллий таркибига кўра съездда 235 турк, 192 эроний ва форс, 157 арман, 104 рус, 100 грузин, 82 чечен, 61 тожик, 47 қирғиз, 41 яхуди, 35 туркман, 33 қўмиқ, 25 лазгин, 17 осетин, 15 ўзбек, 14 ҳинд, 13 ингуш, 12 жамшид, 11 хазал,

⁵ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б.198.

⁶ Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи. – Тошкент: Истиқлол нури, 2014. – Б.307 – 308.



10 сарт, жами 37 миллат вакиллари қатнашган.

Делегатларнинг учдан икки қисми коммунистлар бўлган. В.И.Ленин шунинг учун ҳам съездни «Коммунисттик съезд» деб атаган.

Бокудаги «Коммунист» газетасида «Шарқ халқлари съездига» номли хабарда коммунистлар фракцияси йигилишида съезд президиумига 6 вакил – Раджабов, Рисқулов, Мулла Раҳмонов, С.Жўрабоев, Мунавварқори ва Қориев сайлангани, фракция раиси этиб вақтинча Рисқулов сайлангани, съезд ишини рус ва турк тилларида олиб боришга қарор қилингани қайд этилган.

Тошкентдан Туркистон Компартияси Марказий Комитети номидан Бокуга радио орқали съездни табрикловчи мана бу хабар йўлланган: «Президиум съезда народов Востока. От имени организованной трудящихся масс бывшей колонией царского и капиталистического правительства ныне Туркестанской Советской Социалистической Республики. Временный ЦК КПТ шлет братский привет представителям народов Востока, делегатам съезда.

ЦК КПТ выражает глубокую уверенность, что съезд руководимый представителями и оснащенный идеями Третьего Коммунистического Интернационала определить дальнейшие пути по которым пойдет борьба народов еще находившихся в порабощение у империалистов Европы и Америки. Съезд народов Востока совпал с явлением исключительной важности для революционного движения Средней Азии! В Бухаре волею восставшего Бухарского народа происходил революция, во многих городах власть захвачена восставшими революционерами, на сегодня и завтра Эмирское правительство будет свергнуто и власть перейдет в руки трудящихся Бухары. Революция в Бухаре – сильнейший удар по самой деспотической и реакционной стране на Востоке. Английский империализм теряет еще одну позицию, из которой он готовился вонзить ниток тело Советской России. Еще одна позиция Англии разбита и революционное движение среди колониальных народов получает новый, могучий толчок. Пуст гром Бухарской революции восстановит силу и энергию работу съезда порадовав Востока.

Да здравствует революция Востока!»⁷

«Коммунист» газетаси Тошкент уезди Советлар съезди номидан йўлланган мана бу табрикни ҳам ўз саҳифасида берган: «Съезд советов Ташкентского уезда шлет Съезду Народов Востока привет с твердой уверенностью в том, что вокруг него железным кольцом сплотятся все угнетенные народы, и не далёк тот день, когда угнетенный Восток избавится от ига империалистов Запада. Председатель Баймурадов».

Ўша «Коммунист» газетаси съезд олди-дан Туркистондан қорақирғиз халқи вакили Тўракул Жонузақов билан «Балкизқавроста» ходимининг суҳбатини уюштирган. Суҳбатда Тўракул Жонузақов 1916 йилдаги қорақирғизлар кўзголони ва унинг аҳамияти, тарихи ҳақида тўхталган. 100 йил муқаддам Етгисувда руслар бўлмаган. Қорақирғизлар «доҳийлари» Қўқон хонлигига кўшни Семипалатинск областидаги русларни ёрдамга чақирганлар. Рус самодержавияси мутлақо жоҳил ва қолоқ халқни кўра-била туриб Туркистонни ўзининг мустамлакаси қилиб олишга қарор қилган. Шу мақсадда чоризм кучайтирилган суръат билан рус деҳқонлари оммасини Туркистонга кўчира бошлаган. Бу келгинди деҳқонлар қорақирғиз халқининг энг ҳосилдор, деҳқончилик учун қулай, бой сугорма ерларига кўчириб келтирилган. Кўчманчилар йилдан-йил кўпайиб борган. Маҳаллий аҳоли эса тобора ёмонлашган.

Чор ҳукумати маҳаллий аҳолига қарашли энг яхши ҳосилдор ерларни тортиб олиб, уни рус мустамлакачиларига мулк қилиб берувчи кўчириш бошқарма органини ҳам ташкил этган. Кўчириш бошқармасининг сиёсати ва чоризм мулозимларининг жойлардаги хулқ-атвори чуқур душманчилик кайфиятини келтириб



Тўракул Жонузақов (1893, Авлиёта – 1921, Фарғона области). Сурат 1920 йил Тошкентда олинган

⁷ ЎзР Президенти Девони архиви. 60-фонд, 1-руйхат, 775-иш. 68-варақ.



чиқарган. Жаҳон уруши даврида аҳвол беҳад кескинлашиб кетган. Қорақирғизларга жуда катта, мутлақо тўлаб бўлмайдиган миқдорда солиқ солинган, бу катта миқдордаги солиқни тўлашнинг ҳеч имкони бўлмаган, улардан от ва бошқа ҳайвонлар тортиб олинган. Омманинг газиби 1916 йилга келиб юқори чўққига кўтарилган. Бунда қорақирғизлардан фронт ортидаги ишларга, мардикорликка сафарбар қилинган. Натижада бу сиёсатга қарши қўзғолон кўтарилган, мислсиз қурбонлар берилган, ҳайвон ва буюмлар йўқ қилинган, кўплаб қорақирғизлар Хитой провинциясига қочганлар.

Қорақирғизлар қўзғолони тарихий ва сиёсий асосга эга эди, у тасодифий эмасди. Айтиш мумкинки, қорақирғиз халқининг 1916 йили қуролли қўзғолон қилиши Россиянинг эски ҳукумати ағдариш учун бир тўртки бўлди.

Тўрақул Жонузаков 1893 йили Талас водийси Толди-Булоқ қишлоғида йирик манап оила-сида туғилган, рус-гузем мактаб-интернатини битирган, ўқишни аъло битирганлиги учун Туркистон генерал-губернатори маъмуриятида тилмочлик қилган. Чор ҳукумати маъмуриятида хизмат қилган Тўрақул 1909 йилдан генерал-губернаторнинг адъюданти бўлган. Чор маъмуриятида хизмат қилиш жараёнида кўп марта илгор рус зиёлилари вакиллари билан учрашган. Таниқли шарқшунос ва туркшунос олим Аҳмад Заки Валидий Тўгон ўз хотираларида 1914 йили Тошкентда театрга кирганда ўқувчи ёшларнинг кечки балида қирғиз талабаларидан Жонузақ ўғли Тўрақул билан учрашганлини ёзган.⁸ Т.Жонузаков 1916 йилги Ўрта Осиё миллий озодлик қўзғолонида фаол иштирок этган, унинг раҳбарларидан бири бўлган. 1918 – 1919 йилларда Туркистон ЧК органида, 1920 йили Туркистон АССР Марказий ижроия комитети раиси ўринбосари лавозимида ишлаган. Аҳмад Заки Валидий Тўгон 8 йил қўлида сақлаб турган «Манас» достонини 1920 йили Боқудаги съездда Т.Жонузаков сўраб олган, бироқ бироздан сўнг шўроларга қарши кўтарилган исёнда Фарғонада шаҳид бўлган, қўлёзма ҳам йўқолган. Аҳмад Заки Валидий Тўгон Боқуга келган,

лекин съездда иштирок этиш ҳуқуқи унда йўқ эди, аксинча, уни чекистлар қўлга олиш учун ахтариб юришганди. Шу боис у боқулик Амин Афандизода кўмаги билан яширин уйда истиқомат қилган ва съезд боришини кузатиб турган. «Бу ерда, – деб ёзган у ўз хотираларида, – Туркистон вакилларида асли қирғиз Иброҳим Жонузаков (Иброҳим эмас, Тўрақул – Р.Ш.) билан ҳар куни кўришар, съезд музокараларида айтиладиган сўзлар ва таклиф этилиши лозим бўлган қарорлар хусусида суҳбатлашардик. Мен томонимдан қаламга олинган қарорлар лойиҳаси Жонузаков ёки Бошқирдистон вакили Холиқов номидан тавсия этиларди. Бир кун съездда раислик қилаётган Карл Радек: «Ўртоқ Жонузаков. Балки, чўнтагингизда тайёр резолюция бордир, ўқинг», – дегач, эҳтиёткор Жонузаков бошқа ёнимга келмади. Бироқ Рискүлов, собиқ адъютантим Абдурашид Бикбеков ва Адигимовлар боягидек келиб туришди». Съезддан Тошкентга қайтгач Т.Жонузаков совет ҳокимиятига қарши кураш бошлаган. 1920 йил сентябрида ўша съезддан қайтган туркистонлик 40 нафар вакилларнинг кенгашида қатнашган. Бунда совет ҳукумати фаолиятдан норозиликларини баён этиб, советларга қарши тарғибот ишини авж олдириш, октябрь инқилобининг уч йиллигини нишонлаш кунида умумхалқ қўзғолони кўтаришга чақирган. 1920 йил октябрда «босмачилик ҳаракати» томонига ўтган. 1920 йил 15 декабрда Андижон уезд-шаҳар инқилобий комитети раиси, Туркистон Марказий ижроия комитети аъзоси Султонбек Тўхтабеков ва қўрбоши Парпибек билан унинг қароргоҳида кенгаш ўтказган. 1920 – 1921 йилларда Фарғона водийсидаги йирик қўрбошиларида бири Парпибек отрядида бўлган. Бу отряд Новқат, Бозорқўргон, Сузоқ ва Андижон уездининг қатор районларида ҳаракатланган.

1921 йил декабридан Шермуҳаммадбек қароргоҳида тарғибот ишларини олиб борган, 1921 йил июнида Андижон уездидаги Исроил қўрбоши билан суҳбат олиб борган. 1921 йил мартида Жонузаков уч кун Наманган уездида бўлган. Қўрбоши Омон Полвон билан учрашган. Истиқлолчилик ҳаракатида фаол қатнашган Тўрақул Жонузаков жанглардан бирида ха-

⁸ Аҳмад Заки Валидий Тўгон. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи. – Тошкент: Истиқлол нури, 2014. – Б.111.



лок бўлган. 1922 йил ёзида Туркистон Марказий ижроия комитети Мулла Тўракул Жонузаковни афв этган.

Тбилиси давлат университети Тарих ва этнология институти Янги ва энг янги тарих кафедрасининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Лела Саралидзе ўзининг «Мустафа Шокай и грузинская политическая эмиграция» номли мақоласида Мустафо Чўқай рафиқаси билан бирга Тбилисида 1919 йил баҳоридан 1921 йил февралигача муҳожирликда яшаганлигини ёзган. Унинг Аҳмад Заки Валидий билан бирга Шарқ халқларининг биринчи съезди, унда Ўрта Осиё ва Қозогистондан борган вакилларнинг иштироки, уларнинг нутқлари мазмун-моҳияти билан таниш бўлганликлари, ҳатто айрим маслаҳатлар бериб турганликларини фаҳмлаш мумкин. Лела Саралидзе битган мана бу сатрлар диққатга сазовордир: «Надо подчеркнуть, что Ахмет-Заки Валиди был старым другом Мустафы Шокая. Они вместе принимали участие в первом съезде народов Востока в Баку в сентябре 1920 года, где было принято заявление о чрезвычайной и срочной реализации пролетарской революции в азиатских странах. Этот факт ясно подтверждает, что Российское большевистское правительство делало все для внесения раскола в ряды эмигрантов и натравливания их друг против друга, что частенько и получалось у него».⁹ Демак, Аҳмад Заки Валидий Тўгон ва Мустафо Чўқаев Бокудаги Шарқ халқларининг биринчи курултойида расман иштирок этмаган бўлсалар-да, аммо съезднинг бориши, унда Ўрта Осиё ва Қозогистон халқлари манфаати ва тақдири масалалари билан астойдил қизиққанлар, съезднинг туркистонлик вакиллари билан яқиндан алоқада бўлиб, большевикларнинг айёрона сиёсати ва тактикасини фoš этиш ишига муносиб ҳисса қўшганлар. Буни туркистонлик вакилларнинг съездда қилган нутқларидан ҳам билса бўлади. Айни вақтда, Мустафо Чўқаев ва Аҳмад Заки Валидий Тўгон Каспийорти матбуоти орқали советларнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва амалиётини фoš этишга ҳаракат қилганлар.

Бундан чекистлар огоҳ бўлишган. Шу боис делегатлар юртига қайтганларидан сўнг уларнинг айримлари тергов қилинган. 1925 йил 20 декабрда жадидчи Саидносир Миржалилов тергов қилинаётганда терговчининг бу ҳақдаги сўроғига шундай жавоб қайтарган: «В том же 1919 г. в Тифлис приехал Мустафо Чокаев, жыл на частной квартире, куда переехал и я. Он там также прожил около двух лет. О съезде в Баку в 1920 г. народов Востока я читал только в газетах, а с Чокаевым разговоров не вел».

Улар съездга келган туркистонлик вакилларни матбуот ходимлари билан учраштириб, туркистонлик коммунист вакилларнинг Тифлисидаги (Тбилиси) «Вольный горец» газетаси муҳбири билан суҳбатларини тайёрлашга яқиндан қўмаклашганлар. Буни «Вольный горец» газетаси саҳифаларида эълон қилинган қуйидаги мақолалардан билиш қийин эмас.¹⁰

РАЗГОВОР С ТУРКЕСТАНСКИМ КОММУНИСТОМ

(От нашего бакинского корр.)

Мусульмане-делегаты, прибывшие на съезд народов Востока, настроены далеко не так, как об этом говорят большевики.

Туркестанские делегаты определенно заявляют о необходимости освобождения своей страны прежде всего от Севера. Один из них сказал буквально так: «Идти освобождать наших зарубежных братьев от ига европейских империалистов мы можем только тогда, когда сами мы освободимся от колонизаторской политики «красного Севера». Пока наступит для нас обещанная большевиками свобода, мы все, вероятно, умрем с голода. Нас хотят заставить сеять хлопок, что влечет за собою неминуемую голодную смерть. Центральная Россия за абранное у нас сырьё платит нам большевистской литературой и красивыми словами.

Одно положительное чему нас учит советская практика в Туркестане – это безгранично

⁹ <http://kzvesti.kz/kv/backissues/23845-mustafa-shokay-i-gruzinskaya-politicheskaya-emigraciya.html>

¹⁰ Мустафо Шокай. Избранные труды. Том первый. – Алматы: Арыс. 2016. – С.59, 72 – 75.



дерзать. И я уверен, что наши дерзкие шаги будут направлены в первую голову против централизма Советской России и в сторону подлинного самоопределения и свободы Туркестана. Мы долго находились в спячке, под красным террором, голодали и молчали. Теперь и мы начинаем просыпаться.

Вольный горец. Тифлис.
1920 г. 6 сентября

СОВЕТСКАЯ ВЛАСТЬ В ТУРКЕСТАНЕ

(От нашего бакинского корр.)

Из Туркестана была направлена в Новороссийск (через Красноводск – Перовск) партия каракуля для обмена у иностранцев (имелись в виду, главным образом, итальянцы) на мануфактуру и др. необходимые для Туркестана предметы.

По распоряжению новороссийских властей, каракуль задержан и надежды туркестанцев на получение какого бы то ни было товара обречены на неудачу.

Передавая об этом, туркестанский делегат-коммунист говорит, что это не первый случай попытки со стороны агентов советской власти оставить наших сартов, киргизов и туркмен – граждан тоже «советской» страны – голодными и раздетыми.

В новое время Омский совет рабочих и солдатских депутатов конфисковал несколько миллионов денег, отправленных в Сибирь для закупки для голодающего Туркестана хлеба.

Туркестан не хуже других окраин Советской России отбывает коммунистическую повинность, но все же, вот видите, у нас отбирают каракуль, конфискуют деньги.

Внутри самого Туркестана нет решительно никакой почвы для возникновения гражданской войны, и если, тем не менее там до сих пор имеют место восстания, то это объясняется исключительно политикой советской власти. Нас призывают к священной войне против западноевропейских империалистов, угнетающих и эксплуатирующих наших зарубежных братьев.

Бывают моменты, когда нам хочется и поверить в искренность этого призыва и близкую возможность освобождения всего Востока. Но когда встречаешься с такими фактами, как указанные мною выше, невольно поддаешься сомнению – да в правду ли хотят нас освободить?

Злой иронией звучат красивые слова об освобождении на кладбище умерших от голода: ведь Туркестан представляет из себя настоящее кладбище!..

Вольный горец. Тифлис.
1920 г. 13 сентября

ЭНВЕР, СЪЕЗД НАРОДОВ ВОСТОКА И ТУРКЕСТАНСКИЙ ВОПРОС

(От нашего бакинского корр.)

Прибывший на съезд народов Востока Энвер-паша привлекает на себя внимание всех делегатов-мусульман. Его присутствие вызывает особенное удовлетворение так называемых беспартийных (большинство мусульманских делегатов беспартийные) и ... российских большевиков. Как передают, особенно доволен пребыванием Энвера Радек, специалист по советской восточной политике.

Пользуясь своим привилегированным положением, паша устраивает частные групповые беседы. Дважды он беседовал отдельно с группой туркестанских делегатов, как здесь говорят, по настоянию москвичей. Темой одной беседы была бесчеловечная голодная блокада большевиками туркестанских мусульман и разгром Коканда в 1918 г., сопровождавшийся неслыханными зверствами над детьми, стариками и женщинами, сожжением мусульманских книгохранилищ, осквернением могил и т.п.

Энвер призывал туркестанцев, хотя бы на время, забыть то, что было в 1918 г. В ответ на это один из туркестанцев сказал следующее: «Туркестанцы не забудут кокандские злодеяния и голодную блокаду; унесшие около миллиона человеческих жертв и через 18 веков. Мы будем требовать, говорит далее оратор, ко-



ренного пересмотра всей советской политики в отношении Туркестана, который должен быть фактически в руках его подлинных хозяев – мусульман.

Паллиативы, вроде смены отдельных лиц и даже целых групп и посылки агитационного культурного поезда «Красный Восток», **насколько не удовлетворяют.**

Сменившие туркестанских большевиков так называемые центровики тоже проникнуты чувством недоверия к нам – большинству туркестанского населения. От нас требуют, чтобы мы все стали коммунистами или сочувствующими им беспартийными, угрожая, что в противном случае центр не станет оказывать Туркестану никакой помощи, которая до сего времени, к слову сказать, заключалась в вывозе из Туркестана, без соответствующего эквивалента, сырья.

Подлинный голос народа издает совершенно другие нотки. Этого советская власть не слышит и слышать не хочет.

Нас хотят занять комиссарскими постами. Поговаривают даже, что назначение мусульман комиссарами будет происходить в порядке трудовой повинности. Это, при существующем ныне в Туркестане положении, когда там господствует первая советская армия с ее знаменитым особым отделом, означает, что под декретами и вообще всякого рода советскими актами должна стоять подпись мусульманина – комиссара.

У нас есть много, что бы мы могли рассказать съезду и тем мусульманам, которые прибыли сюда, но не знаем, удастся ли нам это сделать.

Мы рады, что имеем возможность, хотя бы в порядке частном, ознакомить наших зарубежных братьев с нашим современным положением...

Мы выражаем пожелание, уважаемый паша, чтобы те, от имени и в защиту которых вы хотите выступить на съезде, избегали страданий, выпавших на долю граждан мусульман советского Туркестана».

Передают, что это заявление туркестанца произвело на Энвера и его друзей сильное впечатление.

Одновременно с ним посылаю вам статью из московских «Известий», «Красный Восток» с комментариями к ней делегата туркестанца.

Вольный горец. Тифлис.

1920 г. 20 сентября

Бу интервью берган коммунистлар кимлар эди деган савол тугилади. Шу боис съездда қатнашган туркистонлик маҳаллий коммунистлардан бир нечтаси ҳақида маълумот беришни лозим топдик.

Съездга Туркистондан келган вакиллар орасида партиявий, давлат ва ҳукумат идораларида хизмат қилаётган маҳаллий, миллий ходимлар ҳам бўлган. Аммо съезд материаллари орасидаги ҳужжатлар таркибида бир қанча Туркистон вакиллари келтирилмаган. Биз бундай шахсларнинг айримларини шахсий варақаларидан аниқладик.

1924 йил мартида Тошкентда тўлдирган шахсий варақасида 1920 йил Бокудаги Шарқ халқлари съездида иштирок этгани, съезддаги Туркистон коммунистик партияси секция раиси бўлганини Жўрабоев Ҳожи Сафо қайд этган.

Жўрабоев Ҳожи Сафо – 1875 йили Бухоронинг Вобкент қишлоғида туғилган, ўзбек, форс ва рус тилларини билади, Москва, Самара, Херсон, Озарбайжон, Гуржистон, Туркистон, Бухоро ҳудудларини яхши билган, ижтимоий аҳволи камбағал деҳқон, оиласида 9 аъзо, ҳаммаси унинг қарамоғида, Бухоро мадрасасини битирган, Колесов билан Бухорода бўлган воқеаларнинг иштирокчиси, 1905 йил охирида Тифлисдаги галаёнда иштирок этгани учун чор Россияси ҳукумати томонидан сургун қилинган, 1909 йилгача Туркияда яшаган, 1917 йил ноябрида Самарқандда большевиклар партиясига кирган, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги совет идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган, 1920 йили Фарғона области инқилобий комитети раиси лавозимида ишлаган, шу вақтда Бокудаги Шарқ халқлари съездига вакил этиб сайланган, шу съездда Ҳаракат совети ҳайъатига сайланган, Москвада Миллатлар иши халқ комиссарлигида вакил бўлиб турган, Бухорога келиб қасаба уюшмаси, матбуот жамиятида фаолият кўрсатган, 1925 –



1928 йилларда Ер-сув ишлари халқ комиссарлиги, Қўшчи союзи, Саноат союзи, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмаси ҳайъати аъзоси бўлиб хизмат қилган.¹¹

Съезд вакилларида яна бири **Хидиралиев Иномжон** – 1920 йил 5 – 6 августда Андижон уезд-шаҳар советининг VII съезди бўлади. Фаргона область инқилобий комитетининг вакили Иномжон Хидиралиев съездни табриклар нутқ сўзлайди. У бир овоздан Боку шаҳрида чақирилган



1887, Каттақўрғон – 1964,
Москва

Шарқ халқлари съездига делегат этиб сайланган.¹² Унинг шахсий варақасида ёши 31 далиги, миллати ўзбеклиги, ўзбек, рус ва форс тилларини билиши, Боку, Москва, Петроградда бўлгани, ижтимоий келиб чиқиши деҳқонлиги, галлачилик билан шуғуллангани, хат ташувчи экани, аёли 27 ёшда, ўғли 8 ёшда, қизи 2 ёшда экани, 1919 йил 7 февралда Андижонда партиёга киргани, Андижонда ЧК, ревком, обком, облревком раиси вазифаларида ишлагани, Бокудаги Шарқ халқлари съездида иштирок этгани, Туркистон ер-сув ишлари халқ комиссари, Туркистон Марказий ижроия комитети раиси, Туркистон Республикасининг Москвадаги мухтор ваколатхонаси раиси, РСФСР ва СССР Советлари Марказий ижроия комитетлари ҳайъати аъзоси, РСФСР Федерал қишлоқ хўжалиги комитети аъзоси бўлгани, 1924 йил 4 апрелдан 9 июлгача Англияда Совет-Буюк Британия музокарасида қатнашгани, Ўзбекистон ер-сув ишлари халқ комиссари, Қишлоқ хўжалиги банки

бошқаруви раиси лавозимларида хизмат қилгани кўрсатилган.¹³

Устабоев Дўст Муҳамедович – 1887 йили Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида туғилган, отаси этикдўз бўлган, Каттақўрғондаги рус-тузем мактабида ўқиган. Отаси вафот этгач, оилани боқиш учун мактаб қоровули бўлиб ишлаган, 1905 йилги инқилобий воқеаларнинг фаол иштирокчиси, варақа ва прокламацияларни маҳаллий аҳолига тарқатиш билан шуғулланган. 1913 – 1914 йилларда Самарқанд чой фабрикаси ишчиси бўлган, иш ташлашни ташкил этгани учун бу ердан хайдалади. 1918 йили партиёга кирган, оқ казаклар ва оқ гвардиячиларга қарши жангларда иштирок этган. 1920 йили Самарқанд уездни шаҳар совети ижроия комитети раиси бўлиб сайланган, 1921 йил декабрида советларнинг Бутунтуркистон, Бутунроссия советлари қурултойларида қатнашган, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлган. 1921 йил 22 февралдан Туркистон АССР адлия халқ комиссари, июндан Туркистон АССР бош прокурори, ўриндошлик асосида Туркистон АССР Фавқулудда комиссияси раиси лавозимида фаолият кўрсатган. 1924 йили Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги банки раиси, ўша йил 4 июлдан РСФСР Олий суди судяси этиб тайинланган. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Президиуми қошидаги миллатлар бўлими мудири ўринбосари бўлган.

1933 йили Сталин номидаги Сув ва автотўл транспорти Бутуниттифоқ академияси дипломини олади, унга муҳандислик даражаси берилади. Кейинчалик Москва ва Тошкентда турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган. 1964 йили Москвада вафот этган, Тошкентда дафн қилинган.

(Давоми келгуси сонда)

¹¹ РГАСПИ. 62-фонд, 4-руйхат, 666-иш, 96 – 105-варақлар.

¹² Шамсутдинов Р. Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби. – Андижон, 1991. – Б.33.

¹³ РГАСПИ. 62-фонд, 4-руйхат, 700-иш, 4 – 7-варақлар.



АНДИЖОНДА ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ ЯРАТИЛМОҚДА

Р.Шамсутдинов, Д.Хомидов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 31 август куни Қатагон қурбонлари хотираси куни муносабати билан ўтказилган халқимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими иштирокчилари билан бўлган суҳбатда шундай деди: «... **аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабидир. Ҳар бир вилоятда Қатагон қурбонлари хотираси музейининг филиалларини ташкил қилишимиз керак. Улар университет ва институтлар қошида ташкил этилса айни муддао бўлади. Қатагон қурбонлари хотираси бўйича мактаб дарсликларида махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш зарур.**

Бу ердаги муҳит ижодкорлар учун илҳом манбаидир. Шунинг учун Бўзсув канали атрофида турли тадбирлар – мақом кечалари, ёшлар, нурунийлар ва зиёлиларнинг учрашувларини уюштириш мақсадга мувофиқ».

Андижонда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам, Хоразмда ҳам, Қашқадарёда ҳам, ҳар бир вилоят марказида ёки университет қошида Қатагон қурбонлари хотираси музейи филиалларини очиш, бу музейларнинг мақоми ва нуфузини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди.

2017 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассас-

салари тузилмасида Қатагон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Эл-юртимиз мустақиллиги учун олиб борилган кўп йиллик машаққатли курашларни ҳаққоний ва тўлақонли акс эттириш, мустабид тузум давридаги оммавий қатагонлар туфайли қурбон бўлган, инсоний шаъни, кадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиклол гоёларига садоқат туйғуларини кучайтириш мақсадида барча вилоятларда Қатагон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этишга қарор қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ Андижон вилояти Қатагон қурбонлари хотираси музейи ташкил этиладиган бўлди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Андижон халқининг ижтимоий, маданий ва маърифий онгини оширишда, дунёқарашининг шаклланишида, ўзлигини англашида, маънавий оламнинг бойишида, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ўз юртига, миллий қадриятларга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда Андижонда иш бошлаётган Қатагон қурбонлари хотираси музейининг ҳам ўрни бекиёсдир.

Андижондаги Қатагон қурбонлари хотираси музейида вилоятимизда мустамлакачиларнинг зулм ва зўравонлигига, эксплуатациясига қарши, ўз эрки учун жон олиб, жон бериб, мислсиз огир кураш олиб борган ва бу қутлуғ озодлик йўлида жон фидо этган, махсус посёлкаларга, ГУЛАГ лагерларига сургун қилинган, айбсиз қамок, отувга ҳукм қилиниб, бегона юртларда кафансиз, жанозасиз ер бағрига қўйилган юртдошларимизнинг тақдири ва қисмати музей



экспозициялари орқали кенг жамоатчиликка етказилади. Ҳужжат ва материаллар, экспонатлар, стендлар, видеороликлар ва аудиоматериаллар воситаси орқали Андижон халқини, айниқса, ёшларини буюк истиқлолимиз қадриятларига садоқат руҳида тарбиялашда музейнинг аҳамияти каттадир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россиясининг ўлкани забт этиш жараёнида андижонлик Амирлашкар Алимқулнинг босқинчиларга қарши олиб борган жанглари ва унинг тарихдаги роли, Андижонда кўтарилган Пўлатхон, Дарвишхон, Дукчи Эшон бошчилигидаги мустамлакачиликка қарши қаратилган кўзголонлар ва кўзголон қатнашчиларининг тақдири тарихий фактлар, ҳужжатлар, фотосуратлар ва бошқа манбалар асосида кўрсатилади.

1917 йил қўшҳокимиятчилик даврида андижонлик тараққийпарвар бойлардан Миркомилбой Мўминбоев, Рўзиохунбой Назарбоев, Аҳмадбек ҳожи Темирбеков кабиларнинг қатагон қилиниши, Туркистон мухториятига қарши большевиклар тажовузидан азият чеккан андижонликларнинг қисмати ёритилади.

1918 – 1923 йилларда большевикларнинг Андижонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун олиб борган шовинистик, босқинчиликдан иборат қуролли кураши давомида маҳаллий аҳолига қарши қаратилган қатагон сиёсати, бундан жабру жафо кўрган андижонликларнинг ҳаёти, тақдири, совет босқинига қарши халқ олиб борган кураш кўрсатилади. Озодлик учун курашган Мадамминбек, Шермуҳаммадбек, Охунжон, Парпибек, Абдураззоқ, Исроил ва бошқа юрт ҳимоячиларининг қаҳрамонликлари, эркинлик йўлида қурбон бўлганлар ҳақидаги ҳужжат ва материаллар музейдан жой олади.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши даврида миллатчиликда, «Миллий Иттиҳод», «18 лар гуруҳи», «Ботир гапчилар», «Иноғомовчилик», «Қосимовчилик», «Бадриддиновчилик», «Ўнг троцкийчилар блоки»га дахлдорликда айбланган андижонликларнинг фожиали қисматлари ҳақидаги манба ва маълумотлар музей экспонатлари қаторидан ўрин олади.

1929 – 1934 йиллардаги коллективлаштириш жараёнида деҳқон хўжаликларининг маълум

қисмига «қулоқлар» деган тамга ёпиштирилиб, уларни душман сифатида қатагон қилишнинг бутун тизими, шакллари ҳужжат ва материаллар асосида очиб берилади. Бунда қулоқлаштириш, сургун, қамоқ жазосига ва отувга ҳукм қилинганлар, ГУЛАГ лагерларидаги маҳбуслар ва уларнинг тақдири, 1937 – 1938 йиллардаги «Катта қиргин»да қатагон қилинганлар, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашга сафарбар этилган собиқ «қулоқлар» ва уларнинг фарзандларининг фронтларда кўрсатган жасоратлари, урушда ноиложликдан, ўзларига боглиқ бўлмаган ҳолатда асир тушган, асирликдан озод бўлиб советлар томонидан концлагерларга қувилганларнинг фожиалари ҳам ёритилади.

XX асрнинг 30 – 50-йилларида амалга оширилган сиёсий кампаниялар натижасида вилоятда минглаб давлат ва жамоат, таълим, фан ва маданият арбоблари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт ходимлари, руҳонийлар ва оддий меҳнаткашларнинг қатагон қилиниши музей воситалари ва архив ашёлари асосида акс эттирилади.

XX асрнинг 80-йилларидаги «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб аталган кампаниялар натижасида жабр кўрган вилоят аҳли мисолида ўзбек халқининг жабрланиши, таҳқирланиши ва бадном этилишини кўрсатиш, бу кампаниянинг ўзбек халқига нисбатан амалга оширилган геноцид экани очиб берилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасида қатагон қурбонлари хотирасининг эъзозланиши, таниқли давлат ва жамоат, фан ва маданият арбоблари номларининг абадийлаштирилгани, уларга бағишланган мемориаллар, музейлар, ҳайкаллар, театр, кино ва тасвирий санъат асарларининг яратилгани намоиш қилинади.

Мустақиллик даврида вилоят аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётидаги буюк ўзгаришлар музей экспонатларида кўрсатилади. Айниқса, Андижон шаҳри ва туманларда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари кенг кўламда кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамаси қароридида ҳудудлардаги Қатагон қурбонлари хотираси музейлари



2018 йил 1 мартгача тайёрланиши кўрсатилган. Бунинг учун муносиб бино бўлиши табиийдир. Бу масалани ҳал қилиб бериш ҳақида ишчи гуруҳи Андижон вилояти ҳокими номига таклиф ва тавсиялар билан мурожаат қилди.

Музей Низоми ҳам ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи раҳбарияти билан келишилган ҳолда Андижон давлат университети кенгаши ва ректор буйруғи билан Андижон вилоят Қатагон қурбонлари хотираси музейи раҳбарияти ва ходимлар штати тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, ҳудудларда Қатагон қурбонлари хотираси музейларини тўлақонли ишга тушириш учун бир қанча муаммолар борки, уларни тегишли мутасадди идоралар ҳал қилиб беришлари зарур. Айниқса, қатагон қурбонлари ва уларнинг фожиалари тўғрисидаги бор ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун, бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, Миллий хавфсизлик хизмати архиви, Ички ишлар вазирлиги архиви, шу архив таркибидаги машҳур САЗЛАГ (Среднеазиатский лагерь ГУЛАГа) ҳозиргача «мутлақо махфий» тамгаси остида сақланаётган ҳужжат ва материаллардан очиқ-ошкора фойдаланиш, улардан фото ва ксероноусхалар олишга рухсат берилиши керак. МДХнинг айрим мамлакатларида, жумладан, Украина миллий хавфсизлик хизмати архивида сақланаётган 1937 – 1938 йиллардаги «Қатта қиргин»да қатагон бўлганлар ҳақидаги ҳужжат ва материаллар республиканинг барча областлари давлат архивлари ихтиёрига аллақачон берилган. Улардан ўз вақтида биз ҳам фойдаланиб китоблар ёзиш ва нашр этиш имконига эга бўлдик. Ҳатто Россия Федерал хавфсизлик хизмати архиви ва бошқа марказий архивларида сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид ҳужжат ва материаллардан фойдаланишга эришганмиз, эришадирмиз. Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати марказий архивида сақланаётган 507 нафар ўзбекистонликларнинг тақдири Тошкентда 1938 йил 4 – 16

октябрь кунлари бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йигилишида кўриб чиқилгани ҳақидаги ҳужжатни қўлга киритган эдик. Ўша кунлари СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр йигилишида 396 маҳбус отувга ҳукм этилган. 1938 йил 4 октябрда 52 маҳбус, 5 октябрда 36 маҳбус, 7 октябрда 39 маҳбус, 8 октябрда 40 маҳбус, 9 октябрда 42 маҳбус, 10 октябрда 33 маҳбус, 11 октябрда 26 маҳбус, 13 октябрда 42 маҳбус, 14 октябрда 36 маҳбус, 15 октябрда 25 маҳбус отувга ҳукм этилган. Отувга ҳукм қилинганлар ўша куннинг ўзида қатл этилган ва бу ҳақда акт тузилган. Актлардан бирини айнан келтирамиз: **«Акт. 1938 года октября 4 дня, мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной безопасности т. Шишкин в присутствии пом. главного военного прокурора РККА военного юриста 1-ранга т. Шульцан, привели в исполнение приговор над (52) пятьдесят двумя осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали.»**

Ст. лейтенант гос безопасности (Шишкин)»¹

Пом. главного военного прокурора РККА военный юрист 1-ранга (Шульцан)». 1507 нафар қатагон қилинганлар номма-ном аниқланган бўлса-да, уларнинг кимлиги, қайси сохта айбловлар билан жазога тортилгани, уларга нисбатан Жиноят кодексининг қайси моддалари қўллангани, ҳибсга олинганда тўлдирилган маҳбус анкеталари, тергов материаллари, айблов хулосалари, маҳбуслар таржимаи ҳолларини Россия Федерал хавфсизлик хизмати архивидан топа олмадик. Қидирув, суриштирув ишлари орқали бундай ҳужжатлар ҳозирда Москва шаҳрининг Поварская кўчаси 15-уйда жойлашган Россия Федерацияси Олий суди архивида, яъни 1938 йил октябрида Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси йигилишлари баённомаларида сақланаётганлиги, шунингдек, мазкур масалага оид айрим ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивида сақланаётгани ҳақида айрим маълумотлар бор.

¹ РФФХМА. 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531 – 539-бетлар.



Бу ҳужжат ва материалларни синчковлик билан ўрганиш, мушоҳада қилиш, таҳлил этиш орқалигина ана шу 507 нафар юртдошларимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни англаб етиш, совет режимининг қатагон сиёсати моҳиятини, механизмини, унинг фожиали оқибатларини яна бир карра ҳис этиш ва фош қилиш мумкин. Бу эса яқин келажакдаги юмушларимиздан биридир.

1938 йил 4 – 15 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида Ўзбекистон сиёсий элитасига мансуб 507 юртдошларимиз қатагон қилингани, уларнинг катта қисми Тошкентда отиб юборилгани, бу мудҳиш ҳукм қарори ва отилганлар ҳақидаги актларни Россия Федерал хавфсизлик архивидан олган маълумотлар асосида 2012 йили «Шарқ» нашриётида **«Ўзбекистонда советларнинг қатагон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб)»** номли китобимизни босмадан чиқардик. Аммо мазкур китобнинг иккинчи, учинчи жилдларини тайёрлаш ва нашр этишнинг шу кунгача имкони бўлмади. Бунинг асосий сабаби ўша 1938 йил 4 – 15 октябрда отилган қатагон қурбонларининг айблов ишлари, тергов материаллари, гувоҳлар кўрсатмалари, жабрланувчиларнинг ариза ва бошқа ҳужжатлари, расмларини Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивидан олишнинг иложи бўлмаганидир. Қатагон қурбонлари хотираси музейи директори профессор Б.В.Ҳасановнинг Миллий хавфсизлик хизмати архиви мутасаддисига архивдан фойдаланишни сўраб ёзган бир неча хатлари (жумладан, Р.Т.Шамсутдиновга ҳам рухсат берилиши сўралган) ҳам жавобсиз қолаётир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ГУЛАГ лагерларидан бири машҳур САЗЛАГ (Ўрта Осиё лагери), Ўзбекистондаги махсус меҳнат посёлкаларида фаолият кўрсатган комендатуралар ҳақидаги ҳужжат ва материаллар ҳам тадқиқотчиларга берилмаётир. Натижада ноҳақдан 8 – 10 йилга ҳукм этилган минглаб маҳбусларнинг ҳаёти ва тақдирини, уларнинг бунёдкорлик фаолиятини, фожиасини ўрганишнинг иложи бўлмаяпти. Шунингдек, Россиянинг турли минтақаларида-

ги ГУЛАГ лагерларидаги ўзбекистонлик минглаб маҳбусларнинг қисмати ёритилган ҳужжат ва материаллардан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган эмас. Мазкур мавзуга доир фото, кинохроника материаллари ҳам илмий истеъмолга киритилмай қолаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивида Туркистон, Ўзбекистоннинг сиёсий тарихига доир кўплаб ҳужжат ва материаллардан фойдаланишнинг ҳам иложи бўлмаётир. Ахир, совет ҳокимиятининг бутун даврида қатагон сиёсати ва амалиёти олиб борилгани, бу мудҳиш тадбир мислсиз фожиаларга олиб келгани бутун жаҳонга маълум-ку. Нега мустақилликка бундан 26 йил муқаддам эришган бўлсак-да, аммо советларнинг мудҳиш қатагон сиёсатини бутун борлиги билан очиб бера олмаймиз? Ахир, мустақилликка эришиш остонасида ва мустақилликнинг дастлабки кунларидан шу кунгача давлатимиз раҳбарлари бузилган тарихимизни ўз жойига қўйиш, тарихда адолатни тиклаш ва шу тарих билан халқни, айниқса, ёшларни тарбиялашдек вазифани қўйиб келишади. Бундай талаб ва эҳтиёжни, наҳот, архивчилар сезишмаса?

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига мурожаатномасида ҳозирги кунда Ўзбекистон қўлёзма фондларида сақланаётган 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар, Бухорий, Насафийлар етишиб чиққан юртда адашганлар бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида гапирди.

Президентимиз қўлёзма асарлар шу кунга қадар тўлиқ ўрганилмаганлиги хусусида тўхталиб: **«Бундай ҳажмдаги ноёб қўлёзма мерослар бошқа ҳеч бир давлатда йўқ. Бизда эса эшиклар очилмайди. Қўлёзмалар ўз олимларини кутиб ётибди. Ижро органларининг тушига кириб чиқармикинман деб ётибди улар»**, – деб куюнгани, бизнингча, бевосита республикамиздаги архивларда «мутлақо махфий» тамгаси остида сақланаётган, илмий истеъмолга киритилмай қолаётган катта қўламдаги ноёб ҳужжат ва материалларга ҳам дахлдордир. Бунда «аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ўтириб олган амалдорлар фаолиятида отангга бор, онангга бор қабилидаги сан-



салорлик авжига чиққан. Бундай ҳолга энди тоқат қилиб бўлмайди» деган пурмаъно фикрдан архивчиларимиз ҳам тегишли хулосалар чиқарсалар деган умиддамиз.

Ш.М.Мирзиёевнинг мурожаатномадаги «Миллий хавфсизлик хизмати идоралари бугунги кунгача 26 йил аввал ҳукумат тасдиқлаган Низом асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу Низом чорак аср давомида ўзгартирилмагани ва ҳар қандай оддий масала ҳам миллий хавфсизликка таҳдид деб баҳолаб келингани ушбу идора ваколатларининг асоссиз кенгайиб кетишига сабаб бўлган.

Айни вақтда, дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса, ўз навбатида, терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда. Айнан шу нуқтаи назардан ва глобаллашув даврининг барча таҳдидларини инобатга олган ҳолда Миллий хавфсизлик хизмати фаолиятини ҳам ислоҳ қилиш вақти келди. Шу муносабат билан «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида»ги ва «Миллий

хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этман. Ўйлайманки, ушбу қонунларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда фаровон ҳаёти кафолатларини янада мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий пойдевор яратади»² деган фикрдан келиб чиқиб биз қуйида ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим биламиз. Ўз таркибида архиви бўлган республикамиздаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг барчасига, Президент Девони ҳузуридаги архивлар раҳбар-мутасаддиларига бевосита тааллуқлидир. Архивга бўлган ҳозирги муносабат, архивлардан тадқиқотчиларнинг эмин-эркин фойдаланишини замонавий, халқаро стандартлар даражасига кўтариш борасида кескин чора-тадбирлар кўриш пишиб етилган масаладир.

Бўлажак музейнинг макетини ишлашга астойдил киришдик. Бунда кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши ва яқиндан ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир. Ишончимиз комилки, Андижонда ҳам замонавий Қатагон қурбонлари хотираси музейи барпо этилади ва бу илмий маскан халқимизни, ёшларни ватанпарварлик, миллатпарварлик, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

² http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=49507



Акмал Саидов ва Люсен Кереннинг «Амир Темур ва Франция» китобидан

АМИР ТЕМУР – ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши журналнинг 2017 йил 4 – 5-сонларида)

Л.КЕРЕН: Темурбек бекиёс, унинг ўхшаши йўқ. Биз Соҳибқироннинг тарихига доир ашёвий томонларни турли мамлакат солномачилари тузган ҳужжатлар туфайли билсак-да, унинг ҳукмдорлиги, башорат қилиш қобилияти, зукколиги ва кучли иродаси билан дўст ва мухолиф кишиларни ҳамда воқеаларни идора қилиш қобилияти барибир сирлигича қолади.

Айни унинг идора қилиш қобилияти XV асрдан бери тарихчиларни чалғитиб, унинг ҳукмдорлиги ва музаффарлигидаги жумбоқларга ечим тополмаган таржимаи ҳол муаллифларини қийнаб келмоқда. Ҳатто йирик француз тарихчиси Рене Груссенинг «Сахро Соҳибқирони» номли йирик асарида Амир Темур ҳақида мантиқсиз жумлалар учрайдики, улар Темур шахсини асослашда тарихчилар олдида турган говларни эслатади.

А.САИДОВ: Тарихийлик тамойили, табиийки, авваламбор, Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган манбаларга таяниб тадқиқот олиб боришни тақозо этади. Аммо бу борада бир қатор қийинчиликлар учрайди. Масалан, тарихий солномаларни излаб топиш ва таржима қилиш, уларни ўша замон руҳида атрофлича таҳлил қилиш, турли муаллифларнинг бир хил тарихий воқеаларга доир далилларини қиёслаш, тил муаммоси ана шундай мушкулотлардандир.

Л.КЕРЕН: Ҳа, XIV, XV, XVI асрларга тааллуқли маълумот ва ҳикоялар мавжудки, манба сифатида фойдаланишда уларни танқидий кўз билан ўқиш керак бўлади. Ҳақиқатан ҳам, бу матнлар ҳатто ўша давр гувоҳларига тегишли бўлса-да, беҳисоб қарама-қарши фикрларга тўладир.

А.САИДОВ: Булардан асосийлари «Зафарнома» номи билан машҳур тарихий солномалардир.

Л.КЕРЕН: Тўғри. Бу муҳим манбалар ўша даврдаги кишилар, мамлакатлар, воқеалар, жанглар, урф-одатлар ва ҳоказолар ҳақидаги қимматбаҳо маълумотларга жуда бой. Лекин улар Амир Темур авлодларига хушомад маъносидаги қасидалардир. Биринчиси – Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари Амир Темур замонасида битилган, лекин Амир Темурнинг ўзи томонидан рад этилган.

Иккинчиси – Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си набираси Иброҳим ҳукмронлиги даврида ёзилган бўлиб, биринчисидан мукаммалроқ. Лекин буниси тугалланмаган бўлса-да, XV асрдан кейинги тарихчилар томонидан кенг фойдаланиб келинади. Аслида, шу асар Амир Темурнинг барча таржимаи ҳоллари учун асосий манба бўлиб хизмат қилган. Бироқ ундан тарихчиларнинг фойдаланишлари масаласида давр руҳини ва қаламкашларнинг темурийларга хушомадгўйликларини назарда тутмоқ керак.

Масалан, «Зафарнома» Амир Темур наслини батафсил зикр қилиб, уни то Чингизхоннинг ўзига олиб бориб тақайди. Ваҳолонки, Амир Темурнинг ўзи ҳеч қачон бунга интилган эмас. У Чингизхон авлодидан бўлмиш бир маликанинг хўжаси сифатида «Кўрагоний» номи билан қаноатланган.

А.САИДОВ: Кўпгина хорижий олимлар Амир Темурни мўғул деб атаган бўлса, эндиликда уни: «Мовароуннаҳрдаги Кешдан чиққан барлос туркларидан», – деб кўрсатмоқда. Соҳиб-



қирон амирлар сулоласининг давомчисидир. Шу боисдан ҳам у Мовароуннаҳр тахтига ўтирганда хон унвонини олмасдан, ўз сулолавий «амир» унвонига содиқ қолган. Чингизийларда амирлик мансаби (унвони) бўлмаган. Уларда давлатни хонлар бошқарган.

Л.КЕРЕН: Бундан ташқари, таассуротни кучайтириш мақсадида «Зафарнома»да жангчилар ва қурбонлар сони бўрттириб кўрсатилган. Мисол тариқасида Деҳли учун бўлган жанг тафсилотини келтириш мумкин. Лекин қизиғи шундаки, ўша даврнинг бошқа солномачиси Ибн Арабшоҳ ўз китобида бу ҳақда оғиз очмайди.

«Зафарнома» Темурбек давлатининг қудрати, равнақи ва инқирозга юз тутишини хотиржамликка берилиш ҳамда маликага айланган собиқ раққоса Шодимулкнинг ёвуз ниятлари билан боғлайди.

Шодимулк эри Халил султонни Амир Темур Самарқанд саройига тўплаган хазинани талон-торож қилишга ундаган. Бу эса давлат емирилишига олиб келади. Бу жуда содда ва ишончсиз талқин, менимча, инқирознинг кўп сабабларидан асосийси салтанат таянчи бўлган Темурбекнинг ўлиmidир.

А.САИДОВ: Француз адибаси Милена Ноквичнинг темурийзода Халил султон билан «салтанат шодлиги» соҳибжамол Шодимулк муҳаббатига бағишланган «Самарқанд узра олтин ёмғирлар» тарихий романи ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли – мулоқотлар йўли» дастури доирасида чоп этилган. Муаллиф Самарқандни «Марказий Осиё Румоси» деб ёзади.

Л.КЕРЕН: Мен бу роман муаллифи М.Ноквични яхши танийман. Бу асарни «Ромео ва Жульетта»нинг ўзбекона қиссаси дейиш мумкин.¹

А.САИДОВ: Сиз эслаган, Соҳибқирон даврида ёзилган ва ҳозирги кунга қадар асосий саналиб келаётган тарихий манбалардан яна бири – бу Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) асаридир. Мазкур китоб «Амир Темур тарихи» номи билан 1658 йилдаёқ П.Ватъе томонидан француз тилига таржима қилинган.



Л.КЕРЕН: Тўғри, Ибн Арабшоҳнинг таржимаи ҳол шаклидаги шундай асари мавжуд. Аммо у Амир Темурга салбий тасвир берувчи, унга қонхўр, вайронкор, ҳасадгўй деб қаровчи, ҳатто масҳараомуз иллатларни унга тирковчи асардир. Суриялик ёзувчи Ибн Арабшоҳ Амир Темур вафот этган пайтда эндиgina 12 ёшда бўлиб, Самарқандда банди эди.

У ўз асарини анча кейин, усмонли шоҳлардан бирининг саройида бўлган даврида ёзган, шубҳасиз, ўз хўжасига ёқиш учун Боязид устидан ғолибнинг хотирасини камситишга мажбур бўлган. Лекин Арабшоҳ китоб охирига қўшимча қилинган бир бобда Амир Темур шахсини тасвирлаб, унга давлат ташкилотчиси, олим ва расомлар раҳнамоси сифатида тўғри баҳо берган.

Темурбекнинг яна бир замондоши, иқтидорли солномачи, адиб Ҳофиз Абру асарининг асосий матни темурийлар ҳақидаги асарлар рўйхатида йўқ.

А.САИДОВ: Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга –

¹ Nokovitch M. Pluie d'or sur Samarkand. Roman. – Paris, 1993. – 352 p.



Темур саройига саёҳат кундалиги» Ғарбда энг машҳур тарихий манба ҳисобланади.

Л.КЕРЕН: Ҳақиқатан ҳам, элчи Клавихонинг асари гоят қимматбаҳо манба, зеро, у Амир Темур замонасининг бевосита европалик гувоҳи. У жуда аниқлик билан ёзган, лекин Амир Темур ҳаётининг фақат сўнгги даврларинигина қамраб олган.

А.САИДОВ: «Темур тузуклари»ни манба сифатида баҳолашда турли фикрлар бор. Ж.П.Ру: «Амир Темурнинг ўзи икки асар яратган: хотиралари – «Малфузот» ва қонунлар мажмуаси – «Тузуклар». Аммо бу матнлар қадимги ҳеч қайси муаллиф томонидан тилга олинмаган ва тўқима бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас»², – деб ёзган.

Рус олими Д.Логофет эса қуйидагича фикр билдиради: «Европада конституция ҳақида тунунчага ҳам эга бўлишмаган бир даврда ана шу «ваҳший»нинг давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси – «Тузуклар» мавжуд ва амалда бўлган»³.

Л.КЕРЕН: «Темур тузуклари»га келсак, гўё олдимизда ўзгалар қўли билан ёзилган ҳужжат тургандек туюлади.

Умуман, Темурбек ва унинг салтанати ҳақидаги манбалардан танқидий руҳда, қиёсий фойдаланиш даркор. Шуни унутмаслик керакки, Амир Темур давридаёқ бу манбалар бир-бирига зид бўлган. Амир Темур ва унинг салтанати ҳақидаги турли босма манбаларда сочилиб ётган маълумотлар нисбатан қисқа ва алоҳида воқеаларга бағишланган. Улардан баъзиларининг рўйхати менинг икки китобимда ва Жан Обеннинг 1963 йили «Студия Исламика» журналида эълон қилинган «Амир Темур шаҳарларни қандай оларди?» номли ажойиб мақоласида берилган.

А.САИДОВ: Тўғри. Йирик шарқшунос олим Ж.Обен ўз мақоласини Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Ҳофиз Абру асарлари ва бошқа қўлёзма манбаларни чуқур ўрганиш асосида ёзган. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, мақола сарлавҳаси унинг асл моҳиятини тўлалигича акс эттирмайди.

Зеро, муаллиф унда Амир Темурнинг саркардалиқ санъати билан чекланмасдан, Соҳибқироннинг динга ҳамда дин пешволарига бўлган муносабатига, савдо-сотик ва тижорат ишларини ривожлантириш ҳамда салтанатнинг тинчлиги, ободонлиги ва давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш йўлидаги фаолиятига ҳам катта эътибор берган.

Л.КЕРЕН: Кўриниб турибдики, ҳали бу соҳада анча иш қилиш мумкин. Айниқса, тадқиқот олиб бориш ҳамда Темурбекка бағишланган, ҳали йўқ бўлиб кетмаган Шарқ қўлёзма матнларининг нусхаларини ўрганиб чиқиш керак.

А.САИДОВ: Соҳибқирон Амир Темур инсоният тарихидаги энг буюк ҳарбий саркардалардан биридир. У улуг зотни ҳам очиқ жангларда, ҳам пинҳона йўллар билан енгмоқчи бўлганлар. Аммо Амир Темур ўнлаб жангларда голиб бўлиб, бирор марта маглубиятга учрамаган. Соҳибқирон музаффар саркарда бўлганининг сирлари нимада деб ўйлайсиз?

Л.КЕРЕН: Мен Амир Темур енгилмас бўлганининг асосий сабаби унинг ўз навкарлари содиқлигига эришганида деб ўйлайман. Унинг навкарлари, асли, Марказий Осиё халқлари орасида кўпчиликни ташкил қилган кишилар каби Амир Темурга қўшилгунга қадар рўшнолик кўрмаган кўчманчи, чўпон, овчи, деҳқон, баққол, косиб, сарбон, аскар, адиб ва ҳоказо кишилар бўлиб, сўнг баҳодир, паҳлавон ва ўз амирига содиқ жангчига айланган. Улар туфайли Амир Темур ўзининг барча режаларини ва ҳарбий юришларини амалга оширишга муваффақ бўлган.

Навкарлар Амир Темурни ўзларининг доимий музаффар қаҳрамони ва энг доно давлат раҳбари деб билганлар. Уларнинг амирга ишончи шунчалик кучли бўлганки, ҳатто унинг ногирон эканини, қўлтигига кириб, суяб юраётганликларини ва отигача қўлларида кўтариб олиб бориб миндириб қўяётганликларини хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Темурбек ўз даврининг энг кўзга кўринган омилкор саркардаси бўлган.

(Давоми келгуси сонда)

² J.P.Roux. Tamerlan. – Paris, 1994. – P.344.

³ Сомон йўли. Адабий-тарихий мажмуа. – Тошкент, 1992. – Б.72.



ҲУМОЮН – ТАХТ ВОРИСИ ВА БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИНИНГ ХАЛОСКОРИ

Р.Р.Шамситдинов, т.ф.н.

1508 йилнинг 7 мартада¹ сешанба кечаси (ҳижрий 913 йил зулқаъда ойининг тўртинчи куни) Кобул аркида Бобурнинг тўнгич ўгли «мутаваллид» бўлди (тугилди – Р.Ш.), «... уч-тўрт кундан сўнг Ҳумоюн исми ила мавсум бўлди»,² – деб ёзилади «Бобурнома»да. Ҳирот султони Ҳусайн Бойқаронинг қариндошларидан бўлган, Бобурнинг катта хотини ва суюкли маликаси Моҳимбегим унинг онаси эди. Бу қувончли воқеага атаб Бобур мирзо Чорбогда катта тўй ўтказиб, кўпчиликка мўл тортиқлар қилади. Айнан Носириддин Муҳаммад Ҳумоюн тугилганидан сўнг Бобур: «Мени Бобур подшоҳ деб атанглар»³, – деб буюрган. Маълумки, бунгача уни Бобур мирзо деб аташ одат бўлган эди. Шундан эътиборан Ҳумоюн ва ундан сўнг тугилган Комрон, Аскарый ва Ҳиндол мирзо деб атала бошланган.

¹ Бу борада ҳижрий санани милодийга ўтказишдаги хатолар сабабли бўлса керак, қатор олимлар ўзларининг асарларида турли саналарни келтиришади. Масалан, Л.П.Шарма 1508 йил 6 март; Р.Годен 1507 йил; Ғ.Сатимов бир асарида 6 март, яна бирида бўлса 5 апрелни келтиради; «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» энциклопедияси ва бошқа бир қанча адабиётларда тугилган куни умуман келтирилмайди.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.160.

³ Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.10.

Ҳумоюн маърифатпарвар темурийлар анъаналарига биноан тарбияланди, ёшлигиданоқ диний ва дунёвий илмларни ўрганди. У ислом арконларини ўрганиш билан бирга география, математика, фалсафа, айниқса, астрономия ва астрология фанларини зўр қизиқиш билан ўқиди ва бу соҳаларда ўз замонаси даражасида маълум билимларга эришди. Ўша давр учун муҳим бўлган туркий, арабий ва форсий тилларни мукаммал билган. Ҳумоюннинг тарбияси билан унинг аткаси Қосимбек⁴, онаси Моҳимбегим ва турли соҳалар мураббийлари шугулланган. У мусиқани яхши тушунган, афгон рубобида бошқа куйлар билан бирга Бобур басталаган куйларни ҳам чалган. Ҳумоюн «хатти бобурий»ни ҳам ўрганган ва шу ҳарфларда отаси билан махфий хатлар ёзишган. Китоб ўқишни яхши кўрган Ҳумоюннинг алоҳида бўлгани эгаллаган хос кутубхонасидан ташқари хобгоҳида ҳам китоб тўла жавонлари бор эди. Тўшагининг бош томонида жавон қўйилган бўлиб, унинг алоҳида тоқчасида фақат Бобурнинг шеърий девони турарди.

Маълумки, Бобур фарзандлари тарбиясига жуда катта аҳамият берган. Ҳумоюндан энг кўп қизиққан машгулотини сўрашганда китоб ўқиш, агар яхши китоб бўлса, кечасиё кундузи ўқийман деб жавоб беради. Бу сўзлардан таъсирланган Бобур яқин орада бир китобимни туҳфа қиламан дейди ва кўп ўтмай ўзининг «Мубаййин» асарини тугаллаб, Ҳумоюн ва Ком-

⁴ Қосимбекнинг ёшини инобатга олиб эшик оғалигидан озод қилиб, «... Кобулга келгач уни Ҳумоюнга бекота қилдим», – дейилади «Бобурнома»да.



рон мирзоларга юборади. Ислом дини арконларига багишланган, юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу асар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

*«Дину донишда ҳар кун афзун бўл,
Давлату бахт ила Ҳумоюн бўл...»*

Ёки:

*«Комрон бўл жаҳонда, давлат кўр,
Юз туман обрўю иззат кўр».*

Ушбу сатрлардан Бобур асарни фарзандлари Ҳумоюн ва Комрон мирзоларга багишлаб ёзганига ишора борлигини кўрамыз.

Тарбиячилар Ҳумоюнни подшоҳ ва шоир отасига ихлосманд қилиб тарбиялашади. Билимли, доно, оқила аёл бўлмиш онаси Моҳимбегим ва тажрибали устозларнинг тарбиясини олган Ҳумоюн имон ва эътиқоди кучли, ўта итоаткор ўғил, қиблагоҳининг панду насиҳатларига жуда содиқ ва сийлаи раҳимни маҳкам тутган шахс бўлиб шаклланди. Унинг хилқатида самимийлик, юмшоқлик, кечиримлилик билан бирга ёш болаларча соддалик ҳам ўрин олган. Агар бундай умуминсоний кадриятлар унинг «комил инсон»лигини⁵ намоён қилса, болаларча ишонувчанлиги, узоқни кўра билмаслиги, керак бўлганда қатъий қарор қабул қилолмаслиги, ўзгарувчанлиги, хотиржамлиги кейинчалик давлатни бошқаришида салбий таъсир кўрсатади. Давлат ишларини Ҳумоюн ўзининг «кўплаб жиҳатлари билан буюк даҳолар сафидан муносиб ўрин эгаллаган»⁶ отаси Бобурдан ўрганди. Ёшлигиданоқ отаси саройда бўлган кезлари у билан бирга юриб, аъёнлар билан суҳбатларда қатнашиб, давлат мулозимларига, олиму фузалого, раиятга (оддий халққа) қандай муомалада бўлиш кераклигини ўзлаштириб борди.

Бобур анъанага кўра Ҳумоюннинг давлат бошқарувини пухта ўрганиши ва тажриба эгал-

лашини мақсад қилиб, қолаверса, ўглининг ҳам истагини сезган ҳолда уни мустақил ишга тайинлашни ўйлайди. Бу орада Бадахшон ҳокими Мирзахон вафот этади, унинг укаси Мирзо Сулаймон ёш бўлгани сабабли Бобур Ҳумоюнни у ерга волий (ҳоким – Р.Ш.) этиб тайинлайди. Ҳумоюн мирзони Бадахшонга жўнатиб, ортидан Бобур ўзи ҳам Моҳимбегим билан бирга у ерга боради, катта тантаналар ўтказиб, ишончли ва сараланган кишилардан маслаҳатчилар тайинлаб Кобулга қайтишади.⁷

Айтиш жоизки, агар 12 ёшли⁸ Бобур жуда огир сиёсий вазиятда Андижонда Фарғона тахтига ўтирган бўлса, Ҳумоюн 13 ёшида Кобулда мустаҳкам ўрнашган отасининг паноҳида Бадахшон вилояти ҳокими бўлди. Бу ерда у ишлаб тажриба ортирди, улгайди. Отаси уни ўз лашкари билан охириги Ҳиндистон юришига чорлаганида Ҳумоюн салкам 18 ёшли йигит эди. Шунга қарамай, болаларча одатларидан ҳали қутула олмаган Ҳумоюн йўл усти «Кобулда онасининг ёнида бир ҳафта қолиб кетиши сабабли»⁹ юриш ўн кундан ортиққа сурилади. «Якшанба куни сафар ойининг ўн еттисида... Ҳумоюн келди. Кеч келган жиҳатидан бир пора қаттиқ-қаттиқ сўз айтдим», – дейилади «Бобурнома»да. Ҳаролд Ламб (Harold Lamb) фикрича, Ҳумоюн сафарга истамайгина отланади, чунки у бу юришни самарасиз юришлардан бири деб ўйларди. Бу эса, балки, Ҳумоюннинг ўспирин ёшларга хос ҳиссиётларидир, лекин саройда тарбияланган ва Бадахшонда маълум тажриба ортирган давлат одамига хос иш эмас эди. Чунки подшоҳ амри вожиблиги ва Ҳиндистонни забт этиш отасининг орзуси эканлигини билиб туриб ўзини бундай тутишини тушуниш қийин.

Аммо Ҳиндистон сафарида бўлиб ўтган жангларда¹⁰ мардларча курашиб ўзини кўрсатади. Унинг биринчи мустақил ҳарбий ҳаракати Лўдийнинг илгор гуруҳи кучларини таъқиб

⁷ Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.12.

⁸ Аслида, ҳали 12 га кирмай, яъни 11 ёшу 4 ойлик пайтида, лекин ислом дунёсида бир ёшга кириши билан келаси ёш ҳисобга олинади, шунинг учун: «...Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум», – дейилади «Бобурнома»да.

⁹ Сатимов Ф., Ламб Ҳ. Бобур-йўлбарс: буюк бобурийларнинг биринчи асарининг таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б.194.

¹⁰ Шамсутдинов Р., Абдуллаев М. Бобур – буюк салтанат асосчиси // Водийнома. 2017. №3(5). – Б.6 – 8.

⁵ «Бобурнома»да «комил инсон» ибораси қўлланилган ва ўша даврда ҳиндлар у ҳақида шундай дейишар экан.

⁶ Шамсутдинов Р., Абдуллаев М. Бобур – буюк салтанат асосчиси // Водийнома. 2017. №3 (5). – Б.11.



этиш бўлиб, бунда эришган ютуги учун Бобур унга Ҳисор Феруз вилояти ҳокимлигини ва 1 миллион кумуш танга беради. Бундан ташқари, Панипат жанги ўлжаларининг тақсимоотида 70 лак (1 лак 100000 рупийга тенг – Р.Ш.) пул ва катта бойликларга тўла сандиқ ҳам унга берилади.¹¹ Албатта, тортиқларнинг энг қимматлиси ер юзини икки ярим кун боқишга етадиган қимматдаги машҳур Кўҳинур олмоси эди. Кан ва ёнидаги жангда галабага эришилганидан кейин Ҳумоюннинг Бадахшонга қайтиб кетишига ижозат этилиб, жуда катта хазина ҳам берилган эди. Йўлда Ҳумоюн отасидан берухсат бу хазинани очиб кўрди ва бир қисмини олди ҳам. «Мен унинг бунақанги ишларни қилишини сира ҳам кутмагандим. Шу боис уни қойиб бир нома ёзиб юбордим», – деб хотирлайди Бобуршоҳ. Катта ҳудудни эгаллаб ўзини анча ростлаб олган Бобур имконияти бўлганда она юртни эгаллашга ҳаракат қилишни ҳам ўғлига буюрганди. «Бобурнома»да келтирилишича, «Бадахшондан Ҳумоюн қосидлар йиборибтурким, қирқ-эллик минг черик йигиштириб, Султон Вайсни йўлдош қилиб Самарқанд хаёли бошқа тушубтур ва сулҳ сўзи ҳам орада бор».¹² Кўриниб турибдики, Ҳумоюн Ҳисорни эгалласада, 1529 йили сулҳ тузиб ярим йўлдан қайтишга мажбур бўлган ва Бобурнинг Мовароуннаҳрдан умиди бутунлай узилган.

Маълумки, «Бобурнома»да баъзи йилларнинг воқеалари ёритилмай қолган. Масалан, 1521 – 1524 йиллар тушиб қолган, қолаверса, 1529 йил ҳодисалари баёнида: «...тўққиз юз ўттиз тўртта (1528) Хон Мирзо оламдин сафар қилди. Бадахшонни ҳукуматига нурул-айний Муҳаммад Ҳумоюнга бериб эдик, ўшул йилнинг ражаб ойининг тўққизида Муҳаммад Ҳумоюн ул малоикка рухсат берилди»,¹³ – дейилади. Лекин унинг биринчи сафар тахминан 1521 йили ҳоким этиб тайинлагани тўғрисида ҳеч нима ёзилмаган, «Ҳумоюннома»да эса аниқ санаси кўрсатилмаган. Шу боис ҳозирги кунгача фанда ҳар хил чалкашликлар юзага келмоқда. Акса-

рият олимлар илмий ишларида Бобур Ҳумоюнни 1521 йили (ёки 1520 йили) Бадахшон ҳокими этиб тайинлаган деб ёзишса¹⁴, 1528 йили ёки 1524 йили («Ҳумоюн ўн олти яшарлигида отаси унга Бадахшон вилоятини бериб...»)¹⁵ тайинланган деганлар ҳам бор, айримлар бу воқеани умуман эслашмаган ҳам.¹⁶ Тўғри, 936 (1529) йил воқеалари баёнида икки марта 934 ҳижрий йил зикр этилиб, бирида Ҳумоюнга Бадахшонга рухсат берилгани ёзилган. Бизнингча, бу Ҳиндистондаги жанглардан сўнг, тахминан 1528 йил бошларида Ҳумоюнга Бадахшонга қайтиб кетишига рухсат бўлиши керак, Хон Мирзонинг ўлими эса фақат эсланаётган бўлиши мумкин. Агар 1528 йили тайинланган бўлса, қандай қилиб Ҳумоюн 1525 йили ўз лашкари билан Бадахшондан кечикиб бўлса ҳам келиб Бобур қўшинига қўшилади?

1529 йил август ойининг охирида Ҳумоюн Бадахшондан тўсатдан рухсатсиз келиши, у ерда вазият ўзгариб қолгани сабаб Бадахшонга қайтиш тўғрисидаги Бобурнинг таклифига кўнмаслиги, салтанат тахтига Маҳмуд Маҳди Хожа номзоди кўрсатилиши, Бобур ҳаётининг сўнгги давлари журналнинг 2017 йил 3 (5)-сонида ёритилган.

Гулбаданбегимнинг ёзишича, Бобурнинг вафотини аввалига яширишди, охири Оройишоҳ номли ҳинд амирларидан бири: «Бу ишни яшириш яхши эмас... Бирон кишига қизил либос кийдириб, филга ўтказиб, Бобуршоҳ ҳазратлари дарвешликни ихтиёр этиб, подшоҳликни Ҳумоюн подшоҳга топширибди деб жар чақиртирилса маъқул бўларди», – дейди. Ҳумоюн шундай қилинлар деб ҳукм қилади ва бу иш амалга оширилади. Бобур 1530 йил 26 декабрь душанба куни вафот этган бўлса, фақат 3 кундан сўнг, яъни 1530 йилнинг 30 декабрь жума куни Ҳумоюн тахтга ўтиради.

¹⁴ Ҳаролд. Бобур-йўлбарс: буюк бобурийларнинг биринчиси асари таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015; Шамсутдинов Р. ва бошқалар. Буюк бобурийлар салтанати. – Андижон: Мерос, 1995; Сатимов Ф. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. – Тошкент, 2008; Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Sharq, 2014. – Б.648.

¹⁵ Қодиров П. Юлдузли тунлар (Бобур). – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.420.

¹⁶ Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. – Тошкент: Маънавият, 1998; Ҳошимов И. Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи салтанати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Низомиддинов Н.Ф. Буюк бобурийлар тарихи (XVI – XIX асрлар). – Тошкент: Фан ва технология, 2012.

¹¹ Берк С.М. Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюги / Ф.Сатимов таржимаси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2009. – Б.21 – 22.

¹² Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.265.

¹³ Кўрсатилган манба. – Б.264.



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бобур Чингизхон ёки бобокалони Амир Темури сингари ўзи асос солган марказлашган давлатни ўгилларига бўлиб бермади, балки тахтни фақат тўнгич ўгли бўлган Ҳумоюнга қолдирди. Ака-укалар ўртасида ўзаро урушлар яхлит давлатни инқирозга олиб келиши муқаррарлигини билгани учун шундай қилган бўлса керак.

Бу даврда феодал тарқоқликнинг асоратлари туфайли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий кескинлик мавжуд эди. Шу боис Бобур қисқа муддат ичида ўзи асос солган салтанатни мустаҳкам жипслашган, барқарор ва иқтисодий жиҳатдан бақувват давлат қилишга улгурмагани. Енгилган афгон қабиалари интиқом ўтида ёнар, кўплаб ҳинд рожалари ўзларининг ҳукмдорлигига таҳдиддан чўчирди. Сарой аъёнлари ва шохнинг қариндош-уруғлари орасида ҳам аҳиллик ва бирдамлик мустаҳкам эмас, Бобурнинг бошқа фарзандлари – Комрон, Аскарӣ ва Ҳиндолда ҳам тахтга ўтириш истаги йўқ эмас эди. Галабадан сўнг саховатпеша Бобур қўлга киритган деярли бутун бойликларни тарқатиб юбориши билан хазина ҳам бўшаб қолган эди. Ижтимоий жиҳатдан дини, миллати, анъаналари турли-туман бўлган қабила ва элатларнинг бир-бирлари билан муносабатлари яхши эмас, халқнинг ижтимоий тенгсизликдан норозилиги ортиб бораётган эди. Ҳумоюн саройидаги амалдорлар ҳам қандай қилиб бўлмасин тахтни эгаллаш режаларини тузар, исён кўтариш мақсадида жасур йўлбошчи қидирар эдилар, оқибатда Шерхонни раҳбарликка кўтаришди.¹⁷ Б.Гаскойннинг ёзишича, «Бобур шундай гўзал, лекин жуда мураккаб Ҳиндистонни бошқаришда асосан ўзининг шахсий обрўсига таянган, чунки афгон ва ҳиндлар кўз ўнгида ўша даврдаги икки қудратли хонлар бўлган Султон Иброҳим ва Рана Сангани мағлуб этган Бобурдек кучли саркарда подшоҳ гавадаланган, сарой аҳли ҳам унга ҳурмати юзасидан давлат сиёсатида Бобурга хайрихоҳ бўлган. Аммо Ҳумоюн бундай имкониятлар бўлмаган ва саройдаги хайрихоҳликка ҳам дарз кетган эди».¹⁸

Шунинг учун бўлса керак, Гулбаданбегимнинг ёзишича, Ҳумоюн: «Ҳар ким қандай мансаб, хизматда бўлса, қандай ер-мулкка эга бўлса, ўз ҳолича қолади ва аввалги тартибда ўз хизматларини адо этаверсинлар!» – деб ҳукм қилади.

Шундай вазиятда Ҳумоюн аъёнларга, ҳатто муҳолифатда бўлган Мирзо Муҳаммад Замонга ҳам катта тортиқлар қилади. Катта укаси Комронни Кобул билан Қандаҳорга, Аскарӣни Самбалга ва Ҳиндолни Меварга ҳоким этиб тайинлайди.¹⁹ Аммо бунга қаноатланмаган Комрон Панжоб ва Ҳисор вилоятларини ўзига қўшиб олади. Ҳумоюн эса бу ишга қўнғилчанлик билан қараб қаршилиқ қилмайди.

Ҳумоюннинг дастлабки амалга оширган бу ишлари ўнглаб бўлмас хато эди. Бунга унинг узок муддатга мўлжалланган стратегиясининг йўқлиги²⁰ ва узокни кўра билмаслиги сабаб эди. Қолаверса, Ҳумоюн маишатга берилиб давлат ишларини бўшаштириб юборади. Шу даврда ижод қилган муаррих, Бобурнинг жияни ва бобурийлар хизматида бўлган Муҳаммад Ҳайдар мирзо Ҳумоюнни қуйидагича таърифлайди: «Ҳумоюн подшоҳ Бобур подшоҳ ўгиллари ичида энг каттаси, энг обрўлиси ва зуккоси эди. Фақир унингдек иқтидорли, туғма фазилатларга эга одамни кам учратганман, аммо атрофидаги бузуқ фикрли амалдорлар, мулозимлари, чунончи, Мавлоно Муҳаммад Паргорӣ (Фаргонӣ) бошчилигидаги ярамас, тубан кимсалар орасида ўралашиб қолганлиги оқибатида унда подшоҳ номига номуносиб қилиқлар пайдо бўла бошлади. ... Агар у ўшандай ёмон одамлар таъсирига берилмаганида эди, унинг фариштамонанд табиатида мужассамлашган мукаммал хислатлар туфайли янада юқорироқ обрў-эҳтиромларга сазовор бўларди: у қаттиқ жангларда мисоли тоғдек қатъияти ва матонати билан ажралиб турар, базмлардаги зукколиги, дур сочаётгандек саховатли қўллари бамисоли денгиздек эди, биллурдек тоза қалби олийҳиммат амаллар дургавҳарларининг кони эди, саҳий қўли барокатли илтифотлар булутининг манбаи эди. ... Хуллас,

¹⁷ Ҳошимов И. Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи салтанати. – Тошкент, 1996. – Б.14 – 15.

¹⁸ Gascoigne Bambery. The Great moghuls. – New Delhi: TBI, 1971. – P.47.

¹⁹ Низомитдинов Н.Ғ. Буюк бобурийлар тарихи (XVI – XIX асрлар). – Тошкент: Фан ва технология, 2012. – Б.113.

²⁰ Gascoigne Bambery. The Great moghuls. – New Delhi: TBI, 1971. – P.47.



Динпаноҳ, ҳозирда Пурана Қила (Purana Qila) деб номланади.

Ҳумоюн подшоҳ олий мартабали мислсиз ҳайбат ва салобатга эга ҳукмдор эди».²¹

Ҳумоюн аввалбошда пойтахтни Аградан Деҳлига кўчиради ва давлатнинг маъмурий бошқарув тизимига ўзгартиришлар киритади. У сарой аъёнларини уч қисмга – аҳли давлат, аҳли саодат, аҳли муродга бўлади ва ҳар бирига бошлиқ тайинлайди. Аҳли давлатга лашкар бошлиқлари, тўралар ва юқори мансбдор шахслар киради. Аҳли саодатга қозилар, дин аҳллари ва шайхлар кирган. Аҳли муродга эса шоирлар, хонандалар, раққосалар кирган ва улар истак аҳли деб аталган.

Ҳумоюн астрологияга жуда қизиқар ва бу соҳада маълум билимларга эга ҳам эди. У мунажжимлар башоратларига жуда ишонарди. Маъмурий тизимни ўзгартириб, юлдузлар ва коинотдаги сайёраларга тақлид қилган ҳолда давлат одамларини тўртта маҳкамага бўлади ҳамда уни «Чорунсур» деб атади. 1) Олов маҳкамаси ҳарбий ишлар билан; 2) Ҳаво маҳкамаси сарой хўжалиги билан; 3) Сув маҳкамаси суғориш, ширинликлар ва шаробни гамлаш билан; 4) Ер маҳкамаси солиқ йигиш, холиса ерларни

идора қилиш ва қурилиш ишлари билан машғул бўлган.²²

Шуниси қизиқки, ҳафтанинг ҳар бир куни сайёраларга мос келувчи давлат ишлари ёки кўнгилочар ишларга бўлиб қўйилган. Ҳумоюн ўзи шу кунга монанд рангдаги либос кийган, ходимларга эса бир-биридан фарқ қилувчи белгилар, унвонлар белгиланган. Масалан, якшанба куни – давлат ишлари билан шугулланганда Ҳумоюн сариқ рангли либос (қуёш) кийса, душанба куни яшил рангда кайфи чоғ бўлган, сешанба куни эса Марсга ўхшаб қизил рангда бўлиб газаб отини мингандек тахтда ўтирарди. Бу кун ким гуноҳ ёки айб иш қилган бўлса жазога тортиларди.

Ёш болаларча ирим-сиримларга ишонувчан Ҳумоюннинг бу сингари «ўйинлари» чўққиси «қувноқ гиламлари» бўлди деб ёзади Б.Гаскойн. Барча астрологик жисмлар суратлари туширилган бу гиламнинг ўртасида қуёш бўлиб, унда Ҳумоюн ўтирар, унинг атрофида эса сарой амалдорлари ва мулозимлари ўтирар, турли ўйинлар билан вақтичоглик қилишар эди.

Шу билан бирга, Ҳумоюн темурийлар анъаналарини давом эттирган ҳолда Деҳли атрофида

²¹ Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Sharq, 2010. – Б.665 – 666.

²² Ҳошимов И. Курсатилган асар. – Б.166 – 167.



Динпаноҳ деб номланган ажиб бир қалъа-шаҳарча барпо эттиради. Қурилиши 1533 йили бошланган бу шаҳарчанинг пойдеворига биринчи тошни Ҳумоюн шахсан ўзи қўяди.²³ Динпаноҳнинг қурилиши чуқур фалсафий маънога эга бўлиб, Ҳумоюннинг диний ва дунёвий қарашлари маҳсули эди десак хато қилмасак керак. Чунки ўша даврда Эрон ва Усмонлилар (турклар – Ш.Р.) империяларида кўр-кўрона олиб борилаётган диний таъқиблар, бидъатлардан фарқли ўлароқ, Ҳумоюн бутун мусулмон оламига ўзининг либерал салтанати пойтахтини кўрсатиб қўймоқчи бўлган. Зеро, Динпаноҳ барчани – файласуф ва шоир ёки исломдаги барча мазҳаб ва оқим намояндаларини ўз бағрига қақирарди. Буни эшитган юқорида зикр этилган давлатларда таъқиб остига олинган зиёлилар Динпаноҳга кела бошлайди. Ҳумоюн бу ерни Самарқанд ва Ҳирот каби маданий марказга айлантиришни орзу қилади. Афсуски, бу ишни амалга оширишга улгурмай қолади, аммо кейинчалик унинг авлодлари Фатехпур Сикри ва Аграда рўёбга чиқаришади.²⁴ Ҳозирда Динпаноҳ Пурана Қила ёки Эски қалъа номи билан юритилади. Баъзи қисмлари ҳозиргача сақланган бу тарихий обида Деҳлининг энг қадимий қалъаларидан бири ҳисобланади. Бундай қалъа-шаҳарча қуриш гоёси Бобурга тегишли бўлган деб тахмин қилинади, Ҳумоюн бошлаган бу қурилишни Шершоҳ давом эттирган. Атрофи баланд девор билан ўралган бу шаҳарчада масжид, кутубхона (Шер Мандал), ҳаммом ва бошқа кўплаб иншоотлар бўлган. Шер Мандал қурилишини ҳам Бобур даставвал обсерватория ва Ҳумоюн учун кутубхона қилиш учун режалаштирган деган тахмин мавжуд (бу Ҳиндистонда қурилган иккинчи обсерватория бўлиб, биринчиси XIV асрда Пир Гарибда қурилган). Аммо бу бионинг қурилиши Ҳумоюн тарҳига биноан бошланган, биринчи тошини ҳам унинг ўзи қўйган, Шершоҳ уни тамомлаган ва Шер Мандал деб номлаган.

Ҳумоюн дарё бўйида «Тилсим» деб номланган тўйхона (катта сарой) қурдиради. Унинг тарҳи қуйидагича бўлган: саккизбурчакли катта ва кичик хоналар бўлиб, уларнинг каттасида

жавоҳирлар билан безатилган тахт ўрнатилган; кичигида жавоҳирлар билан безатилган каравот ва токчаларга қимматбаҳо тошлар қадалган пондон (ҳиндлар чайнайдиған хушбўй барг соладиган идиш), кўза, пиёла, тилла ва кумуш уй анжомлари қўйилганди. Бундан ташқари, эшиклари турли томонларга очиладиған болохонали учта уй бор эди. Уларнинг бири «Давлат хонаси» бўлиб, унда 9 жанг яроғлари жойлашган; «Саодат хонаси» деб аталадиған иккинчи хонада жойнамоғ, китоблар, қаламдон ва шунга ўхшаш нарсалар бўлган; «Мурод хонаси» деган учинчи хонада қимматбаҳо тошлар қадалган каравот, сандал (хушбўй ҳид таратадиған гиёҳ – Р.Ш.) солинган идиш ва ... барча айшу тараб ва емишлар муҳайё эди.²⁵ Худди шу кошонада Ҳумоюн укаси Ҳиндол мирзо билан Меҳди Хожанинг синглиси Султонбегимнинг никоҳ тўйини жуда катта дабада билан ўтказди. Гулбаданбегимнинг эслашича, Бобурнинг бошқа фарзандларига бунақа тўй муяссар бўлмаган.²⁶

Ҳумоюн ҳукмронлик даврининг биринчи қисмида (1530 – 1540) йирик меъморий обидалар барпо қилолмаган бўлса-да, юқорида тилга олинганлардан ташқари, ҳинд олими Нилканта Шастрининг айтишича, Агра, Фотиҳобод, Панжобда масжид ва мадрасалар қурилган.²⁷

Шу билан бирга, жиддий сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий зиддиятларга қарамай, Ҳумоюн подшоҳлигининг дастлабки онларидан бошлаб давлатни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бора-сида ҳам ҳаракатлар қилди. «Фирдавсмакон ҳазратлари (Бобур) воқеаларидан кейин... подшоҳ ҳазратлари (Ҳумоюн – Р.Ш.)... Биббан билан Боязидни мағлуб қилиб, ... Чанодани қўлга киритиб, Аграга келдилар»²⁸, – дейилади «Ҳумоюннома»да. Муҳим натижалар бермаган бу «ғалаба»ни Моҳимбегим раҳбарлигида сарой аҳли кенг нишонлайди. Илгари савдо аҳлининг ўзигина бозорларга зеб берардилар. Бу сафар аҳолининг турли қатламларига барча жойлар безатилиши буюрилди. Шундан сўнг кўча безаш Ҳиндда расм бўлди деб ёзади Гулбаданбегим.

²³ Гулбаданбегим. Кўрсатилган асар. – Б.38 – 39.

²⁴ Ўша жойда.

²⁵ Низомиддинов Н.Ф. Кўрсатилган асар. – Б.126.

²⁶ Гулбаданбегим. Кўрсатилган асар. – Б.31.

²³ Гулбаданбегим. Кўрсатилган асар. – Б.34.

²⁴ Gascoigne Bambery. The Great moghuls. – New Delhi: TBI, 1971. – P.48.



Динпаноҳ ичида жойлашган Қила Кўҳна масжиди

Хумоюннинг 1531 йили Қалинжарга қилган юриши ва 1532 йили Қунор қалъасининг қамал қилиниши кутилган натижани бермади. Шерхон эса вақтдан ютиш мақсадида ўгли Қутбхон ва 500 га яқин аскарини Хумоюн хизматига бериб, ўзини у билан ярашгандек қилиб кўрсатади. Ражастонга юриш бошлаган Гужарот шоҳи Баҳодиршоҳдан Хумоюн уруш қилмасликни сўрайди ва Аграга қайтади. Вазиятни тўғри баҳолай олмаган, ишонувчан Хумоюн бу ерда бир йилга яқин вақт мобайнида ички ишлар билан машғул бўлиб қолади. Бундай шароитдан унумли фойдаланган Баҳодиршоҳ ва Шерхон Хумоюнга, умуман, бобурийларга қарши курашга тайёргарликни изчил равишда давом эттиришади.

Гарчи буни вақтида тўла идрок этолмаса-да, Хумоюн салтанатида жуда огир вазият ҳукм сурарди.

Биринчидан, унга отасидан иқтисодий инқирозга учраган, ҳали мустаҳкам жипслашмаган давлат мерос қолганди.

Иккинчидан, унинг укалари отасининг васиятига содиқ бўлишмади, Хумоюнга хиёнат

қилишди. Хумоюн эса отасининг «агар укаларинг жазога лойиқ иш қилсалар ҳам кечиримли бўлгин» деган васиятига содиқ бўлди. Айниқса, шеърятда Навоийга етсам деб орзу қилган Комрон мирзо тамоман тескари сиёсат юргизди. Маълумки, Бобурнинг тўнгич ўгли Хумоюн мирзо Моҳимбегимдан, Комрон ва Аскаррий мирзолар Гулрухбегимдан, Ҳиндол мирзо эса Дилдор Оғачибегимдан туғилган эди.

Учинчидан, Бобурнинг куёви Маҳди Хожанинг (Хонзодабегимнинг хўжайини – Р.Ш.) тахт учун фитнаси, поччаси Муҳаммад Замон мирзо ва холасининг ўғли Муҳаммад Султон мирзонинг Хумоюнга қарши ҳаракатлари ва унинг душманларига ҳомийлик қилишлари Хумоюнни жуда қийин аҳволга солиб қўйган эди.

Тўртинчидан, бобурийлар қўшини асосан туркийлардан ташкил топган бўлса-да, чигатой, ўзбек, мўғул, эроний, афгон ва ҳиндлар ҳам бор эди. Бундай қўшинни бошқаришга Хумоюнда отаси сингари кучли қобилият ва ҳарбий маҳорат етишмасди.

Бешинчидан, илмли, оқкўнгил ва жасур бўлган Хумоюннинг хилқатида ортиқча саховат-



пешалик ва болаларча ишонувчанлик сингари хислатлар ҳам бор эдики, «...муваффақиятсизликларининг асосий сабабчиси унинг гўзал, лекин ўринсиз юмшоққўнгиллиги эди»²⁹, – деб ёзади С.Лейн Поул.

Бундан ташқари, сеvimли адибимиз П.Қодиров ўзининг «Ҳумоюн ва Акбар» романида Ҳумоюн давлатининг шайхулислони бошлиқ баъзи дин пешволари билан подшоҳ ўртасидаги зиддиятларни ҳам тасвирлайди. Улар мажусий бўлган ҳиндлар ва Байрамхон сингари шиа мазҳабидагиларга Ҳумоюннинг муносабатларини қоралайдилар ҳамда мамлакатда барқарорлик ўрнатилишига тўсқинлик қиладилар.³⁰ Бу борада Шайх Бахлулдек пири бўлган Ҳумоюн отасининг йўлидан бориб, ислом аҳкомларини тутган ҳолда тақводор, риёсиз, нафс балосига учрамаган диний уламоларни ҳурмат-эҳтиром қилган, аммо уларнинг давлат ишларига, сиёсатга дохиллигини имкон қадар чеклашга интиланган. Шунинг учун бўлса керак, у ўзининг «қонуни Ҳумоюнӣ»ига кўра «аҳли саодат»га кирган дин уламоларини «аҳли давлат», яъни подшоҳ, вазир, бек ва аъёнлардан кейинги тоифага қўшган эди.

Бизнингча, Ҳумоюн ўз давлатини ХХI асрда ҳам жуда долзарб бўлган толерантлик (багрикенглик) тамойилига риоя қилган ҳолда бошқаришга ҳаракат қилган. У фирқачилик, мазҳабчилик ва мажусийларга бўлган муносабатларида Қуръони каримнинг «Нахл» сураси 125-оятдаги:

ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحُكْمِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ وَجَادِلْهُمْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ

«Роббингнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қил. Ва улар ила гўзал услубда мужодала эт...»³¹ деган амрга итоат қилгани эҳтимолдан холи эмас. Шу билан бирга, ўз нафсига берилган Ҳумоюн саройидаги баъзи бир дин пешволари Қуръони каримнинг «Нисо» сураси 59-оятдаги:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

²⁹ Сатимов Ф. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. – Тошкент: Ф.Ғулом, 2008. – Б.79.

³⁰ Ламб Ҳ. Кўрсатилган асар. – Б.293.

³¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. – Тошкент: Sharq, 2012. – Б.391.

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Расулга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг...»³² деган амрни, наҳотки, унутишган бўлса деймиз.

Бобурнинг аҳли сунна вал жамоа ақоиди равшан баён қилинган «Мубаййин» (очиқ баён қилувчи) асари «Эътиқодия» бўлимидаги қуйидаги сатрлар ҳам бежис эмас:

*Халқ аро кимки подшоҳдур,
Тоатин қилмасанг гуноҳдур.*

500 йил аввал битилган Бобурнинг бу доҳиёна сатрлари нафақат ўз замони учун, балки ҳозирги даврда ҳам фуқароларнинг давлатга ва унинг раҳбарларига бўлган муносабатларида, айниқса, интернетнинг иллатли хуружларига тобе бўлиб қолаётган ёшлар тарбиясида улкан аҳамият касб этади.

Бунинг устига, Гулбаданбегимнинг ёзишича, 1534 йил 7 апрелда Моҳимбегим оламдан ўтади ва бу йўқотиш ягона фарзанди бўлган Ҳумоюнни қаттиқ изтиробга солади.

Мана шундай огир зиддиятлар гирдобиди қолган Ҳумоюн узоқ йиллар давомида Ҳиндистонда ҳукмронлик қилиб келган, асосан, пуштунлардан иборат бўлган афгонларга ва ўз юртини ҳимоя қилаётган ҳинд рожаларига қарши турган эди. Уларнинг ашаддийлари Ҳиндистоннинг жануби-гарбида Баҳодиршоҳ, шарқида Шерхон атрофида жамланган афгон ва ҳиндлардан таркиб топган ва жонжаҳди билан урушга шай турган лашкарлар эди.

Гужаротда 1536 йилдан ҳукмдор бўлган Баҳодиршоҳ Панипат жангида Лўдий лашкари томонида жанг қилган³³, ёш ва гайратли сарбоз бўлиб, унинг ихтиёрида кучли қўшин, яхши артиллерия ва гуллаб-яшнаётган Гужаротнинг барча бойлиги бор эди.³⁴ Унинг 1531 – 1533 йилларда Шимоли-Гарбий Ҳиндистондаги бир қатор хонликларни ўзига тобе қилиши, 1534 йили Рожастонга юриши ва Ҳумоюннинг барча рақибларини ўз атрофида тўплаши Бо-

³² Кўрсатилган манба. 1-жуз. – Б.564.

³³ Шамсутдинов Р.Т. ва бошқалар. Кўрсатилган асар. – Б.54.

³⁴ Шарма Л.П. Кўрсатилган асар. – Б.36.



бурийлар салтанатига хавф солиб қолади. У Ҳумоюнга исён қилган ва қамокдан қочган Муҳаммад Замон мирзони ҳам қабул қилади ҳамда Ҳумоюннинг сўровига рад жавобини беради. Шунинг учун Ҳумоюн 1535 йил апрель – август ойларида унга қарши юриш бошлайди, тез орада Манду ва Чампанёрни эгаллаб Баҳодиршоҳни Камбойат³⁵ бандаргоҳига суриб чиқаради.

Жонли табиат, инсон ва ҳайвонот оламининг ҳам онгли, ҳам инстинктив бошқарилишини Беруний тўртта функция билан боғлаб тушунтиради ва буларни СЕЗГИЛАР деб умумлаштиради. Сезги – уни қўзгатувчиларга организмнинг жавоби. Қўзгатувчи таъсирлар меъёрида бўлса, бу ёқимли. Ҳаддан ортиқ бўлса, улар ёқимсиз, асабни қақшатувчи, огриқли, хато, ҳалокатли. Шундай қилиб, сезгилар – бу

¹ Абу Райҳон Беруний. Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби / Академик Азизхон Қаюмов таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б.6.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Қўрсатилган асар. «Фасл» банди. – Б.6 – 7.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Қўрсатилган асар. «Тарвиҳ» («Истироҳат») банди. – Б.8.

кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм – маза-матрани фарқлаш.

Кўриш функциясининг алоҳида қалб ва ақл билан, яъни кўрилган нарсаларга нисбатан ид-рокни уйғотиш хусусиятини таъкидлаш билан баробар Беруний кўришни қўзгатувчи нарса НУР эканини кўрсатади. «Нур, – дейди олим, – нарсанинг қиёфасини, рангини, шаклу шамойилини, саналаётганларининг миқдорини кўрувчига узатади». Беруний кўриш функциясининг кўз қараш нуқтаси маркази (фокуси) ва камрови билан боглиқ жиҳатларини яхши тушунган.⁷

Эшитиш функцияси ҳақида айтар экан, Беруний товушни қулоққа етказувчи восита, атрофимизни ўраб турган ҳаво ва унинг товуш манбаидан чиққан овоз туфайли тебраниши деб тушунтиради.

Ҳид, ис билиш сезгининг бир тури сифатида алоҳида физиологик қўзғалиш экани, ҳидни бурунга ҳаво олиб келиши, ҳид бамисоли сувдан буг ажралгани сингари ҳид тарқатувчи нарсадан ажралиши, яъни материянинг ҳаво билан аралашган кўриниши дея таърифланадики, бу Рим олими Лукреций Кар номи билан боглиқ атом назариясининг ўзгинаси эди.

Беруний одамзод аҳлига таъриф берар экан, ҳайвонотдан фарқли ва шарафли қилиб унга Аллоҳ таоло ақл ва тил берганини таъкидлайди. «Инсон зоти барча ҳайвонлардан устун туради, – дейди Беруний. – Унга мукофот этиб ақл кучи берилган. Инсон ана шу кучнинг макони бўлиб иззат топган. Инсонга юклатилган вазифа ерда худонинг халифаси бўлмоқ, ерни обод қилмоқ, унда бошқарув ўрнатмоқдир. Шунинг учун ҳайвонлар инсонга бўйсундилар. Улар ўз ихтиёрлари билан ва мажбуран инсонга бўйсундилар. Туну кун унинг фойдасига ишлайдилар». Шу ўринда Беруний Қуръони каримнинг «Ёсин» сураси 71 – 72-оятларига ишорат қилади: «Ахир улар учун ўз иродамиз иши билан чорва ҳайвонларини яратиб қўйганимизни кўрмайдиларми? Мана, улар ўшаларга эгадирлар. Биз уларни бўйсундириб қўйганмиз. Уларнинг минадиган (ҳайвон)лари ҳам ўшалардан..., емиш-

ларини ҳам ўшалардан қилиб қўйдик».⁸ Агар инсонга Аллоҳ томонидан шундай хайрихоҳлик бўлмаганида эди, у (инсон) ҳайвонларнинг энг кичигига ҳам бас келолмаган бўларди дейди Беруний. Шу сабабли Беруний Қуръони каримнинг «Зухруф» сураси 13-оятига ишора қилиб ёзади: «Бизларга бу (улов)ни бўйсундириб қўйган Зотга тасбеҳ айтамыз. Бизлар ўзимиз(ча) бунга қодир эрмас эрдик».⁹

Беруний инсонга ақл ва тилдан ташқари кўриш, эшитиш неъматлари берилганки, булар орқали у «Оқил зот оқиллигининг изларидан ибрат» олади деб тушунтиради. Бунинг исботи учун Беруний Қуръони каримнинг «Фуссилат», «Мулк», «Юсуф» сураларидан бир қатор далиллар келтиради. «Биз уларга атрофдаги ва ўз вужудларидаги аломатларимизни кўрсатажамиз...»¹⁰, токи булар ҳақиқат экани уларга аён бўлсин. Аллоҳ инсонга кўз ато этган экан, кўриш билан Яратгувчининг қудратини тугал билиб олишга барибир у ожиздир. Шу сабабли Аллоҳ таоло дейдики: «...етти осмонни қат-қат қилиб яратган Ул Зотдир. Ё аййуҳаннос (Эй Инсонлар), Раҳмоннинг яратганларида бирор нуқсон кўрмайсиз. Бас, ...самога қаранг-чи, унда бирор тирқишни кўрармикансан... Қайта-қайта самога кўзингизни қаратинг, назарингиз ҳориқиб ва толиқиб ўзингизга қайтур».¹¹ Бепарво одам эса Оллоҳ яратмишларининг ҳар бирида унинг қудрати ва мўъжизаси борлигини кўрмай ўтаверади.

Эшитиш неъматини Аллоҳ сўзларини, Унинг фармон ва тақиқларини эшитиш учун, уларга қаттиқ риоя қилиб, Аллоҳга яқин бўлмоқ, том маънода хавф-хатардан холи бўлмоқ учун берилган. Бу ҳеч кимга яширин эмас. Кўриш ва эшитиш неъматлари қалб билан боғланади. Ҳайвонларда булар нафсга ва хавф-хатардан сақланмоққа хизмат қилса, инсон учун бу неъматлар билиш учун, қалб учун ва ақл учун

⁷ Ўша жойда.

⁸ Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.445.

⁹ Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.490.

¹⁰ Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.482.

¹¹ Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.562.



хизмат қилади. Бошқа турдаги сезгилар гавдага боглиқ. Булар мияда қўзғалиш ҳосил қилдилар ва фикрлов бошланади. Инсон фикрлов орқали мазкур гавдага боглиқ сезгилар ҳис этадиган нарсаларни ўрганса кўп нарсаларга эришмоғи мумкин.

Берунийнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фикрлари эътиборга лойиқ. Бирлашмоққа интилиш бир хилликдан келиб чиқади дейди у ва Қуръони каримдан далил келтиради: «У (Аллоҳ) сизларни бир жондан яратиб, ундан унинг жуфтини у билан қовушиб таскин топсин учун яратган Зотдир».¹² Беруний яна Қуръони каримга мурожаат қилиб, оилавий жуфтлик масаласининг ижтимоий моҳиятини кўрсатувчи мисол келтиради: «Унинг аломатларидан яна бири сизлар таскин топишинглар учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир».¹³ Инсонлар ўртасида истаклар мувофиқлиги ривожлана бориб, охири одамлар ўртасида ўзаро ёрдам келиб чиқади, уларнинг бирга яшамоқларига, қишлоқ ва шаҳарларнинг юзага келмоғига сабаб бўлади дейди Беруний.

Берунийнинг бу қараши жамият миқёсида эҳтиёжлар масаласини категория даражасига олиб чиқади. Содда шаклда бўлса ҳам бу иқтисодий муносабатларнинг ижтимоий ҳаёт учун муҳимлигини англаб етиш эди. «Инсон гавдаси, – дейди олим, – қарама-қарши ҳаракатланувчи қисмлардан (аъзолардан) иборат. Уларни бўйсундирувчи куч бирлаштириб туради. Жоннинг ҳолати унинг мизожига боглиқ ҳолда турли-тумандир. Тана аъзоларининг қарама-қарши томонлари ўзларича бир бутунлиқдир, аммо уларнинг бир-биридан ажралишга интилиши ҳаракатнинг асосидир. Бордию томонлардан бири устун келса, иккинчи томонни ё ўзига ўхшатади, ё унинг касаллигига сабаб бўлади. Бу ҳолатлар ҳайвонотга хос. Инсон эса ўзининг табиат олдида ялангочлиги ва ожиз-

лиги сабабли ақлига суяниб ўзини сақлайдиган воситага интилади, эҳтиёжларининг қондирилишига муҳтож бўлади».

Жамият ҳаётининг муҳим омили сифатида Беруний «эҳтиёж ва талаб» категориясини ажратиб кўрсатади. Эҳтиёж ва талаблар хилма-хил ва кўп дейди олим. Уларни қондирмоққа якка шахс қодир эмас. Одамлар ўз эҳтиёжлари ва талабларининг хилларига қараб жам бўладилар. Сўнгра бошқаларнинг талаб ва эҳтиёжлари билан ўзаро уйғунлашадилар. Одамларга Аллоҳ таоло танлов имконини берган. Бу йўлда улар бирлашадилар. Тилак ва кучларида фарқли уюшмалар пайдо бўлади. Буни Аллоҳ одамлар учун бирон юксак ва гўзал нарсани танлашда ўзаро дуч келмасликлари учун қилган. Уларнинг ҳар бири ўзи эришган нарсаси билан қаноатга қақирилган. Натижада одамлар ўртасида умумий бараварлик яратилиб, ҳалокатга сабаб йўқ қилинган.

Берунийнинг ушбу фикрлари ўзига хос социологик маъно касб этган ҳолда бироз бўлсада утопик моҳиятга мойил кўринади. Бунинг яққол исботини қуйидаги сўзларда кўриш мумкин: «Одамларнинг мақсад ва ниятлари турлича бўлди. Санъат ва ҳунарлар ҳар хил бўлди. Бир киши бошқа бировнинг эҳтиёжи учун нимадир яратди. Бошқа бировни ўзига ҳодимликка олди... Адолатли келишув асосида... у тегишли ҳақ оладиган бўлди. Зўравонлик ва ёллов асосидаги мажбурий меҳнат доимий ва барқарор эмас».¹⁴

Берунийнинг кейинги мулоҳазаси иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, эҳтиёжлар турли-туманлиги шароитида ўзаро алмашув, савдо-сотиқ кабиларда қийматларни баҳолаш зарурати келиб чиқишини кўзда тутди. «Ҳар бир ҳолатда бирор нарсанинг ўз қийматига мос келувчи қийматни топиш қийин эди. Бундай қиймат учун одамлар ярқироқлиги билан кўзни қувонтирадиган ҳамда кам учрайдиган ва узоқ сақланадиган олтинни танладилар. Чунки уни майда бўлақлардан бирлаштириб йириклаш мумкин, йирикдан эса майдалаш мумкин. Ундан турли буюмлар ясаш, муҳрлар қилиш, сиртига тасвирлар тушириш,

¹² Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.175.

¹³ Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.406.

¹⁴ Ўша жойда.



ёзувлар битиш мумкин. Бундан олтиннинг моддий қиймати, ашёвий асоси ва моҳияти ўзгармайди».¹⁵

Беруний тоғлар, конлар, табиат бойликларининг пайдо бўлиши каби масалаларни табиий-илмий асосларда тушунганига шубҳа йўқ. Бироқ ўз даврининг олими сифатида ҳамда ислом ақидаларига мувофиқ ҳолда ерости ва ерусти ганиматларининг яралишини инсоният фойдаси учун Аллоҳ таоло ҳали одам яралмасидан аввал ер остида, баланд тоғлар остида йигиб қўйди ва одам аҳли улардан эҳтиёжларига яраша кундалик ҳаётлари ҳамда ўзларининг ҳимоятлари учун фойдалансинлар деб тушунтиради. Қуръондан парча келтириб ўз фикрини далиллайди: «Ерни ёзиб қўйдик, унга мустаҳкам турувчиларни ўрнатдик ва унда ҳар хил нарсаларни меъёри билан ўстириб қўйдик».¹⁶ Сўнгра олтин ва кумушни ... барча керакли нарсаларга мутаносиб этиб белгилади. Одамлар ўзаро бунга келишиб олдилар. Аллоҳ одамларни уларни (олтин ва кумушларни) қазиб олмоққа ўргатди. Аллоҳ ҳукмдорларга олтин ва кумушларга ўхшаш нарсалардан қалбакиларини ясовчи алдамчилардан ҳимоя қилмоқни буюрди... олтин ва кумушларни қиздириш ва эритиш орқали чиркинликлардан тозалашни ҳам топширди. Чунки ҳақ билан бирга ноҳақлик ҳам бўлади. Чинга қарши албатта ёлгон туради, ҳақиқатга қарши алдов... Бундай шароитда муносиб ҳукмронлар ҳаққоний бошқарув шартларига риоя қилмоқлари лозим. Ўшандагина улар халқ ўртасида Аллоҳ тайинлаган бошлиқ ва «Аллоҳнинг ердаги вакили» унвонини оқлаган бўладилар. Ўшандагина олий ва қуйи, кучли ва кучсиз ўртасида адолатни ўрнатмоқ мумкин бўлади.

Олтин ва кумушнинг эквивалентлик вазифасини таҳлил қилар экан, Беруний бу икки маъданнинг, аслида, ҳеч қандай қиймати йўқ эканини, одамлар ўртасида келишув туфайли уларга қиймат маъноси берилганини, уларга эга бўлишга, йигиб асрашга ҳирсу ҳавас пайдо

бўлганини фалсафий руҳда танқидий кўз билан қайд этади. Айниқса, олтин ва кумушни йигиб асрашга қарши кескин фикр билдиради. Жумладан, олим бундай ёзади: «... олтин ва кумушни одам қўлма-қўл айланмоққа қўйсин. Улардан ўз фойдасига доир ишларда баҳо сифатида фойдалансин. Лекин агар уларни хазина қилиб йига берилса, улардан фойдаланмоқ тўхтайди, уларга нисбатан Аллоҳ таолонинг иродаси бузилади, унинг марҳаматига ношукрлик бўлади. Чунки бу ҳолатда олтин ва кумушлар ер остига асли ҳолатига қайтарилгандек бўлади. Бу эса тугилган гўдакни она қорнига қайтариб солиб қўйилгандек. Зеро, олтин ва кумушлар ... бу дунё учун. «Уларни Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга аламли азоб борлигини хабар қил».¹⁷ Бу оятнинг янада чуқурроқ, фалсафий руҳини кучайтириш учун Беруний оятлар келтириб ўтади: «Эй инсонлар, мол-дунёни кўпайтириш иштиёқи сизларни қабрларни зиёрат қилмагунингизча машгул қилади. Ҳатто мақбараларингиз кўплиги билан мақтанишгача бордингиз».¹⁸ Ҳақиқатан, олтин ва кумуш конлардан қазиб олингач йигилган дон-дун, сўйилган мол каби бўлиб қолади. Уларни емоқ, фойдали ишларга сарф этмоқ керак. Чунки уларнинг ... зарурий тўловларга ишлатилишдан бошқа вазифаси йўқ.

Беруний олтин ва кумушнинг табиатида қиймат, бойлик йўқлигини бир ҳикоя орқали чиройли исботлаган. Денгизда саёҳат қилган бир киши ҳикоя қилган эди. Уларнинг кемасини шамол суриб бир оролга тақаб қўйибди. Ўша саёҳатчи бошқа сайёҳлар билан бирга оролга тушибди. У ўзига керакли нарсаларни оролда яшовчи бир кишидан олиб, унга динор берибди. Ороллик киши тангани олиб, қўлида айлантириб кўрибди, ҳидлабди, тишлаб таъмини билмоқчи бўлибди. Ўзи учун фойдали нарсани сезмагач динорни сайёҳга қайтарибди ва: «Фойдали нарса эвазига фойдасиз нарса билан ҳақ тўламоқ ярамайди», – деб даkki берибди.¹⁹

¹⁷ Абу Райҳон Беруний. Қимматбаҳо жаҳоҳирлар ҳақида билимлар китоби / Академик Азизхон Қаюмов таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б.13.

¹⁸ Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.600.

¹⁹ Абу Райҳон Беруний. Қимматбаҳо жаҳоҳирлар ҳақида билимлар

¹⁵ Ўша жойда.

¹⁶ Беруний келтирган оят мазмуни Абдулазиз Мансур таржималарида кенгроқ тафсир этилган. Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.263.



Демак, ўша оролда зарур нарсалар ўзаро алмашилган ва пул-қиймат муносабатлари бўлмаган. Олтин динорнинг эса у одам учун ҳеч қандай маъноси йўқ экан.

Беруний жавахирлар ва қимматбаҳо маъданлар ҳақида фикр юритар экан, буларни яхшилик йўлида оқилона сарфлашда икки усул борлигини, бири мурувват, иккинчиси эса футувват эканини таъкидлайди. «Мурувват, – дейди у, – инсоннинг ўзига, мулкига, яқинларига доир мажбуриятларидир. Футувват эса мурувватдан баланд ва инсоннинг ўзгаларга мутлақ бегараз яхшилигидир. Бундай инсонни фато дейилади... у Оллоҳ берган, лекин ўзгаларда йўқ нарсаларни қизганмай бахшида қилса, унинг иши футувватдир. Футувват фақат бойлик билан ўлчанмайди. Унга интилишнинг ўзи ҳам бойлик билан баробардир. Бундай одам яхшиликка бегараз тайёрлиги, марҳамати, эзгулик йўлида қатъияти, хокисорлиги, ҳимматининг хуфялиги ва беминнатлиги билан шараф топади. Зеро, Қуръони каримда: «Қилинган эҳсоннинг ортидан миннат қилиб, (бундан кишилар кўнглига) озор бериб (эҳсонингни) барбод қилма»²⁰, – дейилган. Бундай одам насаби билан эмас, ўз ҳиммати билан, футуввати билан баланд мавқега эга бўлади». Бу масалада Беруний бир юнон олимнинг сўзларини келтирадики, унда шундай дейилган экан: «Кимки қариндош-уруғларини рўкач қилиб кимлар биландир алоқа йўлини изласа, ўлган аждодлари билан гурурланса, унинг ўзи ўлик, ўша аждодлари тирикдир».²¹ Фато бу – оддий инсон. Унинг учун бойлик муҳим эмас. Аждодларининг улуғлигини рўкач қилмайди. У ўзгалар учун ўзида боридан кеча олади. Беруний шу каби хислатларга эга басралик бир одам ҳақида ёзади. У одам ҳар кўни ясан-тусан қилиб, йўрга отида муҳтожларнинг эҳтиёжларини қондириш учун йўлга чиқар экан. Бу тўғрида сўраганларида у дебди: «Мен ҳаётимнинг

хуш дамларида... кўп роҳатланиб яшаганман. Аммо бундай роҳат мендан яхшилик кўрган кишиларнинг ... миннатдорлигидан оладиган шодлигимга тенг кела олмайди». Шу мисолдан кейин Беруний футувватни ёқимли шодлик, марҳаматли тўхфа, юксак даражадаги беминнат олижаноблик деб таърифлайди. Шу билан бирга, футувватда ҳам меъёр бўлиши кераклиги, беҳуда марҳаматлилиқ ҳалокатли бўлиши ҳақида огоҳлантиради. Бунга мисоллар келтириб дейдики, ўлим олдида турган рақиби омон қолиш учун айёрлик билан Ҳотам Тойийдан унинг найзасини бериб туришини сўрабди. Ҳотам найзасини рақибига берибди... Ёки бир сайёҳ сувсиз саҳрода ўз чекига тушган сувни ҳамроҳига бериб, ўзи сувсизликдан ҳалок бўлибди ва ҳоказо.

Мурувват моддий ва маънавий имкониятдан бўлса, футувват кўнглидандир. Аммо Аллоҳ огоҳлантирганки, кўзбўямачилиқ қилиб, тубан мақсадлар билан (масалан, йўқни бор қилиб кўрсатиб мақтаниш), имкони бўлмаган сарф-харажатлар Унга (Аллоҳга) манзур эмас. Бундайлар Аллоҳга мақбул ишлар ҳисобига кирмайди ва Унинг ажру мукофотида сазовор бўлмайди.

Беруний қисқа муддатлик орзу-ҳавас, асл маънавий қийматга эга бўлмаган ўткинчи нарсаларга ҳирс қўйган одамларни беақллар деб таърифлайди. Асл маънавий ишлардан ақллилар қониқиш ҳосил қиладилар деб уқтиради. Асл нарсалар ҳислар орқали қабул қилинади. Беақл киши назарини турли безакларга, чиройли нарсаларга қаратади. Бу иш ҳайвоннинг ҳам қўлидан келади. Ернинг мўл-кўл ёқимли ўт-ўланларидан у лаззат топади. Ақлли одам бу каби ўткинчи нарсаларга ақл кўзи билан қарайди ва чуқур англаб етгач ўткинчи бўлмаган нарсалардан руҳий озиқ олади. Ўткинчи лаззатларнинг умри қисқа. Муддати ўтгач яшил саргаяди, ширин бемаза бўлади, гуркираб турган дарахтлар қуруқ шохларга айланади, уларни шамол совуради, бўрон кул қилади, селоблар ахлат сингари оқизиб кетади... Ўзгармас нарсалар жаннатга хосдир. Шунинг учун бу дунёнинг қисқа роҳат-фарогатли муддатини абадий деб ҳисоблаш ақлдан эмас. Зеро, булар

китоби / Академик Азизхон Қаюмов таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б.12 – 13.

²⁰ Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.44.

²¹ Абу Райҳон Беруний. Қимматбаҳо жавахирлар ҳақида билимлар китоби / Академик Азизхон Қаюмов таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б.14.



тугагач, аввалги гўзалликлар ўрнини заъфарон юзлар... эгаллайди. Кеча ва кундузнинг алмашуви тўхтамайди. Замон чексиздир. Инсон умри эса чегарали. Бас, шундай экан, жаннат абадийлигини танлаш ақлдандир. Аллоҳ жаннат ҳурларини мажозан бекорга жавоҳирларга қиёс қилмаган: «Улар айнаи ёқут ва маржонлардир».²²

Беруний дунё лаззатларининг ўткинчилигини қимматбаҳо тошларга ружу қўювчилар мисолида кўрсатади. «Қимматбаҳо тошлар, – дейди у, – агар улар зеб-зийнат вазифасини ўтамаганларида эди, олтин ва кумушлар сингари ўз-ўзларича бирор қийматга эга бўлмаган бўлар эдилар. Олтин ва кумушнинг қимматбаҳо тошлардан афзаллиги бор. Улар эҳтиёж ашёсининг қийматини белгилайдилар. Қимматбаҳо тошларда эса бу хислат йўқ. Уларнинг нархини ҳам олтин ёки кумушда ўлчайдилар. Бироқ қимматбаҳо тошларнинг ўзлари мустақил қийматни ташкил эта оладилар. Бордию қимматбаҳо тошлар руҳоният ва маънавият жиҳатидан баҳоланса-чи, унда уларнинг фазилатлари гўзаллик сифатида ҳис-туйғу орқали қабул қилинишидир. Қимматбаҳо тошларни одамларга қиёс қилиш, масалан, фалонча гавҳарларнинг гавҳари дейилса, у албатта денгиз тубидан чиганокда олиб чиқилган гавҳар эмас, кўчма маънода яхши фазилат эгаси».

Қимматбаҳо буюмлардан қониқиш ҳосил қилиш, завқланиб лаззатланиш каби туйғуларни, уларга бўлган кучли майл, эҳтирос кабиларни Беруний бир қатор қиёсий мулоҳазалар орқали кенг таҳлил қилади ва меъёрдан ташқариси маъқул эмаслигини тушунтиради. Инсон эга бўлган сари унга янада кўпроқ эга бўлишга интиладиган нарсачин лаззат багишлайдиган нарсасидир дейди Беруний. Шулардан бири илгари билмаганини билганда инсон жонининг ҳолати ҳузурли бўлишидир. Аммо ҳузур кўпайгани сари чарчаш, тананинг жондан устунлиги пайдо бўлади. Тана зўриқиш ва чарчоқдан сўнг дам олишни истайди. Жонни у машгул бўлаётган ишдан ажратиб олади. Чунки ҳис-туйғулар туфайли чарчашда лаззат йўқолади. Малоллик

туғилади... Масалан, қабул қилинаётган товушларнинг маъносини тушуниб етганда лаззат юзага келади. Лекин бу товушлар маъносиз бўлса, бунинг устига, қулоққа малол даражада қаттиқ бўлса, жон ўз табиатига биноан улардан чарчайди ва осойишталик, жимликда улардан дам олоқни истаб қолади.

Бугунги кунда жамиятимизда кимўзарга айланиб бораётган тантаналаримизда, афсуски, мусиқа аталмиш гумбур-гумбурлар ҳақида ўйлаб кўрсак айнаи муддао бўларди. Ахир, герц номли товуш кучи ўлчовининг қанчасига қулоқларимиз чидаши мумкин. Гўё тўйда тўйхонанинг томини бузгудек шовқиндан бошқа ҳеч нарсаси йўқдек.

Жисмоний лаззатлар ҳаддан ортиқ бўлса ўзидан кейин изтироблар етказади, охири хасталикка олиб келади. Бундай лаззатлар узоқ давом этгудай бўлса безор қиладилар ва меъёридан ошиб кетсалар азобга айланадилар. Бунга овқат емоқдан оладиган лаззатларни мисол қилиш мумкин.

Жоннинг бирор нарсадан оладиган лаззати бошланганидан сўнг бу лаззатга иштиёқ ҳар доим орта боради, у бирор ниҳоясида тўхтамайди. Шунда истак жиловини унутиш бошлади. Бу лаззат олдида гўё дунёнинг (бошқа) гўзалликлари беҳуда, унинг чиройи хунуклик эканига ишонч кучая боради. Бу лаззатлар орасида икки хил изтироб, икки хил ёмонлик бор. Бири ҳирсни тиймаслик туфайли табиий қувватнинг чекланиш изтироби, иккинчиси яратиш йўлидан чалғиш, табиат томонидан ўрнатилган тузоққа илиниш. Ҳирс ва иштиёқ олови тажрибасизларни алдов билан қўлга олади, беақл бундай алдамчиликка лаққа тушади. Меъёр кетади. Аммо, аслида-чи, (меъёр бўлса), ана шулар ёрдамида оламни уюштиришдек илоҳий мақсад амалга ошади. Бу ерни ҳайдаш, авлод қолдириш, тирикларни (тирикликни) яратиш мақсадидир.

Аммо баъзилар учун гоҳо иштиёқ туғғени диққатга сазовор туюлади, у энди фидойи эмас, ҳаммадан олдин ўзини севажагини, бошқани ҳам ўзи учун севажагини инкор эта олмайди. Ўзини севмоқ эса ўз нуқсон ва чиркинликларини кишининг ўзидан яширади. Чунки

²² Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.533.



«ишқнинг кўзи кўр, қулоғи қардир». Шунинг учун номақбулни мақбул дейиш асл табиатга зид тасодифийликдир ва у албатта йўқолади, ҳамма нарса аслига қайтади.

Беруний мақтовга сазовор фазилатларнинг бошида танқидга учрайдиган ишлардан тийилиш туради деб ўргатади. Мақтовли ишларнинг энг юқориси мурувватдир дейди. Мурувватнинг кўринишлари, юзага чиқиш шарт-шароитлари хилма-хил. Кишининг покизалиги, орасталиги, кийинишидаги батартиблик, юзнинг жозибаси, тананинг хушбичимлиги, буларнинг барчаси мурувват белгиларидир. Бугун «оммавий маданият» номли маданиятсизлик авж олаётган бир пайтда Берунийнинг бу насиҳатлари қанчалик ўринли эканига шубҳа йўқ. Зеро, кишилар ўзлари билан учрашувчи одамларда ёқимли хислатларни кўришни истайдилар. Жонга тегишли ва руҳга боглиқ нарсаларни тарбиялаш мурувватга интилишдир. Жоннинг қиёфасини, руҳнинг ҳолатини ахлоқ ўзгартира олади. Чунки оқил инсон ўз эҳтирослари устидан ҳукмрондир. Жон ва руҳнинг тарбияси маънавий муолажа орқали амалга ошади.

Мурувватли инсон, аввало, ўзини муносиб ва танасини покиза тутати. Одамларнинг тозалikka интилишлари сув билан боглиқ. Сув ҳаётга тот багишлайди. Ҳеч нарса сув каби покловчи эмас дейди олим.²³ Берунийнинг шахс гигиенаси ҳақидаги насиҳатлари ҳам мурувватли бўлиш талаби асосида бир қанча мисоллар орқали кенг тушунтирилган. «Арабларнинг, – дейди у, – қизларига насиҳатлари сувга доирдир». Ҳазрати Алининг жиянлари Абдуллоҳ ибн Жаъфар Абу Толиб қизларини турмушга бераётиб насиҳат қилган эканлар: «Рашк қилишдан сақлан, чунки у талоқнинг калитидир. Эрингни танбеҳ қилма, чунки у қаҳрни қўзгатади. Ўзингни беа, бунинг энг яхши воситаси сурма, хуш ҳидлар таратувчи нарса сувдир». Арабларнинг машҳурларидан бири Амир ибн аз-Зариб ал-Адвоний қизини узатаётиб хотинига буюрибди: «Қизингга айтгинки, у саҳрога йўл олганда сувни жамлаб ол-

син. Сув танани тиниқ кўрсатади, эрининг истақларига қаршилиқ кўрсатмасин. Чунки бахт мувофиқатдадир». Яна бир араб тўйи бўлаётган қизига: «Сен эрингга чўри бўлгин, шунда у сенга қул бўлади. У билан юмшоқ муомала қил, бу ноз-ишвадан яхшироқдир. Сувдан кўпроқ фойдалангин, хушбўйлик беришда у биринчидир»²⁴, – деб насиҳат қилибди. Берунийнинг бу фикрлари оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда бугун ҳам аҳамиятли экани кундай равшан.

Мурувват бобида фикрини давом эттириб Беруний дейди: «Инсонга ҳаммадан ҳам яқини унинг ўз жони. Ундан кейинги яқинлар ичида яқини кийимдир... Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.)дан мурувват нима деб сўрашганида кийимнинг орасталиги деган эканлар. Беруний бунга Қуръондан далил келтиради: «Либосларингизни покланг...»²⁵ Сўнгра Беруний ёзади: «Кимки уст-бошнинг озодалигигига диққат қилса бу ишни ўзидан бошлайди... Кийимнинг озодалиги... жон ва қалбнинг озодалигидан нишондир». Кийимнинг озодалиги қалб озодалиги билан мукамал бўлади. Зеро, қалб озодалиги унинг асл илоҳий моҳиятидир. Бунга зид нарсалар инсонда унинг муҳити, тарбияси ва бошқа омиллар сабабли пайдо бўлади.

Мурувват тушунчасини Беруний янада кенгроқ талқин этиб, яхши сўз ҳам мурувват дейди. Бу демак, ўзи учун тилаган нарсани ўзгаларга ҳам тиламоқ, тақиқланган нарсалардан четланиш, одамларни ранжитишдан сақланиш, дунёвий ва ахлоқий, ижтимоий ҳамда дин буюрадиган нарсаларга риоя қилиш кабилардир. Диний қоидалар адолат, Аллоҳнинг олдида тенглик, мазлумларга ёрдам, ният эзгулиги кабилар орқали инсонни мурувватга чорлайди.

Шу ерда ўқувчимиздан узр сўраб сўзимизни мухтасар қилсак маъқулдир. Берунийнинг бошқа асарлари бўйлаб ҳам олтин зарраларидек сочилган ибратларни йигиб ўрганиш кўп фойдали иш бўлар деган орзу билан қоламиз.

²³ Абу Райҳон Беруний. Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби / Академик Азизхон Қаюмов таржимаси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2017. – Б.21.

²⁴ Ўша жойда.

²⁵ Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2001. – Б.575.



ОДИЛШОҲ ЖАЛОЙИР ИСЁНИ: САБАБ, ЖАРАЁН ВА ОҚИБАТ

Б.А.Усмонов, ФарДУ доценти, т.ф.н.

Резюме

Мақолада Одилшоҳ жалойир исёнининг сабаблари, ушбу исённинг бостирилиши жараёни, унинг оқибатида Фаргона водийсида юз берган маъмурий ўзгаришлар ҳамда Умаршайх мирзо ҳокимлигидаги маркази Андижон шаҳри бўлган Фаргона мулкисининг ташкил этилиши масаласи ёритилган.

Калит сўз ва иборалар: Фаргона водийси, Мўғулистон, Андижон, Маргилон, Хўжанд, суюргол, жулду, икта, исён, Амир Темур, Умаршайх мирзо, Одилшоҳ жалойир, Сари Буга, Ҳамди.

Резюме

В статье освещены причины восстания Адылшаха джалайира, процесс его подавления, административные изменения, произошедшие в Ферганской долине в результате восстания, а также, вопрос создания Ферганского владения с центром в Андижане под управлением Умаршайха мирзо.

Ключевые слова и фразы: Ферганская долина, Моголистан, Андижан, Маргилан, Ходжент, суюргал, жулду, икта, восстание, Амир Темур, Умаршайх мирзо, Адылшах джалайир, Сари Буга, Хамди.

Resume

The reasons of the Adylshah jalaiir revolt, the process of its suppression, the administrative changes that occurred in the Ferghana Valley as a result of the uprising, and the issue of the creation of the Ferghana possession with the center in Andijan under Umarshayh mirzo are studied in the article.

Key words and phrases: Ferghana valley, Mogholistan, Andijan, Marghilan, Khodjent, suyurgal, juldu, ikta, revolt, Amir Temur, Omarshayh mirzo, Adylshah jalaiir, Sari Buga, Khamdi.

Амир Темур томонидан Фаргона улусининг ташкил этилиши масаласи тарихшунослигимизда кам ўрганилган. Фаргона улусининг ташкил этилишида Амир Темур ҳокимиятига қарши 1376 йили Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий ҳудудларида бўлиб ўтган исённинг таъсири катта бўлган. Бу исёнда Одилшоҳ жалойир, Сари Буга ва Амир Ҳамди етакчилигидаги кучлар қатнашган. Исёнда иштирок этган амирларнинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан энг нуфузлиси Одилшоҳ жалойир бўлганлиги учун мазкур исёни Одилшоҳ жалойир исёни деб аташ мумкин. Исённинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр юритамиз.

Амир Темур Оқ Ўрда ва Мўғулистонни тормор этмасдан туриб Туркистон, Тошкент воҳаси ва Фаргона водийсида ўз ҳокимиятини тўла ўрната олмас эди. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон Мўғулистонни кучсизлантиришга қатъий интилди ва унинг ҳукмдори Қамариддинга қарши 1375 йили катта юриш бошлади.

Илгор сифатида Жаҳонгир мирзо бошчилигида Хўжанд ҳокими Одилшоҳ жалойир ва амирлардан Шайх Муҳаммад Баён Сулдузнинг қўшинларидан иборат лашкар жўнатилди. Бу юриш давомида биринчи марта Амир Темур қўшини Мўғулистоннинг ичкари ҳудудларига кириб боради ва унинг қудратига катта зарба беради. Мазкур голибона юриш нафақат Мўғулистонда, балки Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий қисмида ҳукмронлик қилган ва ягона марказлашган давлат барпо этилишини истаман амирларнинг сиёсий ҳамда ҳарбий маъқеини кескин пасайтирди. Амир Темур Мўғулистондан Фаргона водийси орқали қайтади. Шу жараёнда Соҳибқирон биринчи бор водий ҳудудига қадам қўяди. У Фаргона водийсига шарқдан кириб келиб Ўзган, Маргилон, Хўжанд шаҳарлари орқали Самарқанд томон йўл олади. Мазкур юришдан манфаатдор бўлмаган Хўжанд ҳокими Одилшоҳ бошлиқ бир гуруҳ амирлар



Амир Темурга қарши суиқасд тайёрлашга қарор қилдилар. «Хўжанд қасабаси унинг иқтоси бўлган Одилшоҳ жалойир, – деб ёзади Муиниддин Натанзий, – тузқу ва соврин баҳонасида рухсат сўраб, ҳумоюн ташриф учун тўй асбоблари ҳамда ҳазрат ва мавкаб учун пешкашлар тайёрлаш важидан олдинроқ йўлга тушди. Иттифоқан у Шайх Муҳаммад Баён, Туркон Арлот ва бошқа бир гуруҳ бадкирдорлар билан тўй асноси ва ош тортишу қадаҳ суниш пайтида Султон гозийга шамширлар билан ҳамла қилиш ҳақида тил бириктирган эди. Соврину савсанларни ҳозирлаб тақдим этиш асносида Султон гозий уларнинг бежо хатти-ҳаракатларидан баъзи нарсаларни фаҳмлаб, ош тортилишидан бурун отга миниб йўлга тушди. Ул бадкирдорлар анграйиб, жой-жойида туриб қолишди» [Муиниддин Натанзий. 2011. – Б.189]. Суиқасд амалга ошмагач, Одилшоҳ жалойирнинг ўзи ўша йилнинг қишида Занжирсаройда яшаётган Соҳибқирон олдига бориб, айбига иқдор бўлади ва жазодан қутулиб қолади.

Қиш ўтиб, баҳор келгач Амир Темур Хоразмга юриш қилиш мақсадида барча амир ва бекларни қўшинлари билан чақириб лашкар тўплайди. Ушбу юриш бошланиши арафасида Муҳаммад Баён Сулдуз ҳибсга олиниб, қатл этилади. Шарафиддин Али Яздий бу воқеани: «Ҳазрат Соҳибқирон Шайх Муҳаммад Баён Сулдузни туттурди. Бас, таҳқиқ қилгондин гуноҳи зоҳир бўлди», – деб изоҳлайди [Шарафиддин Али Яздий. 1997. – Б.78]. Низомиддин Шомий эса бу ҳақда: «Шу ҳол асносида Шайх Муҳаммад Баённи тутиб, гуноҳини бўйнига қўйгач ёсоққа етказди...» – деб ёзади [Низомиддин Шомий. 1996. – Б.98]. Муиниддин Натанзий, улардан фарқли ўлароқ, қўшимча қизиқарли маълумотлар тақдим этади. «Султон гозий ўзи (мамлакатда) йўқлигида, – деб ёзади у, – амир Юсуф сўфи содир этган бир неча ёғиёна хатти-ҳаракат туфайли унинг танобини тортиб қўйишга қарор қилди. Ҳазрат узоқ-яқиндаги барча сардорларни чақириб, бу ҳақда машварат ўтказди. Шайх Муҳаммад Баён эътироз билдирди. Унинг сўзлари мазмунидан Султони гозийга шу нарсa маълум бўлдики, душманларни йўқотиш ишида иттифоқ бўлгуси йўқ. Ҳазрат уни ҳаялламасдан ясоққа етказишга фармон берди» [Муиниддин Натанзий. 2011. – Б.190]. Юқорида келтирилган маълумотлардан Темурга қилинган суиқасднинг жазосиз қолдирилиши ганимларнинг ўз кучига бўлган ишончини орттирди деб

тахмин қилиш мумкин. Шунинг учун уларнинг етакчиси машваратда Амир Темурга қарши чиқишга журъат этди. Шу вақтда амир Боязид жалойирнинг икки ўгли – ўз вақтида Хўжандни бошқарган Али Дарвеш ва унинг иниси Муҳаммад Дарвеш ҳам ўлдирилади. Гарчи Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий амир Боязид жалойир ўгилларининг қатли сабаблари ҳақида алоҳида тўхталмасалар-да, Фасих Хавофий амир Боязид жалойирнинг ўгиллари ҳам Амир Темур ҳаётига суиқасд қилганликлари учун қатл этилдилар деб таъкидлайди [Фасих Хавафи. 1980. – С.98]. Суиқасдга алоқадор бўлган яна бири шахс – Туркон Арлот ҳам Одилшоҳ жалойир каби кечирилган бўлса керакки, Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий ва Фасих Хавофий у ҳақида ҳеч нарсa демайдилар [Шарафиддин Али Яздий. 1997. – Б.78 – 79; Низомиддин Шомий. 1996. – Б.98; Муиниддин Натанзий. 2011. – Б.190; Фасих Хавафи. 1980. – С.98]. Амир Темур муҳим юриш олдидан йирик амирлардан бири бўлган Хўжанд ҳокими Одилшоҳ жалойир ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолидаги ҳудудларда катта мулкка эга бўлган Туркон Арлотнинг жиноятидан яна бир бор кўз юмишга қарор қилган кўринади. Лекин уларни турли томонга бўлиб юборади. Яъни Туркон Арлотга Хоразм юришида қатнашиш белгиланган бўлса, Одилшоҳ жалойирга ўзга вазифа топширилади. 1376 йилнинг баҳорида давлатга хиёнатда айбланиб қатл қилинган уч нафар амирдан икки нафари жалойир қабиласининг вакиллари эди. Бу ҳам ушбу қабила етакчиларининг марказлашган ҳокимиятнинг мустаҳкамланиб боришига нечоғлиқ қарши бўлганларини кўрсатади. Шу билан бирга, бу ҳолат кўп ўтмай Одилшоҳ жалойир бошчилигида Амир Темурга нисбатан очикдан-очик ҳарбий исён бошланишига туртки бўлган бўлса ажаб эмас.

Амир Темур 1376 йили Хоразмга навбатдаги юришни бошлар экан, Одилшоҳ жалойир ва Сари Бугани 30 минг кишилиқ қўшин билан Мўғулистонга унинг ҳукмдори амир Қамариддинга зарба бериш учун жўнатади. Уч нафар амир суиқасд қилишда айбланиб қатл этилган вақтда хиёнатчиларнинг шериги бўлган бу икки амирга тўлиқ ишониб бўлмаслигини билганлиги учун уларга ўзининг ишончли амирларидан Хитой Баҳодир ва Элчи Буга Баҳодирни ҳамроҳ этиб юборади. Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотида



кўра, Амир Темур Одилшоҳ жалойир, Сари Буга, Хитой Баҳодир ва Элчи Буга Баҳодирни 30 минг кишилиқ қўшин билан Мўғулистонга жўнатган. Натанзий эса Соҳибқирон Одилшоҳ жалойир, Сари Бугани у ерга 20 минг кишилиқ қўшин билан юборганлигини, хос кишилари билан бўлмиш Хитой Баҳодир ва Элчи Буга Баҳодирни эса уларга ҳамроҳ қилганлигини таъкидлайди. Бундан Одилшоҳ жалойир ва Сари Буганинг қўшини 20 минг кишини, уларга ҳамроҳ бўлган Хитой Баҳодир, Элчи Буга Баҳодирнинг қўшини эса 10 минг кишини ташкил этганлиги ойдинлашади.

Лекин хиёнатчилар ўз фикрларидан қайтмаган эдилар. Сари Буга ва Одилшоҳ жалойир Элчи Буга Баҳодир ва Хитой Баҳодирни ҳибсга олиб, яна исён бошлайдилар. Улар исёнга Андижон вилояти доруғаси амир Ҳамдини ҳам жалб қилишга эришадилар ва у билан биргаликда пойтахт Самарқанд шахрига юриш бошлайдилар. Исёнчиларнинг Самарқанд шахрига етиб келиб, уни ҳужум билан босиб олишга интилишларидан кўринадики, Шарафиддин Али Яздий таъкидлаганидек, исёнчилар жалойир, қипчоқ қабилалари ва амир Ҳамди қўшинларидан иборат катта лашкар тузишга эришган эдилар [Шарафиддин Али Яздий. 1997. – Б.79]. Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида мазкур исёнда қипчоқ ва жалойир қабилаларининг фаол иштирок этганлигини, Самарқанд шахри учун эса шиддатли жанглар олиб борилганлигини таъкидлайди. «Ҳазрат Соҳибқирон, – деб ёзади муаррих, – Мўғулистонга юборган гуруҳлар ичидан Сор Буга ва Одилшоҳ Самарқанднинг холи эканлигини билиб, қингир ишни кўнгилга туғишди ва Хитой Баҳодир билан Элчи Бугани ушлашди. Ҳазрат Соҳибқирон Андижонда доруға мансабидан қолдирган Ҳамди улар билан иттифоқ бўлди. Ўз уруглари – жалойир ҳамда қипчоқларни тўплаб Самарқандга жўнашди ҳамда шаҳар қалъасини эгаллашга киришишди. Шаҳар халқи тинимсиз ўқ отиб буларни шаҳарга киришга қўймади» [Муҳаммад Ҳайдар мирзо. 2010. – Б.107; Мирза Муҳаммад Ҳайдар. 1996. – С.72].

Исёнга аввалдан пухта тайёргарлик кўрилганлиги кейинги воқеалар ривожидан яққол кўзга ташланади. Амир Темур ўз қўшинлари билан Хоразм чегараларига кириб келган вақтда, яъни, Натанзийнинг ёзишича, Сабҳонага, Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Сепоя мавзеига етиб келган вақтда қў-

шин сафида бўлган Туркон Арлот исён кўтариб, лашкари билан ўз мулки бўлган Фарёб томонга қочиб кетади. Амир Темур унга қарши қўшин юборгандан кейингина исёнчилар Самарқандни қамал қилганлиги ҳақида хабар олий ўрдага етиб келади. Бу ҳам Одилшоҳ жалойир ва Сари Буганинг исёни Туркон Арлот билан аввалдан режалаштирилиб, ўзаро иттифоқликда амалга оширилганлигини тахмин қилишга имкон беради. Қўшиннинг бир қисмини Туркон Арлотга қарши юборган Амир Темур Хоразм юришини тўхтатиб, қолган аскар билан Самарқанд томон қайтади. Душманга тезроқ зарба бериш мақсадида лашкардан илгор ажратиб, Жаҳонгир мирзо бошчилигида исёнчиларга қарши юборади. Исёнчилар ўз кучларига шу қадар ишонган эдиларки, Жаҳонгир мирзо бошчилигидаги қўшин яқинлашаётганини эшитгач уларга йўлдаёқ зарба бериш мақсадида Самарқанддан шахзода қўшинига пешвоз чиқиб борадилар. Икки томон лашкари Кармана шахри яқинида учрашиб, шиддатли жангга киради. Жангда маглуб бўлган исёнчилар Дашти Қипчоққа чекинадилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий ўз асарларида исён ҳақида хабар топган Амир Темур Самарқандга ёрдам учун Жаҳонгир мирзони илгор қилиб жўнатганлигини баён этишган [Шарафиддин Али Яздий. 1997. – Б.79; Низомиддин Шомий. 1996. – Б.99]. Лекин Муиниддин Натанзий илгор қилиб Умаршайх мирзо жўнатилганлигини таъкидлаб, жанг воқеаларини ҳам батафсил ҳикоя қилади. «Султон Ғозий, – деб ёзади Натанзий, – амирзода Умаршайхни манглой қилиб лашкарлари билан олдинроқ жўнатган эди. Улар Кармина қасабасига етиб келишганида ёғий лашкарининг қораси кўринди. Олам аҳли амирзода Умаршайх баҳодир бир неча хос кишиси билан қаровул тариқасида олдинга юрганида тўсатдан душманнынг минг чавандози кузатиб турган пистирма устидан чиқиб қолди. Ёғийлар пистирмадан ёпирилиб, қиёмат зилзиласининг гулгуласи фалак авжига етди. Олам аҳли шахзода таваккалга ҳамла қилишдан ўзга чора йўқлигини англаб қалқонни боши узра кўтариб ва бошини эгар қошигача энгаштириб, газабнок шер каби билак кучи ва шамширин ишга солиб душманнынг қоқ ўртасига ўзини урди. Гўёким тўқайга тушган оташ алангаси ёки чўпонсиз сурвуга ҳамла қилган оч бўри каби барчасини тор-



мор келтирди ва бир фарсанг масофагача қувиб борди» [Муиниддин Натанзий. 2011. – Б.190 – 191]. Бизнингча, Жаҳонгир мирзо раҳбарлигида жўнатишган қўшин сафида Умаршайх мирзо ҳам бўлган ва у бу жангда қаровул қисмини бошқарган бўлиши керак. Натанзий ўзининг ушбу асарини Умаршайх мирзонинг ўгли Искандар мирзога тақдим этганлиги сабабли Умаршайх мирзо фаолиятига кўпроқ эътибор қаратган кўринади. Ушбу исён бостирилгач, Фаргона водийсининг айнан Умаршайх мирзога тақдим этилиши ҳам Натанзийнинг шундай хулоса чиқаришига асос бўлган бўлиши мумкин.

Кармана жангида маглуб бўлган исёнчилар дастлаб Оқ Ўрдага қочиб бориб, у ердан Амир Темурга қарши курашиш учун мадад олишга ҳаракат қиладилар. Аммо Оқ Ўрдада ўз ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш учун курашаётган ва бутун Жўжи улусини қайта тиклаш орзусида бўлган Урускон Мовароуннаҳр масаласига қизиқиш билдирмайди.

Амир Темур эса мамлакатнинг шарқий қисмини исёнчилардан тўла тозалаб, маъмурий ўзгаришларни амалга оширади. Шарафиддин Али Яздий Умаршайх мирзога Фаргона водийсининг суюрғол қилиб берилиши борасида амирзода Умаршайхни Андижонга йибарди дейиш билан чекланган бўлса [Шарафиддин Али Яздий. 1997. – Б.80], Низомиддин Шомий воқеалар баёнини тўғридан-тўғри Умаршайхнинг Андижон шаҳрида эканлигидан бошлайди [Низомиддин Шомий.

1996. – Б.100]. Муиниддин Натанзий бу воқеага алоҳида эътибор қаратиб, ўз асарининг бир фаслини мазкур воқеа баёнига бағишлайди. «Олам Шаҳзодасининг саъй-ҳаракатлари туфайли тўла галаба муяссар бўлгач, – деб ёзган эди муаллиф, – жулду (инъом) тариқасида Ўзжанднинг ўн икки тумани ҳазратга иқтоъ қилиб берилди ва жаҳон бўйсунувчи фармонга мувофиқ амирзода ул тарафга отланди» [Муиниддин Натанзий. 2011. – Б.191]. Натанзий маълумотининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда Умаршайх мирзога Фаргона водийсининг ўн икки тумани инъом этилганлиги алоҳида таъкидланган. Бу ўн икки туман ичига Хўжанд беклиги ҳам кирган эди. Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий берган маълумотдан эса янги ташкил этилган мулкнинг маркази Андижон шаҳри бўлганлиги ойдинлашади. Бу фикрни воқеаларнинг кейинги ривожига ҳам тасдиқлайди [Шарафиддин Али Яздий. 1997. – Б.80; Низомиддин Шомий. 1996. – Б.100; Хондамир. 2013. – Б.87].

Айнан шу исён оқибатида Фаргона водийсининг маъмурий тузилишида катта ўзгаришлар юз берди. Аввало, Хўжанд беклиги тугатилди ва у ерда яшовчи жалоийр қабиласи Мовароуннаҳр бўйлаб тарқатиб юборилди. Хўжанд беклиги ва амир Ҳамди бошчилигидаги Андижон вилояти бирлаштирилиб, ягона Фаргона мулки сифатида Умаршайх мирзога суюрғол қилиб берилди. Бу Фаргонада Амир Темур ҳокимияти тўлиқ ўрнатилганининг расмийлаштирилиши эди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ғулом Каримий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Аҳмад ва Ҳ.Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997.
3. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўғирувчи Ю.Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А.Ўринбоев, изоҳлар ва лугатларни тузувчи Ҳ.Кароматов (жугрофий номлар изоҳи О.Бўриевники), Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўғирувчи ва изоҳларини тузувчи О.Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
4. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи / Пер. предис., примеч. и указатели Д.Ю.Юсуповой. – Ташкент: Фан, 1980.
5. Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой, примечания и указатели Р.П.Джалиловой и Л.М.Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996.
6. Мухаммад Хайдар мирзо. Тарихи Рашидий / Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи ҳамда таржимонлар В.Раҳмонов ва Я.Эгамова. – Тошкент: Шарқ, 2010.
7. Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар (Башар аҳли сийрагидан хабар берувчи дўст) / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари И.Бекжонов, Ж.Ҳазраткулов; масъул муҳаррир А.Аҳмедов; махсус муҳаррир В.Раҳмонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013.



XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОҒДОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

(«Туркистон тўплами» материаллари асосида)

Жаҳонгир Хайитов (БухДУ)

Резюме:

Ушбу мақолада «Туркистон тўплами»даги кўп сонли материаллар асосида XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон минтақасида мевали дарахтлар янги навларининг тарқалиши ҳақида илмий мушоҳада юритилади.

Таянч сўзлар: Россия империяси, боғдорчилик, янги нав, мевали дарахт, ҳосилдорлик, ярмарка, ҳаваскор боғбон, олма навлари, нок навлари, табиий офат, темир йўл, кўчат майдонлари, ноқулай иқлим, Боғбонлар уюшмаси.

Резюме:

В статье на основе материалов собранных в «Туркестанском сборнике» проводится научный анализ в отношении распространения новых сортов фруктовых деревьев в Туркестанском крае в конце XIX – начале XX веков.

Ключевые слова: Российская империя, садоводство, новый сорт, фруктовое дерево, урожайность, ярмарка, садовод-любитель, сорт яблоки, сорт груши, природные катаклизмы, железная дорога, россада, неудобство, Ассоциация садоводов.

Annotation:

This article considers the new types of the fruit trees in Turkestan on the basis of the many materials given the «Turkestan» collection in the end of the XIX and the beginning of the XX century.

Key words: Russian empire, horticulture, new sort, fruit tree, fertility, fair, amateur gardener, types of apple, types of pears, natural hazard, railway, young trees, uncomfortable climate, Association of gardeners.

Ҳозирги даврда дунёда кечаётган демографик жараёнлар аҳоли сонининг кескин кўпайишига, экологик муаммолар ва бошқа омиллар туфайли озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг камайишига олиб келмоқда. Халқаро диетологлар тавсиясига кўра, инсон озиқ-овқат рационининг 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил қилиши керак. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти

И.А.Каримов 2014 йил 6 июнда мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзuidaги халқаро конференцияда: «Ўзбекистонда ҳар йили 16 млн тонна мева ва сабзавот етиштирилмоқда... Мева ва сабзавотларда инсон учун зарур бўлган кўплаб микроэлемент, витамин, биологик моддалар бор... Республикада узумнинг 175 нави, кар-



тошканинг 170 нави яратилган. Мева ва сабзавотлар етиштириш учун бизда қулай иқлимий имконият бор, 320 кун қуёшли бўлади»¹, – деб фикр билдирганди. Бугунги кунда Ўзбекистонда мевачилик тараққий қилиб, биз дунёнинг 80 давлатига 180 турдан ортиқ мева ва сабзавот экспорт қиляпмиз.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш, мева ва сабзавотларнинг янги навларини яратиш масалалари ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб қилиб қўйилмаганди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агро-саноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади»², – деб таъкидлаган эди.

Мева ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш, уларнинг янги, интенсив навларини яратиш, республика озиқ-овқат захиралари базасини мустаҳкамлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, халқ фаровонлигини ошириш, экспортни кенгайтириш, фермер хўжаликлари даромад манбаини кўпайтириш кабиларга хизмат қилар экан, мазкур тадқиқотимиз ҳозирги давр учун ҳам ўта долзарблик касб этади деб ҳисоблашга тўла асослар бор. Шунингдек, тарихий тажрибани ўрганиш, ундан сабоқ олиб истиқболни яратиш фаолиятимиз самарадорлиги гаровидир.

Россия империяси мустамлакачилиги йилларида (1867 – 1917) Туркистон минтақасига янги экин навлари кириб келиб, бу ўлка фауна ва флорасига ўз таъсирини ўтказди. Пахтачилик, донли экинлар билан бирга богдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик тармоқларида

янги навлар жорий қилинди ва тажриба-синовдан ўтказилди. Империя ўлкани ўз таъсир доирасига киритгунига қадар донли экинлар, пахтачилик, ипакчилик, қорақўлчилик каби деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари маҳаллий аҳоли хўжалигида етакчилик қиларди.

594 томдан иборат бўлган ва Туркистон тарихи, этнографияси, қишлоқ хўжалиги ва маданияти масалаларига оид бой манбаларни ўзида жамлаган «Туркистон тўплами»нинг аҳамияти шундаки, тўпламдан богдорчиликка оид, шунингдек, мевали экинларнинг ўлка бўйлаб тарқалган янги навлари ҳақида бой маълумотлар олиш мумкин.

Туркистонда богдорчилик соҳасидаги ўзгаришлар, мевали дарахтлар янги навларининг келтирилиши, уларни маҳаллий шароитга мослаштириш жараёни, уларнинг ҳосилдорлиги, бу йўналишда амалга оширилган хайрли ишлар натижалари билан боглиқ масалаларни «Туркистон тўплами»дан жой олган хабар, маълумот ва мақолалар таҳлили орқали кўриб чиқамиз.

Россия империяси ҳукумати иқлими қулай, турли-туман витаминларга бой ва мевали боглар яратиш мумкин бўлган Туркистон минтақасида имкониятларни чуқур ўрганиб чиқиш учун ўз мутахассисларини ўлкага юборди. Шунингдек, ўлканинг 1,5 млн десятина (1 десятина – 1,09 га – Ж.Х.) ерларини сунъий сугориш орқали деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ва бир неча минг десятина (600000 десятина) лалмикор, деҳқончиликка қулай майдонларда пахта, мева ва сабзавотлар етказиш чора-тадбирлари кўрилди.

«Богдорчиликни ривожлантириш, ҳашаротларга қарши кураш олиб бориш, маҳаллий аҳолига бу борада агротехник ёрдам кўрсатиш мақсадларида Туркистонга аввал жаноб Плесневич, кейинчалик эса жаноб Танатар махсус референт қилиб юборилди. Бу мутахассислар Туркистонда богдорчилик қилиш учун Қримдан ҳам қулай имконият бор деган хулосага келдилар»³. Бутун Туркистон ўлкаси учун 1-2 мутахассисни богдорчиликни йўлга қўйишга са-

¹ «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзuidaги халқаро конференцияда Президент И.А.Каримов нутқи (2014 йил 6 июнь) // Ватанпарвар. 2014 йил 13 июнь (№24).

² Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи). – Тошкент: Ўзбекистон. 2016. – Б.15.

³ Туринский. Туркестанское садоводство // Туркестанский сборник. Том 508. – С.198.



фарбар этиш етарли бўлмаслигини, истиқболда бу борада Россия империяси «Дехқончилик департаменти» (бўлими) кенг миқёсда иш олиб боришини тўпламдаги кўп сонли хабарлар орқали англаб олиш мумкин. «Марказ» вакиллари ўлкада мевали дарахтларнинг кўчатзорларини ташкил этиш, тажриба-синов станциялари очиш, бу борада махсус фирмалар фаолиятини йўлга қўйишда ташкилотчи бўлдилар.

1906 йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернаторлиги маркази Тошкентда «Туркистонда қишлоқ хўжалиги» («Сельское хозяйство Туркестана») журнали чоп этилиши, унда пахтачилик, асаларичилик, чорвачилик, ипакчилик, қорақўлчилик каби хўжалик тармоқлари билан бирга богдорчилик соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликлар эълон қилиб борилганлиги эътиборга лойиқ. «Туркистон қишлоқ хўжалиги ва саноат биродарлиги» уюшмаси орқали ярмаркалар ўтказилиб, Туркистон минтақасида етиштирилган мевалар намоиши ташкил этилгани муҳимдир.

«Туркистонда қишлоқ хўжалиги» журналида богдорчилик ҳақида мутахассисларнинг тажрибаси ва маслаҳатлари билан боглиқ кўпгина тавсия, хабар, мақолалар чоп этилган. 1900 йили Кавказдан Тошкент уездининг Никольский қишлоғига кўчиб келган, ўзининг мевали «саноат боғи»ни яратган Василий Семичь мазкур журнал маълумотларидан кенг фойдаланганлигини эътироф этади.⁴

Манбаларнинг маълумотича, Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида узумнинг 40 та нави, олма ва нокнинг 80 та нави, ўрик, олхўри, қароли, гилос каби меваларнинг ўнлаб навлари етиштирилган. Ҳатто ҳаваскор богбон П.И.Хомутов тропик ўсимлик ҳисобланган пальма дарахтини 15 йил парваришлаб, ярмаркалардан бирида намоиш этган.⁵

XX аср бошларида «Самарқанд богбонлари мактаби» вакиллари томонидан империянинг турли ҳудудлари (асосан Қрим ва Кавказ – Ж.Х.) ва хориждан келтирилган Бельфлерь,

Линкольская безсемьянка, Бере-Диль, Клержо каби олма ва нок навлари маҳаллий шароитга мослаштирилган.⁶

Чўлпон ҳаёти ва ижоди билан фаол шугулланган атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳам «Чўлпон» (1991) рисоласида шундай маълумотларни келтирган. Аммо олим шундай якуний фикрга келган: «Кўриниб турибдики, бу фикр (Чўлпоннинг зилзила пайтида тўрт ёшда бўлганлиги ҳақидаги фикр – Н.К.) анча ишонарли. Шунга қарамаздан, ҳозирча мен Чўлпоннинг таваллуд йилини 1897 йил деб белгилаш тарафдориман. Чунки бу сана 1934 йилда, яъни Чўлпон ҳаётлик вақтида нашр этилган «Қатга совет қомуси»нинг 61-жилдида (684-саҳифа) келтирилган... Ян Чўлпон ҳақидаги мақоласини шоирнинг ўзидан тасдиқлаиб олган».

О.Шарафиддиновнинг шу сўзларидан кейин нашр этилган илмий-оммабоп ва ўқув-педагогик адабиётда Чўлпон тугилган сана ҳанузгача 1897 йил деб келинади.

Қўқонлик фидойи адабиётшунос Рустамжон Тожибоев 90-йиллар аввалида Чўлпоннинг «Туркистонлик қардошларимизга» деган шеърини топиб, уни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1992 йил 9 октябрь сониди эълон қилган. «Садойи Туркистон»нинг 1914 йил 18 апрель сониди босилган бу шеър газета идорасининг куйидаги сўзлари билан муштарийлар эътиборига ҳавола қилинган экан: «Дунёнинг қайси бир четига кўз солсак ва қайси миллатнинг аҳволига назар қилсак, ул миллатнинг саодати, ривож ва тараққийси учун бошлаб шу миллатнинг ёшлари ва ёш фикрли қаҳрамонлари сабаб бўлмақдадирлар... Алҳамдулилло, бизим Туркистон турклари орасидан ҳам шундай ёшларимиз ва ёш фикрли болаларимиз кўринмакка бошлади. Далил учун ўшли 12 яшар М.Санжарбек афанди ила андижонли 15 яшар Абдулҳамид (таъкид бизники – Н.К.) афандини кўрсатув етса керак».

Газетанинг бу сўзларига қараганда, Чўлпон 1914 йилда 15 ёшда бўлган, яъни 1899 йилда тугилган. Лекин Чўлпон газета идорасига бу маълумотнинг нотўғри эканлигини маълум қилган бўлса керакки, орадан беш ой ўтгач, 1914 йил 24 сентябрда «Садойи Туркистон» газетаси Чўлпоннинг Гаспринский вафотига бағишланган шеърини чоп этиб, шеър тагига «Андижон, **16 ёшлик толиб**» (таъкид бизники – Н.К.) деган имзони қўйишни лозим топган. Бу Чўлпоннинг 1898 йили дунёга келганини тасдиқловчи ҳозирча сўнгги маълумотдир.

Дарвоқе, «Ўзбекистон миллий энциклопедия»сининг «Ч» ҳарфи ўрин олган 9-жилди (2005) материалларини тайёрлашда каминанинг тақлифи инобатга олиниб Чўлпоннинг таваллуд санаси «1898 йил» деб берилган.

Улуг ўзбек шоири, замонавий ўзбек адабий тилининг асосчиларидан бири Чўлпон ҳаёти азоб-уқубат водийсида кечди. Назаримда, 1898 йилдаги Андижон зилзиласи шоир бошида фалокат изинигина қолдирмай, ҳаёт риштасининг бошқа бир зилзила – 1938 йилда қатагон қиличи билан узилишидан ҳам дарак бергандек бўлади...

Шоир бор-йўғи 40 йил яшади. Аммо у шу 40 йилда 40 та ёзувчи қилиши мумкин бўлган ишни бажариб улгурди. У тугилган санани 1897 йил эмас, балки 1898 йил деб белгиласак, Чўлпон учун энг азиз ва муқаддас нарса – Адолат ҳазратлари кечикиб бўлса-да тантана қилган бўлади.



ТЕМУРШУНОСЛИККА ҚЎШИЛГАН САЛМОҚЛИ ҲИССА

(Равшанов П. Темурийлар силсиласи: тарихий роман.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 480 б.)

О.Бўриев, Қарши давлат университетининг профессори,
Г.Равшанова, тарих кафедрасининг катта ўқитувчиси

Жаҳон ва Ватанимиз тарихида ҳазрати Амир Темур (1336 – 1405) асос солган буюк салтанат ўзига хос салмоқли ўринга эгадир. Соҳибқирон ва унинг ворислари Туркистон, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Араб дунёсида бир ярим асрга яқин ҳукм суриб, марказлашган салоҳиятли туркий давлат ташкил этишган эди.¹

Бу «олтин давр» «Темурийлар Ренессанси» («Мусулмон Ренессанси», «Шарқ Ренессанси») номи билан тарихга абадий муҳрланди. Таниқли темуршунос олим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али таъкидлаганидек: «Амир Темур тарихи ёлғиз бир шахс тарихи эмас, у бусбутун миллат, мамлакат, демакки, жаҳон тарихидир» (Муҳаммад Али. Буюк тарих сабоқлари // Ўзбекистон овози. 2007 йил 1 ноябрь).

Ўтган даврда жаҳон ва Ватан тарихида темуршунослик йўналиши шаклланиб, бу устувор мавзуда Ғарбда мингдан зиёд, Шарқ оламида эса икки мингдан ортиқ асарлар нашр этилди (Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркало мировой науки. – Ташкент, 1999). Бу

соҳада илмий тадқиқотлар сони тобора ошиб бормоқда. Юртимизда ҳам XIV аср охирида Ғиёсиддин Алининг «Ҳиндистонга юриши кундалиги» (1399) асари яратилганидан бошлаб ҳозиргача бу йўналишда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда истиқлолдан сўнг салмоқли изланишлар олиб борилдики, бу алоҳида ва кенг қамровли илмий таҳлилни талаб қилади, албатта.

Аммо шўролар даврига назар ташласак, бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш асосан ҳукмрон мафкура измида эди. 1941 йил июнида Соҳибқирон ва авлодлари хилхонаси очилиб, руҳлари безовта қилинди. Лекин Қизил империя тазйиқларига қарамай, бу йўналишда маълум изланишлар ҳам олиб борилди.

1948 йили шарқшунос М.Абдураимов «Темур ва Тўхтамиш» мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлади ва бу иш «Шарқ юлдузи» журналида (1999 йил 11-сон) босилди, кейинчалик рисола

«Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аجدодларимиз бор».

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев**

шаклида нашр этилди (Тошкент, 2001). Устоз академик И.Мўминовни Москвага сотганлар ҳам, ёмонотлиқ қилганлар ҳам ўзимизнинг ўша пайтдаги «ёш шарқшунос»ларимиз экан. Афсуски, уларнинг барчаси бу ёруғ дунёдан ўтганлиги сабабли исми-шарифларини келтиришдан ўзимизни тийишни лозим топамиз.

1968 йил 5 июнда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъатининг кенгайтирилган йигилишида академик И.Мўминов «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва

¹ Халқ сўзи. 2017 йил 26 май.



роли» мавзуида маъруза қилди ва кўп ўтмасдан мазкур маъруза рисола шаклида нашр этилди (Тошкент, 1968. Рус тилидан Н.Гойибов таржима қилган). Ушбу мўъжаз рисола ҳақидаги тарихий ҳақиқат Н.Гойибовнинг «Донишманд» китобида муфассал ёритилган (Гойибов Н. Донишманд. – Тошкент, 2008). Ўтган йили таниқли тарихнавис олим профессор Ҳ.Бобобековнинг Турон Фанлар академияси ахборотномасида бу ҳақдаги хотиралари босилиб чиқди (Турон ФА Ахборотномаси. 2016. №3. – Б.93 – 102).

Рус олимлари Б.Д.Греков, А.Ю.Якубовскийнинг «Олтин Ўрда ва унинг қулаши» номли салмоқли китоби нашр этилди (Тошкент, 1956). Мазкур асардаги Амир Темур давлатининг қучайиши тўғрисидаги бўлимни А.Ю.Якубовский ёзган.

1967 йили Алихон Тўра Соғуний (1885 – 1976) томонидан «Темур тузуклари» форс тилидан ўзбекчага ўгирилиб, парчалари «Гулистон» журналининг 8-сонида босилиб чиқди ва тезда тўхтатиб қўйилди.

Рус тилида Н.Остроумов раҳбарлигида «Темур тузуклари»нинг факсимил варианты (1899) академик И.Мўминов сўзбошиси билан 1968 йили қайта нашр этилди, аммо дарҳол китоб дўконлари пештахтасидан йигиб олинди. «Темур тузуклари»дан парчалар шарқшунос Ҳ.Кароматов томонидан 1989 йили Алихон Тўра Соғуний таржимаси асосида «Шарқ юлдузи» журналининг 8-сонида босилган эди. Бу асар рисола шаклида 1991, 1996 йилларда нашр этилди. Кейинчалик биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг мухтасар сўзбошиси билан 2011 йилда ва кейинги йилларда ҳам янгитдан чоп этилди.

Шарқшунос олим У.Уватов, қийинчиликларга қарамай, машҳур араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) асари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади (1974). Кейинчалик бу асосида Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» номли икки жилдли салмоқли китоби ҳам нашр этилди (Тошкент, 1992).

Профессор О.Тогаев Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самар-

қандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар)»ни (М.М.Срезневский нашридан, 1881) русчадан таржима қилиб, «Санъат» журналининг 1989 йил 9 – 12-, 1990 йил 1 – 10-сонларида нашр эттирди. Ушбу кундаликлар таниқли журналист М.Сафаровнинг саъй-ҳаракатлари туфайли алоҳида китоб шаклида босилиб чиқди (Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар). – Тошкент, 2010).

Ўтган асрнинг 60-йилларида академик И.Мўминов ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида ташкил этилган Амир Темур тарихи ва манбаларини ўрганиш бўлими ҳам ёпиб қўйилди. 1969 йил сентябрь ойи бошида ЮНЕСКО томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган Амир Темур ва темурийлар давридаги Марказий Осиё санъати ва маданиятини ўрганиш бўйича халқаро илмий конференция ҳам ёпиқ эшиклар остида ўтказилди.

1972 йили Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари 1500 нусхада чоп этилди, бир қисми сотувга чиқмасдан китоб дўконларидан йигиб олинди. 60-йилларда Ю.Ҳакимжонов томонидан форс тилидан таржима қилинган Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари ҳам ёруғ дунёни кўрмади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида собиқ Иттифоқ миқёсидаги марказий ва республика-миз нашрларида Амир Темур шахсига қарши А.П.Новосельцев, М.Абдурахимов, Р.Набиев, М.Ваҳобовнинг мақолалари нашр этилди. Соҳибқироннинг «саводсиз», «босқинчи» бўлганлиги Н.Маллаев, Г.Ҳидоятлов, М.Исҳоқова, В.Костецкий асарларида ҳам баён қилинди. Ваҳолонки, бу даврда хорижда Амир Темур ва темурийлар тарихи бўйича кўплаб асарлар яратилган эди (Х.Ҳукхэм, Ф.Манс, Е.Росс, Р.Гроссе, Ханс Роберт Ремер, Л.Керен, С.Россати, Жан Поль Ру, Б.Форбес, Ж.Вудс ва бошқалар).

Йирик библиограф олим Б.В.Лунин 60 – 70-йилларда Амир Темур ва темурийлар даври тарихнавислигига оид тадқиқотлари рўйхатини нашр эттирди, библиографик кўрсаткич тузди ва таснифлади.



Машҳур можар сайёҳи ва олими Ҳ.Вамберининг Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўз ичига олган («Амир Темур», «Темурнинг шахси, саройи ва турар жойи», «Темурийлар») «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китоби ҳам нашр этилди (тўпловчи С.Аҳмад. – Тошкент, 1990).

Ўтган XX аср 80-йиллари ўрталарида собиқ Иттифокда бошланган ошкоралик эпкинлари ўтмиш тарихимизни, хусусан, Амир Темурнинг бой тарихий меросини ўрганишга ҳам қулай шарт-шароитлар тугдирди. Соҳибқирон тарихини ўрганишда бобокалонимизнинг юртдошлари қашқадарёликлар яловбардорлик қилишган десак асло муболага бўлмас. Буни ўша вақтдаги Қашқадарё вилоятининг биринчи раҳбари И.А.Каримов ҳам тўла қўллаб-қувватлаган эди (Бу ҳақда батафсил қаранг: Равшанов П. Қашқадарё истиқлол арафасида: 1986 – 1989. – Тошкент, 2003; Авлоднома. – Тошкент, 2017).

У.Уватов, О.Тогаевнинг сермазмун нашрларидан сўнг ҳозирги Қарши давлат университетининг профессори Поён Равшановнинг «Ёшлик» журнали 1989 йил 10-сонидан босилган «Соҳибқирон муҳри» мақоласи катта қизиқишга сабаб бўлди. Олим кўп ўтмай Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарини нашрдан чиқарди. Бу китоб 1990 – 1991 йилларда икки юз мингдан, икки йилда жами тўрт юз минг нусхада босилиб чиқди. Бу шаклланаётган темуршуносликда катта воқеа эди (Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Қўрагон жангномаси / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва лугат муаллифи П.Равшанов. – Тошкент, 1990, 1991).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Поён Равшановнинг 50 йилдан зиёд илмий-ижодий фаолиятига назар ташласак, унинг истиқлолдан сўнг темуршунослик соҳасидаги тадқиқотлари анча салмоқли эканлигига гувоҳ бўламиз. Мустақиллик йилларида ниҳоятда бу сермахсул олимнинг ушбу йўналишдаги кўплаб салмоқли китоблари нашр этилди: «Завол» (Тошкент, 1991), «Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси» (ҳам-муаллифликда. – Тошкент, 1991), «Амир Темур

ватани» (Қарши, 2001), «Темурбек ва амир Ҳусайн қиссаси». Достонлар (Қарши, 2005), «Амир Темур сулоласи» (Тошкент, 2014, 2015), «Оқсарой тарихи» (Тошкент, 2016), «Темурийлар силсиласи» (Тошкент, 2017).

Шунингдек, олимнинг «Қашқадарё тарихи» (Тошкент, 1995), «Туркий қавмлар тарихи» (Тошкент, 1995), «Нахшаб ва Кеш тарихи манбалари» (Қарши, 2005), «Қарши тарихи» (Тошкент, 2006), «Шаҳрисабз тарихи» (Тошкент, 2011), «Султон Мир Ҳайдар Ота даражоти» (Тошкент, 2014) ҳамда «Сайланма» (1-жилд. – Тошкент, 2005; 2-жилд. – Тошкент, 2006; 3-жилд. – Тошкент, 2011) китобларида ҳам темурийлар тарихи ҳақида теран мулоҳазалар мавжуд. Бунга олимнинг кўплаб газета, журнал ва илмий тўпламлардаги мақолалари кирмайди, албатта. Унинг 60 дан зиёд салмоқли китоблари, нашр этилган барча мақола, шеърӣ манзума ва илмий тадқиқотлари мухтасар рўйхати тузилса ўзи бир катта рисола бўлиши табиийдир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўз вақтида таниқли темуршунос олим П.Равшановнинг сермахсул ижодига юксак баҳо берган эди: «Мен Поён Равшановни жуда ҳурмат қиламан. Фидойи олим, ҳақиқий ватанпарвар. Унинг асарлари орқали ёшлар тарихимизни билиб олади. Умуман, мактабларда унинг асарлари фан қилиб ўқитилиши керак» (Равшанов П. Авлоднома: мемуар роман. 1-2 к. – Тошкент, 2017. – Б.609).

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ҳам устоз Поён Равшановнинг самарали ижоди ва илмий изланишларини эътироф этган: «Поён Равшанов «Қашқадарё тарихи»ни яратиб, инсоф юзасидан айтиш жоизки, ўзига ҳайкал тиклади. Бу салмоқли асар воҳанинг қарийб уч минг йиллик кечмишини қамрайди. Бу хилдаги китобларни ёзиш учун билимдан ташқари катта қалб, юртга буюк муҳаббат бўлмоғи лозим, албатта. Дўстимизда булар жамулжам» (Кўрсатилган асар. – Б.660).

Поён Равшановнинг кейинги «Темурийлар силсиласи» (Тошкент: Янги аср авлоди, 2017) номли салмоқли китобига алоҳида тўхталадиган бўлсак, асар муқаддима, ўн бўлим ва хотимадан иборат. Китобдан «Тарихни ўзгартирган



малика», «Тахт гурбати», «Қаттол тож. Захр-луд май», «Болакай шоҳ қисмати», «Тахт ё тахт! Завол», «Падаркуш ва интиқом», «Саратондаги бўрон», «Султон Абу Саъид Мирзо», «Ҳусайн Бойқаро Мирзо», «Бошбошдоқлик ўпқони ёхуд сулола интиқоси» каби ранг-баранг, сермазмун боблар ўрин олган.

Романда XV асрнинг иккинчи ярми Шоҳрух ва Улуғбек Мирзолар вафотидан сўнг Туркистон ва Хуросонда подшоҳлик қилган темурий-зодалар, уларнинг тожу тахт йўлидаги ўзаро курашлари, қисмати алоҳида мавзу қилиб олинган. Асарда тарихий манбалар асосида даврнинг ўта чигал манзараси, парокандалик, қаттоллик сабаблари баён қилинган.

Китобга 1447 йилдан то 1507 йилга қадар кечган воқеа-ҳодисаларда Гавҳаршод Бегим, Улуғбек Мирзо, Алоуддавла, Иброҳим Султон, Абулқосим Бобур, Шоҳ Маҳмуд, Абдуллатиф, Абдуллоҳ, Султон Аҳмад, Абу Саъид, Ёдгор, Ҳусайн Бойқаро, Султон Муҳаммад, Умаршайх, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бойсунгур, Султон Али Мирзо иштироки, тутган ўрни тадқиқ ва тасвир доирасига киритилган. Нуфузли маккор маликалар Ҳадича ва Зухрабегим қиёфаларига ҳам чизгилар берилган.

Китобда муаллиф мавзу доирасида туркман, мўғул ва Дашти Қипчоқ сардору хонлари тажовузи, ички ишларга аралашуш манзараларини ҳам ёритишга интилган. Йўл-йўлакай Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ҳам мушоҳада юритган. Туркман сардори Жаҳоншоҳ, Амир Ҳасанбек, мўғул хонлари Юнусхон, Султон Маҳмудхон, Дашти Қипчоқдан Абулхайрхон ва Муҳаммад Шайбонийхоннинг Туркистон ва Хуросон ички ишларига аралашуви ва мамлакатни эгаллаш, талаш йўлидаги гаразли ишлари, қўшин тортиб келишлари, мўғулларни ва эл-улусни танг аҳволга солиб қўйишлари баён этилган.

Тақриз қилинаётган китобдан ҳозирги давргача муфассал ёритилмаган Ёдгор Мирзо, Муҳаммад Жўғийга ҳам саҳифалар ажратилган. Ёдгор Мирзонинг тарихи, унинг Ҳирот тахтини эгаллаш сабаблари бирламчи манбалар асосида баён этилган. Абдуллатиф Мирзонинг ўгли Муҳаммад Жўғийнинг Туркистондаги узоқ давом

этган исёнлари, Абу Саъид Мирзо ҳокимиятига жиддий тўғаноқ бўлганлиги, унга қарши олиб борилган курашлар моҳияти очиб берилган.

Асарда мумтоз адабиётимиз тарихида темурийларни танқидий равишда тасвирлаш «Шайбонийнома» муаллифи Муҳаммад Солиҳнинг отаси Абу Саъид Мирзо ривоят қилган Нур Саъидбекнинг хатти-ҳаракатлари теранроқ ёритилган. Шоирнинг темурийзодалардан юз ўгириши, Шайбонийхон хизматига кириб уни кўкларга кўтариб мақташи сабаблари ҳам янада ёрқин баён этилган.

Темурий мирзоларнинг муросадан узоқлиги, муттасил ёвлашуви ташқи тажовуз ва бекликларга йўл очганлиги, натижада Соҳибқирон Амир Темур асос солган буюк салтанатнинг емирилиши, интиқосига сабаб бўлганлиги теран талқин этилган. Ушбу «Темурийлар силсиласи» романи олимнинг 2014 – 2015 йилларда нашр этилган «Амир Темур сулоласи» китобининг мантикий давоми сифатида темурийлар тарихи, қолаверса, Ватанимиз ўтмиши ва кечмиши билан қизиқувчиларга мўлжалланган. Демакки, П.Равшановнинг бу иккала салмоқли китоблари кўп йиллик сермашаққат меҳнати самараси ҳисобланади.

Муаллиф ўз китобида таъкидлаганидек: «Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари кечмишига академик И.Мўминовнинг машҳур рисоласи сабаб қизиқиб қолганман ва бу туйғу ҳамон қалбимда жўшқин оқим янглиг далда ва даъват боиси бўлиб келади. Халқимиз кечмишини уммондан томчилаб йиққаним, ўзимча шаффоф ва зилол деб билганим икки ҳовучини – икки китобни сизга илиндим» (Амир Темур сулоласи. – Б.8).

Китобнинг хулоса қисмида таъкидланганидек, «Буюк Амир Темур бобомиз бунёд этган, овозаси дунёни тутган, миллатимиз довруғини ёйган, аҳли жаҳонни бир сира тан олдирган, тараққиёт ва адолатнинг мезони даражасига кўтарилган салтанат тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб, мангулик қаҳқашонида муқим қолади» (Темурийлар силсиласи. – Б.475).

Хуллас, буюк Соҳибқирон Амир Темур ва авлоди тарихи – ҳаёт сабоги, унинг мутолааси ке-



лажак йўлимизни ёритади, олга боришимизда муҳим таянч вазифасини бажаради. Шу боисдан таниқли олим Поён Равшановнинг «Темуррийлар силсиласи» номли китоби Ўзбекистон темуршунослигига қўшилган салмоқли ҳисса десак асло муболага бўлмайди.

Устоз Поён Равшановнинг ҳар бир китоби ва асаридаги мавзулар ниҳоятда долзарб, рангбаранг бўлиб, бири иккинчисини асло такрорламайди, китобхонларда катта таассурот қолдиради. Устознинг огзаки (воизлик) ва ёзма нутқлари ҳам бир хил, яъни уйғун ҳолатда, ниҳоятда юксак даражададир. Бундай фазилатларни санокли олимлардагина учратиш мумкин. Ҳозирги пайтда бундай нуктадон олимлар сирасига У.Уватов, А.Саидов, Р.Сулаймонов, Р.Шамсутдинов, А.Эркаев каби ижтимоий фанлар соҳасининг етук вакиллари ҳам кириштиш мумкин.

Мамлакатимизнинг таниқли олими П.Равшановнинг номи кўпчиликка яхши таниш, юртимизда китоблари кириб бормаган хонадон йўқ деярли. Шу боисдан ҳам таниқли олимнинг сермахсул ижоди ва изланишлари бўйича махсус рисоалар, китоблар яратса арзийди. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2016 йил 16 ноябрда Шаҳрисабз туманида Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги

нутқида воҳамиз олимлари ичида биринчи бўлиб Поён Равшановнинг номини чуқур эҳтиром билан тилга олди (Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент, 2017. – Б.311).

Устоз Поён Равшанов улугъ ёшда бўлса-да, тинмай самарали илмий изланишлар билан машғул бўлиб, ҳар йилда камида 2-3 та салмоқли китоб нашр эттирмоқда, тадқиқотчиларга самимий маслаҳатларини асло аямайди. Домланинг изидан борган вилоят тарихчилари (М.Азизов, А.Ҳ.Чориев, О.Бўриев, И.Шоймардонов, Н.Хушвақтов, Б.Мамадиев, К.Султонов, Ғ.Равшанова) ва адиблари (И.Тўхтамишев, Муҳаммад Очил, Шарофат Ашурова, Ҳ.Сатторий, Қ.Абдинабиев, Ж.Халил, Ғ.Мирзо, А.Эргашев, Б.Ҳайдаров) темуршунослик йўналишида салмоқли изланишлар олиб боришиб, кўплаб сермазмун асарлар яратишди.

Фурсатдан фойдаланиб таниқли олим ва адиб, дили, сўзи ва ўзи пок устоз Поён Равшановга Яратгандан узоқ умр, танисихатлик, оилавий тўқислик, ижодига баракотлар тилаймиз. Келгусида янгидан-янги салмоқли асарлар кутиб қоламиз. Бу эзгу ишларида буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг руҳлари доимо мададкор бўлсин деб тилак билдирамыз.

ҚИРҒИЗИСТОНЛИК ЎЗБЕК ФИДОЙИЛАРИ ҲАҚИДА КИТОБ

(Қирғизистон равнақи фидокорлари (қирғиз, ўзбек, рус тилида) /
Таҳрир ҳайъати раиси Б.Жўраев. – Ош: Ризван, 2017. – 336 б.)

Музробжон Абдуллаев, тарих фанлари номзоди, доцент

Қирғизистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 январдаги фармони билан 2017 йил «Маънавият, тарбия ва маданият йили» деб эълон қилинди, 2017 йил 26 октябрдаги фармони билан 7 ва 8 ноябрь «Тарих ва аجدодларни хотирлаш кунлари» сифатида байрам қилинадиган бўлди.

Бу йилда амалга оширилиши лозим бўлган махсус дастур доирасида қирғиз, ўзбек ва рус тилларида «Қирғизистон равнақи фидокорлари» номли катта ҳажмдаги китоб нашр этилди. Бу китоб тарихий-биографик мазмунда бўлиб, унда қирғизистонлик ўзбек фидойилари ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар жамланган.

Биографик китоб кириш сўзи, 7 бўлим ва алоҳида боблардан иборат бўлиб, бўлимлар мазмуни қуйидагича:

1-бўлим «Совет ҳокимиятини ўрнатишда фаол қатнашган арбоблар»; 2-бўлим «Совет Иттифоқи ва Қирғизистон Қаҳрамонлари»; 3-бўлим «Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари», 4-бўлим «Давлат ва жамоат арбоблари», 5-бўлим «Ишлаб чиқаришнинг йирик ташкилотчилари», 6-бўлим «Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот, қурилиш ва автотранспорт тармогида фаолият юритган арбоблар», 7-бўлим «Таниқли олимлар ва диний уламолар». Шунингдек, китобнинг алоҳида бобларида қирғизистонлик ўзбек адабиёти намояндалари, ўзбекча босма нашрлар ва уларнинг ходимлари, Ўзбек миллий маданий маркази, Ўш шаҳридаги Бобур номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрининг таниқли намояндалари, таниқли ўзбек спортчилари ва спорт мураббийлари, таниқли ўзбек рассомлари ҳақида маълумотлар берилган.

Қирғизистонда ўзбек халқи бошқа халқлар қатори қирғиз халқи билан асрлар давомида бирга яшаб келган, биргаликда янги жамият, янги давлат қуришган, тарихда огир ва аянчли кунларни бирга бошдан кечиришган, ватанни ташқи душманлардан ёнма-ён туриб ҳимоя қилишган, биргаликда иқтисодни тиклаб, ривожлантиришган, ГЭСлар, янги шаҳар ва қишлоқлар, завод ва фабрикалар қуришган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида қирғизистонлик ўзбеклар бутун совет халқи билан елкама-елка туриб фашист босқинчиларига қарши мардонавор жанг қилишган. Қирғизистонлик ўзбекларнинг уруш жанггоҳларидаги жасоратлари ва фронт ортидаги матонатли меҳнати совет ҳукумати томонидан муносиб баҳоланган. Бу китобга Қирғизистоннинг ўзбек миллатига мансуб ўтил-қизларидан 4 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 1 нафар «Шуҳрат» орденининг тўлиқ кавалери, 34 нафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (улардан бири бу унвонга икки марта сазовор бўлган), 2 нафар Қирғизистон Республикаси Қаҳрамони киритилган.

Китобга Қирғизистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш даврида «инқилобий» ҳаракатлар бошида турганлар, бу йилларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўзининг фидокорона меҳнатлари билан келажак пойдеворини қурганлар, Иккинчи жаҳон уруши йилларида

фронторти ишларида меҳнат қилиб галабага ўз хиссасини қўшган фидойи инсонлар, урушдан кейинги йилларда иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш ишларида ном қозонган қишлоқчилик ҳақида ҳикоя қилинади.

30-йиллардаги колхозлаштириш ва саноатлаштириш, урушдан кейинги тиклаш давридаги хўжалик ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда илгорларнинг янги авлоди шаклланди. Айниқса, қирғизистонлик ўзбеклар орасидан шундай колхоз раислари, агроном ва бригадирлар етишиб чиқдики, улар Қирғизистонда пахтачиликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда катта довруқ қозонганлар. Ўша йилларда йиллик ва беш йиллик режаларни ошириб бажариш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, пахта етиштириш бўйича ҳосилдорликни йил сайин ошириб бориш ўзига хос фахрга айланган эди. Раислар, бригадирлар, агрономлар, колхозчилар, мироблар, механизаторлар ва бошқа мутахассисларнинг жонбозлиги билан Қирғизистонда пахта етиштириш ва унинг ҳосилдорлиги йил сайин ошиб борган. Ўтган асрнинг 40-йилларида республикада гектаридан 8 – 12 центнердан пахта олинган бўлса, 50 – 60-йилларда бу кўрсаткич 20 – 28 центнерга кўтарилган, 70-йилларга бориб республика бўйича йилига 205 – 215 минг тоннадан пахта етиштирилган.

Пахтачилик бўйича ишлаб чиқариш илгорлари, Иттифоқ даражасида рекорд ҳосил етиштирган қирғизистонлик ўзбек пахтакорлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар, совет ҳукуматининг орден-медаллари билан тақдирланганлар. Қаҳрамонларнинг катта рўйхатидаги икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алла Аноров алоҳида айтиб ўтиш жоиз. У 1907 йили Аравон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида таваллуд топган. Коллективлаштириш даврида колхозга биринчилардан аъзо бўлиб кирган. 1948 йили у бошқарган пахтачилик звеноси ҳар гектар ердан 100,9 центнердан пахта етиштириб бу соҳада рекорд ўрнатган. 1949 йили ҳосилдорлик 70,5 центнерни, 1950 йили эса 88,5 центнерни ташкил қилган. Пахтачиликда рекорд натижаларга эришгани учун Алла Аноровга 1948 йили

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган, 1951 йили эса бу унвонга иккинчи марта сазовор бўлган.

Китобда таниқли раислар қаторида Аравондан Ҳайитбой Аноров, Тўйчи Кўчибоев, Аъзамхон Саидаҳматов, Қорасув районида Турсунали Сулаймонов, Убайдулла Содиқов, Эшонхон Раҳмонов, Шермамат Абдуллаев, Абдурашид Парпиев, Олимжон Юнусов каби ўнлаб Меҳнат Қаҳрамонлари номлари келтирилган.

Қирғизистонлик ўзбеклар саноатни тиклашда, қўриқ ерларни ўзлаштиришда, халқ хўжалигини ривожлантиришда фаол иштирок этиб, бу соҳада довруқ қозондилар. Айни пайтда, ўзбеклар партия, давлат бошқаруви органларида ҳам самарали ишлаб, катта тажриба тўплаганлар. Китобда район, шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимида фаолият кўрсатган ўзбеклардан Ҳасан Камолов, Мухтор Исақулов, Маматқозим Эргашев, Муҳаммаджон Охунов, Исмадулла Мамажонов, Меҳнат Қаҳрамони Халил Мирабдазизов, Обиджон Тожибоев, Шўхратбек Аҳмедовнинг ҳаёт йўли келтириб ўтилган. Шунингдек, китобда Қирғизистоннинг мустақиллиги йилларида давлат-бошқарув, хўжалик соҳаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган ва фаолият кўрсатаётган ўзбеклар ҳақида атрофлича маълумот берилган.

Қирғизистонлик ўзбеклар фан, маданият, маориф, адабиёт, тасвирий санъат, театр ва кино соҳаларида, спортни ривожлантириш жабҳаларида ҳам фаол иштирок этишмоқда. Фаннинг турли йўналишларида ўзбеклар орасидан дунё миқёсида тан олинган профессорлар, академиклар етишиб чиққан. Улар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик Мирсаид Миррахимов, Қирғизистон Қаҳрамонлари профессор Эрнст Акрамов, фазогир-учувчи Солижон Шарипов, космик кашфиётчи, Давлат мукофоти совриндори академик Муҳаммаджон Мамасаидов алоҳида ўрин тутди.

Ўзбеклар адабиёт, санъат, шеърят, матбаачилик соҳаларида фаол ижод қилишмоқда. Биографик китобда Қирғизистонда ном қозонган ёзувчи-шоирлар, рассомлар, журналист ва матбаачилар, театр ва кино арбоблари ижодий

фаолияти ва ютуқлари ҳақида кенг маълумот берилган. Айниқса, Ўш шаҳрида фаолият кўрсатаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Давлат академик ўзбек мусиқали драма театри фаолияти, бу театрда етишиб чиққан таниқли ўзбек театр ва кино арбоблари фаолиятига кенг ўрин берилган. Шуниси муҳимки, бу театрда фаолият кўрсатган ўзбек санъаткорларидан 11 нафарига «Қирғизистон халқ артисти» унвони берилган.

Қирғизистонда спортни ривожлантиришда катта ҳисса қўшганлар, жумладан, бокс бўйича етти карра жаҳон чемпиони Орзубек Назаров, халқаро тоифадаги ФИФА рефериси Баҳодир

Қўчқоровнинг бу соҳадаги ютуқлари китобда батафсил ёритилган.

Умуман, қирғизистонлик таниқли давлат ва жамоат арбоблари ва журналистларидан иборат таҳририй кенгаш томонидан тайёрланган бу китобни жуда катта илмий янгилик деб баҳолаш мумкин. Бу китоб Қирғизистон тарихида ўзига хос ўрин тутган, уни ривожлантиришга ўзининг муносиб хиссасини қўшган ўзбеклар фаолиятини ёритишда муҳим манба вазифасини бажаради. Қуйида эл-юрт ҳурмат ва эҳтиромини қозонган, халқнинг ардоғида азирумукаррам сиймолардан икки нафари ҳақида қисқача маълумот беришни лозим билдик:



Эргашев Маматғози (1929 – 2003) – таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўш вилояти Новқат тумани Янгиновқат қишлоғида 1929 йил 15 сентябрда туғилган. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган, Новқат тумани ёшлар ташкилотининг биринчи котиби, Новқат туман ижроқўми раиси ўринбосари, раиси, Сузоқ, Ленин, Қорасув партия қўмиталари биринчи котиби бўлиб самарали фаолият кўрсатган. 1981 – 1992 йилларда вилоят мева-сабзавот хўжалиги, касаба уюшмаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. Мамлакат ва халқ олдидаги ҳизматлари юқори баҳоланиб, давлат ва ҳукумат орденлари билан тақдирланган, 1992 йили нафақага чиққан.

Маматғози Эргашев 2003 йил 5 сентябрда Ўш шаҳрида вафот этган.

Отахонов Комилжон – 1930 йили Жалолобод вилояти Кўкёнғоқ шаҳрида шахтёрлар оиласида туғилган. Ўрта мактабни битиргач Қирғизистон давлат тиббиёт институтига ўқишга кирган, уни 1952 йили тамомлаган. Жалолобод вилояти Октябрь тумани касалхонасида фтизиатр бўлиб меҳнат фаолиятини бошлаган. Кўкёнғоқ шаҳар касалхонасида хирург, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудири, шаҳар касалхонаси бош шифокори, 1959 йили Ўш ва Жалолобод вилоятлари бирлаштирилганда Ўш вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудири, 1964 – 1985 йилларда Ўш вилояти соғлиқни сақлаш бўлимини бошқарган, 1985 йилдан Ўш вилоят сил касалликлари диспансерининг бош шифокори, 1998 йили Ўш давлат университетида кафедра мудири, профессор, 2005 йилдан Қирғизистон давлат тиббиёт институтининг врачлар малакасини ошириш факультети декани бўлиб ишлаган. У Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган врач, тиббиёт фанлари номзоди, 67 та илмий асарлар, мақолалар муаллифи. Унинг хизматлари юқори баҳоланиб давлат ва ҳукуматнинг қатор орден ва медаллари билан тақдирланган.



ТАРИХНАВИС МУҲАММАДЖОН АБДУРАҲМОНОВНИНГ ЁДИ

А.Мўминов, А.Ташанов, Н.Т.Полвонов, М.Хўжаев (ЎзМУ)

Ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишида миллий қадриятларимиз, тарбиявий аҳамиятга эга урф-одатларимизнинг ўрни беқиёс. Шу каби анъаналарни ёш авлод онгига сингдиришда Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети «Маънавият асослари ва диншунослик» кафедраси профессори Муҳаммаджон Абдураҳмоновнинг ҳам ҳиссаси катта.



Муҳаммаджон Абдураҳмонов 1949 йил 17 августда Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти Сўзоқ қишлоғида тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини 1973 йили тугатган. 1979 йилдан бошлаб Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг «Ижтимоий фанлар» кафедраси ўқитувчиси, 1994 – 1998 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институти «Марказий Осиё халқлари тарихи» кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсатди. Илмий-педагогик фаолиятида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта роль ўйнайди. У 1998 йилдан то умрининг охиригача ушбу қутлуг даргоҳда фаолият кўрсатди.

Дастлаб университетнинг Фалсафа факультети «Маънавият асослари» кафедраси доценти, 2000 йилдан «Маънавият асослари ва диншунослик» кафедраси мудири ва профессори

каби масъул лавозимларда самарали иш олиб борди.

М.Абдураҳмонов 1990 йили номзодлик, 2005 йили докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олимнинг илмий фаолиятида Аҳмад Заки Валидий илмий меросини ўрганиш катта аҳамият касб этади. У 2005 йил июлда «Аҳмад Заки Валидий Туркистондаги илмий фаолияти» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олимнинг бу мавзуда «А.З.Валидий Тўғоннинг Туркистон илмий сафарлари (1913 – 1914 й.)» (Тошкент: Фан, 1997), «А.З.Валиди: поиск истоков истории по духовному наследию Туркестана» (Тошкент: Янги аср авлоди, 2000) рисоалари ҳамда «Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане» монографияси (Тошкент: Фан, 2004) чоп этилди.

Олим сўнгги йилларда Аҳмад Заки Валидий Тўғон илмий меросига яна қайтиб, унинг маш-



хур хотираларини ўзбек тилига таржима қилди. «Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи» номи билан 2014 йили «Истиқлол нури» нашриётида 612 бет ҳажмда 500 нусхада нашр этилиши Ўзбекистонда тарих фани соҳасида муҳим воқеа бўлди.

М.Абдурахмонов илмий меросини сарҳисоб қилар эканмиз, олим 15 дан ортиқ турли рисола, монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар ҳамда 200 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар ёзганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг Валидий ҳақидаги асарларидан ташқари «Қутадуғу билиг – тарихий манба» (1994), «Маънавий салоҳият» (2007), «Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислохотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболи» (2010), «Маданиятшунослик» (2011) каби китоблари пойтахтдаги илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди ва муносиб баҳоланди.

Олим Туркия, Россия ва бошқа давлатларда ўтказилган турли халқаро конференцияларда ўз маърузалари билан қатнашган. Хусусан, Валидийнинг юрти бўлган Бошқирдистон пойтахти Уфа шаҳрида ўтказилган «Валидий ўқишлари» ва бошқа халқаро анжуманларда мунтазам равишда фаол иштирок этди. Олим кўплаб шогирдларни ҳам етиштириб чиқарди.

Ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган олимларнинг ҳаётий сабоқлари ёшлар маънавиятида катта аҳамиятга эга. Ҳаёт мактабини босиб ўтган тажрибали устоз Муҳаммаджон Абдурахмоновнинг «Устоз-шогирд» мактабида ҳам кўпгина иқтидорли ёшлар тарих, фалсафа, маънавият, маданиятшунослик мутахассислиги бўйича илмий салоҳиятини ошириб, излашнилар олиб борди.

Устознинг ибратли хислатларидан бири ҳеч кимга ҳеч қачон овозини баландлатиб муомалада бўлмади. Жамоадаги ёш тадқиқотчилардан ўз маслаҳатларини аямади.

2016 йил 14 апрелда тарих фанлари доктори, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Муҳаммаджон Абдурахмонов 67 ёшида вафот этди.

М.Абдурахмоновнинг порлоқ хотираси уни яхши билган дўстлари ва ҳамкасблари, фарзандлари ва шогирдлари хотирасида мангу сақланиб қолади. Олимнинг тарихий асарлари унга мангулик келтирди.

Бешафқат ўлим Муҳаммаджон Абдурахмоновни орамиздан олиб кетди. Унинг номи ва сиймоси у яратган дарслик ва қўлланмаларда, фарзандлари ва шогирдлари, ҳаммамизнинг қалбимизда яшайди.



ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4907-сон Фармониға мувофиқ мамлакатимиз илм-фани нуфузини янада ошириш, илмий-технологик салоҳиятини юксалтиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, Фанлар академияси аъзолари таркибини фаннинг устувор йўналишларида олиб бораётган фаол илмий-тадқиқот изланишлари натижалари билан республика ва халқаро илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган таниқли олимлар ҳисобига кенгайтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ва янги мактаблар яратилишини таъминлаш мақсадида юртимиздаги таниқли илм-фан заҳматкашлари, фидойиларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари этиб сайланди. Шу муносабат билан Андижондаги «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедицияси жамоат фонди ва «Водийнома» (Тарихий мерос) ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнали Фанлар академияси таркибига янгидан қўшилган барча академикларни чин қалбдан муборакбод этади, уларга юртимизда илм-фанни янада ривожлантириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга, ҳаётга, турмушга татбиқ этиш, илмий салоҳиятни юксалтириш, олимлар янги авлодини яратиш, Ўзбекистон фанининг жаҳонда тутган ўрни ва мавқеини янада кўтариш борасида улкан зафарлар тилайди.

«Мерос» жамоат фонди жамоаси ва «Водийнома» журнали таҳририяти журналнинг мазмун ва моҳиятини замон талаби даражасига кўтаришда ўзларининг қимматли маслаҳати, таҳририятдаги фаолияти, журнал саҳифала-

рида эълон қилинган мақолалари билан фаол иштирок этаётган Наим Фатиҳович Каримов, Акмал Холматович Саидов, Анатолий Сагдуллаевич Сагдуллаев, Сирожиддин Зайнобидиновни академик унвонига эга бўлганлари билан чин қалбдан табриклайди, уларга узоқ умр, буюк зафарлар тилайди.

Каримов Наим Фотиҳович (1932. 12.12. Тошкент) – адабиётшунос олим, жамоат арбоби. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1996). Филология фанлари доктори (1993), профессор (1994).



Тошкент университети-нинг филология факультетини тугатган (1955). Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида бўлим мудири (1990 йилдан).

Наим Каримов XX аср ўзбек адабиёти тараққиёти хусусиятларини очиш борасида илмий тадқиқотлар олиб боради. У шу даврдаги ўзбек адабиёти ва унинг йирик вакиллари ижодини миллий гоё мезонлари асосида ўрганиш ишини биринчилардан бўлиб бошлаган. Унинг илмий фаолиятида адабиёт ҳодисаларини тарихий воқеалар, бадиий асарни эса ёзувчи ҳаёти ва маънавий-эстетик олами билан узвий алоқада ўрганиш устуворлик қилади.

Бу буюк тадқиқотчи Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ҳамзанинг кўп жилдли академик нашрларини тайёрлаш ва нашр қилишда иштирок этган. Мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари учун ўзбек адабиётидан дарсликлар ёзган.

Наим Каримов Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти раиси (1999 йилдан). Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ва «Шаҳидлар



хотираси» хайрия жамгармаси кенгаши раиси (1999 йилдан), «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи директори (2002 йилдан). Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган (1999).

Академик Н.Ф.Каримов «Водийнома» журнали ташкил этилганидан бошлаб ўзининг илмий мақолалари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Бу ажойиб, заҳматкаш олимнинг узоқ умр кўриб, халқимизга янгидан-янги асарлар яратишига тилакдошимиз.

Акмал Холматович Саидов – 1958 йили Тошкент вилояти Янгийўл туманида тугилган. Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тавомлаган. Юридик фанлар доктори, профессор. «Меҳнат шуҳрати» ва «Дўстлик» орденлари билан мукофотланган.



1985 – 2000 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, бўлим мудир, Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институтининг директори, Тошкент давлат юридик институтининг ректори, Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги фавқулодда ва мухтор элчиси вазифаларида самарали фаолият кўрсатди.

2000 йилдан ҳозирги вақтгача Акмал Саидов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

БМТнинг инсон ҳуқуқларига бағишланган турли анжуманларида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонларига бағишланган тадбирларида, Европа Иттифоқи тузилмалари ва шу каби бошқа халқаро форумлар ишида иштирок этган.

Олимнинг асарлари АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Франция, Италия, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия, Польша, Бельгия, Россия ва бошқа давлатларда чоп этилган.

Таниқли француз олими Люсьен Керен билан ҳаммуаллифликда ёзган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган «Амир Темур ва Франция» номли улкан китоби 2016 йили нашрдан чиқиши катта воқеа бўлди.

Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ профессори, бир қатор хорижий ва халқаро юридик жамиятлар ҳамда уюшмалар аъзоси, ҳуқуқшуносликка оид 30 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар, 300 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Академик Акмал Саидов «Водийнома» журнали ташкил этилишида муҳим роль ўйнаган ва қимматли маслаҳатлар бераётгани, ўзининг қатор мақолалари билан журналимиз саҳифаларида қатнашаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу давлат, жамоат арбоби ва забардаст олимга «Водийнома» таҳририяти жамоаси узоқ умр, серқирра илмий фаолиятида янгидан-янги зафарлар тилайди.

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич – 1951 йили Қашқадарё вилояти Китоб туманида таваллуд топган, ҳозирги Ўзбекистон миллий университетини тугатган, таниқли ва йирик тарихчи-археолог, катта илмий ҳаёт йўлини босиб ўтган миллатпарвар олимлардан бири.



Айниқса, 1998 – 2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази директори лавозимида ишлаганида фан ташкилотчиси ва моҳир педагог сифатида ўзининг бутун қобилиятини намоён этган.

Профессор А.С.Сагдуллаев Ўрта Осиё археологияси ва давлатчилиги тарихи бўйича ўз



мактабини яратган заҳматкаш олим, талабчан ва меҳрибон устоздир. Унинг илмий раҳбарлигида 2 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзоди тайёрланди.

Унинг Ўрта Осиё тарихига бағишланган 6 та монографияси, 4 та дарслик ва қўлланмалари, Ўзбекистонда ва хорижда эълон қилинган 300 дан ортиқ илмий мақолалари илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди.

Профессор А.С.Сагдуллаев Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси Э.В.Ртвеладзе билан ҳаммуаллифликда чоп этган «Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии» (Тошкент: Ўзбекистон, 2006, 2017) рисоласида Марказий Осиё мамлакатларида тарих фанининг ривож ва тарихий-маданий мерос масаласига дахлдор муаммолар ёритилган.

А.С.Сагдуллаев Ўзбекистон давлатчилиги тарихи масаласида янги назария ярата олган, қадимги Бақтрия ва Сўғд тарихий-маданий воқалар археологияси ва тарихини тадқиқ этган олимдир.

Олимнинг ибратли хислатларидан бири республика вилоятлари ва чет эл тарихчилари билан яқиндан илмий алоқада бўлишидир. Бу ўринда Андижон давлат университети тарихчилари яратган Ўзбекистон тарихи бўйича қўлланма ва дарсликларга масъул муҳаррирлик қилганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, 2010 йили, 2016 йили «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Vatan tarixi» (R.Shamsutdinov, Sh.Karimov; R.Shamsutdinov, Sh.Karimov, S.Hoshimov) ўқув қўлланмасига масъул муҳаррирлик қилган. Андижон давлат университети тарихчилари билан биргаликда Далварзинтепа археологик манзилгоҳида ибратли фаолият кўрсатгани маълум.

Биз академик А.С.Сагдуллаевга узоқ умр, бахтли-тотли ҳаёт, илм-фанда улкан мувафакциятлар тилаймиз.

Сирожиддин Зайнобиддинов

– 1945 йили Андижон вилояти Булоқбоши туманида туғилган, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини битирган, физика-математика фанлари доктори, профессор, физика фани ривожига катта



ҳисса қўшган олимлардан бири. Устозларининг маслаҳат ва йўлланмалари туфайли компьютёрланган кремний олиш технологиясини яратишда, кремнийдаги аралашма атомлари ва нуқсонларнинг хатти-харакатларини ўрганиш, уларни ташқи таъсирлар остида бошқариш, легирланган кремний ва унинг негизида яратилган электрон асбобларнинг функционал хусусиятларини ўрганиш ва амалга татбиқ этиш бўйича йирик тадқиқотлар олиб борди ҳамда салмоқли ютуқларга эришди.

У катта илмий салоҳиятга ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшган олимлардан. Ўзбекистонда ва хорижда 500 дан зиёд илмий мақолалари эълон қилинган, 7 та монография, 20 га яқин ўқув қўлланма, 4 та лугат муаллифидир. Унинг шогирдларидан 5 нафари фан доктори, 16 нафари фан номзодидир. Ҳозирда академик Сирожиддин Зайнобиддинов Андижон давлат университетида самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг серқирра фаолияти эътироф этилган, 1992 йили фан ва техника соҳасидаги Беруний номидаги Давлат мукофоти берилган, 2017 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги унвони билан тақдирланди.

С.Зайнобиддинов Андижон давлат университети ректори сифатида самарали фаолият кўрсатган, бу илм маскани кўп соҳада республика олий ўқув юртлари ичида катта нуфузга эгадир.

«Водийнома» журнали таҳририяти академик С.Зайнобиддиновга серқирра фаолиятида улкан зафарлар тилайди.